

ИСЛОМ КАРИМОВ

ИСЛОМ КАРИМОВ

ОНА ЎОРТИМИЗ  
ВАХТУ ИЖБОЛИ ВА БЮЛК  
ЖЕЛАЖАРИ ЙИЛДИЗ  
ХИЗМАТ КИЛОДИ -  
ЭНГОЛИЙ САОДАТИЗИР

«Ўзбекистон»




УС-25

## ИСЛОМ КАРИМОВ

ОНА ЮРТИМИЗ  
БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БЮОК  
КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА  
ХИЗМАТ ҚИЛИШ –  
ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2015



УЎК: 323(575.1)  
КБК 66.3(5Ў)  
K25

ISBN 978-9943-28-344-2

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2015

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Хурматли китобхон!

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда ул-кан сиёсий воеа – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, ҳар томонлама юқори савияда, мукобиллик асосида ўтган бу сайлов мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида яна бир муҳим, ҳал қилувчи боскич бўлиб, ҳалқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончи нақадар мустаҳкам экани, унинг сиёсий-хукукий онги, ижтимоий фаоллиги, Ватанимизнинг бугунги ва эртанги тақдирни учун дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётганини амалда яққол намоён этганини таъкидлаш лозим.

Конституциямиз, миллий ва ҳалқаро хукуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида, очиқлик ва ошкоралик, тенглик ва холислик принципларига тўла мувофиқ равишда ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз берди.

Бундай ёркин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистоннинг мустакиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсад ва вазифаларини ҳал этиш борасидаги бекиёс хизмат-

лари, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқимиз томонидан юксак эътироф этилгани ва яқдиллик билан қўллаб-куватланганидан далолат беради.

Бу ҳақиқатни сайлов жараённида кузатувчи сифатида иштирок этган нуғузли халқаро ташкилотлар, қўплаб хорижий давлатларнинг вакиллари ҳам кенг эътироф этганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари изчил давом эттирилаётган, энг муҳими, халқимиз, айниқса, ёш авлодимиз мутлақо янгича инсоний сифат кўрсаткичлари билан майдонга чиқаётган, юксак мэрраларга интилиб яшаш унинг ҳаёт мазмуни, фуқаролик позициясига айланиб бораётган бир пайтда, бугунги XXI аср – глобаллашув даври олдимизга тобора ўткир ва долзарб вазифалар қўяётган бир шароитда ўтган бу сайлов Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги тараққиёт натижаларини чукур сарҳисоб қилиб, истиқбол режаларини белгилаб олиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилган сайловда Ислом Каримов томонидан, бошқа номзодлар сингари, кенг миқёсдаги тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилгани жамоатчилигимизга яхши маълум.

Давлатимиз раҳбарининг нисбатан қисқа вақт – 2–3 ой давомида йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккала палатанинг қўшма мажлисида,

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мүлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йигилишида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездидаги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимидағи нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувда мустакиллик йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлимизни теран таҳлил қилиб, яқин ва олис келгусида олдимизда турган вазифаларни ҳам стратегик, ҳам тактик жиҳатдан атрофлича асослаб берганини таъкидлаш зарур.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Энг муҳим сиёсий, ҳукукий, иктиносидий-ижтимоий, маънавий масалаларни ўзига қамраб олган бу қадар йирик ҳажмдаги аналитик материаллар ва маълумотларни киска вакт мобайнида ишлаб, умумлаштириб, уларнинг ҳар бирини юракдан ўтказган ҳолда, чукур таҳлил қилиш, таъсирчан шаклда тингловчиларга, сайловчиларга етказиш, табиийки, жуда катта гайратшилоат, билим ва тажриба, кенг миқёсдаги тафаккур ва интеллектуал салоҳиятни талаб этади.

Ана шу нутқ ва маърузалар билан батафсил танишар эканмиз, биз ўз олдимизга қўйган юксак ва-

зифалар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иктисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг хаёт даражаси ва сифатини ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллашига каратилган узок ва давомли максадларимиз, уларни амалга ошириш йўллари бугунги ва эртанги кун нуктаи назаридан теран таҳлил қилингани ва яқин келажакдаги устувор, дастурий йўналишлар аник ва равshan белгилаб берилганига амин бўламиз.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун давлатимиз раҳбарининг ушбу китобдан ўрин олган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездидаги маъruzasi билан танишиш кифоя деб ўйлаймиз.

Президентимизнинг айрим учрашув ва мажлислардаги нутклари матбуотда эълон қилинганидан ва рисола шаклида чоп этилганидан ҳурматли ўқувчилар хабардор, албатта. Айни пайтда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан булиб ўтган учрашувлардаги маъruzалар нашр этилмасдан, улар ҳақида оммавий ахборот воситаларида қисқача ахборотлар берилди, холос.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳозирги ва келгуси ҳаётига бевосита дахлдор бўлган муҳим концептуал фикрлар, ғоя ва қарашлар илгари сурилган, биз учун янги тарихимизнинг ажралмас бир кисми булиб қоладиган ана шу нутқ ва маъruzаларни атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш, кенг жамоатчиликка, авваламбор, ёшларимизга етказиш долзарб аҳамиятга

эгадир. Шу боис, уларнинг катта ижтимоий мохияти, илмий-назарий қиммати ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, нашриётимиз томонидан улардаги энг муҳим, дастурий ғоялар алоҳида тўплам сифатида тайёрланаб, эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ушбу китобда давлатимиз раҳбарининг мамла-катимизни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш, жумладан, ижтимоий соҳалар – таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни саклаш, маданият ва санъат, спорт тизимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар, жамиятимизда аёллар, кексалар ва ёшларнинг ўрни, уларга янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ масалалар; ҳар бир ҳудуд ва минтақа бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган режалар, устувор лойиҳалар; қадимий ва янги тарихимиз ҳакида, собиқ советлар тузуми мохиятини фош этадиган мисоллар, бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида бу тузумни тиклашга бўлаётган ҳаракатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat концепцияси туғрисидаги қарашлари ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини куйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, **«Кечаким элигу бугун ким бўллиқ?»** деган савол асосида уларнинг мохияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вактда **«Эртага ким бўлишимиз, канлай янги мэрраларни эгаллашимиз керак?»** деган савол устида ўйлашимиз, нафакат ўйлашимиз, балки

**амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришими兹 лозим».**

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётий саволларга чукур ва ҳаққоний жавоблар берилгани китобнинг қимматини янада оширади.

Давлатимиз раҳбарининг сайловолди учрашувларида маърузаларида кейинги 7 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан узвий боғлиқ ҳолда қилинган қиёсий таҳлили, ҳар қайси худуднинг келгуси ривожини белгилаб берадиган асосий истиқбол режалари аник факт ва ракамларда акс эттирилади.

Мисолларга мурожаат киладиган бўлсак, ҳозирги вақтда юртимизнинг турли худудларида амалга оширилган ва амалга оширилаётган улкан лойиҳалар – бу Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш бўладими, «Шўртангазкимё» комплекси ёки Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, «Самавто» корхонаси, «Ангрен», «Навоий», «Жиззах» маҳсус индустрiali зоналари бўладими, Бухоро ёки Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, «Женерал моторс – Ўзбекистон» ёки МДХ худудида ноёб бўлган Тошкент вилоятидаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводлар бўладими, Питнак шаҳрида барпо этилган замонавий енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган корхона бўладими, Сирдарё иссиқлик электр станцияси, «Ангрен – Поп»

электрлаштирилган темир йўли ёки пойтахтимизда-  
ги янги-янги ишлаб чиқариш кувватлари бўладими –  
буларнинг барчаси нафакат бир худуд, балки бутун  
мамлакатимиз миқёсидаги йирик лойиҳалар эканига  
алоҳида урғу берилади.

Шу ўринда Президентимизнинг нутқ ва маърузала-  
рида зикр этилган айрим характерли рақамларни кел-  
тириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Қашқадарё вилоятида воҳанинг мав-  
жуд индустрисал салоҳиятини янада юксалтириш  
мақсадида хозирги вактда факат нефть-газ, нефть-  
кимё саноатининг ўзида қиймати салкам 10 мил-  
лиард долларга тенг бўлган 17 та лойиҳа амал-  
га оширилмоқда. 2020 йилгача вилоятда айни шу  
соҳада яна 11 миллиард долларлик 31 та янги лойиҳа  
жорий этилади. Қоракалпогистон Республикаси-  
да эса келгуси беш йилда факат саноат соҳасининг  
ўзида 500 га яқин йирик лойиҳани амалга ошириш  
режалаштирилмоқда.

Бир вактлар – ўтган асрнинг 90-йилларида юрти-  
мизда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши  
14,1 фоизни ташкил килган бўлса, мана шундай кенг  
кўламли амалий ишларимиз ҳисобидан бугунги кунда  
бу курсаткич 25 фоизни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз бўйича келгуси беш йилда ризк-  
рўзимиз манбаи бўлган ерларнинг мелиоратив ҳола-  
тини яхшилашга 1 триллион 860 миллиард сўм, ир-  
ригация тармоқларини модернизация килиш учун эса  
3 триллион 144 миллиард сўм ва 584 миллион доллар-  
лик хорижий инвестицияларни йўналтириш кўзда  
тутилмоқда.

Ёки шаҳарларимизни комплекс қайта қуриш бўйича қабул килинган дастурларнинг ижросини оладиган бўлсак, бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Кўкон, Марғилон, Андижон, Наманган, Урганч, Нукус, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Жиззах, Гулистан ва бошқа кўплаб шаҳарларимизнинг киёфаси тубдан ўзгариб бораётганига маърузаларда алоҳида эътибор қаратилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 каррадан зиёд ўсгани, мамлакатимиз аҳолиси 10,5 миллионга кўпайгани ҳолда, унинг даромадлари қарийб 9 баробар ошгани, одамларимизнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга узайгани сингари бекиёс ютуқ ва натижаларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғуурлансак арзиди, албатта.

Айниқса, кейинги ўн йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотимиз 8 фоиздан кам бўлмаган суръатларда ўсаётгани ва 2015 йилда ҳам шундай натижа кутилаётгани чиндан ҳам халқаро жамоатчиликнинг, яқин ва узок ён-атрофимиздаги қўшни мамлакатларнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Шу ўринда нуфузли халқаро эксперт ташкилотлари ва рейтинг компаниялари томонидан ўтказилаётган айрим тадқиқотлар ҳақидаги баъзи бир маълумотларни келтириб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми – «World Economic Forum» иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг «Глобал иқтисодий тараққиёт»

прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Узбекистон 5-уринда қайд этилгани албатта кўп нарсадан далолат беради.

Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этаётгани ва бу соҳанинг давлат бюджети харажатларидағи улуши 35 фоиздан зиёд экани, бундай кўрсаткичларни дунёнинг бошқа давлатларида камдан-кам учратиш мумкинлиги бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда «Moody's», «Standard & Poor's» ҳамда «Fitch Rating's» халқаро рейтинг агентликлари юртимизнинг барча тижорат банкларига уларнинг баркарор ўсиш суръатларига эришаётганини тасдиқлайдиган рейтинг баҳоларини тақдим этмоқда.

Маълумки, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, хаётдан рози бўлиб яشاшига эришиш бугунги замонавий давлатчилик таракқиётидаги мухим кўрсаткич ҳисобланади. Якинда айни шу кўрсаткичлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ижтимоий сўров ва тадқиқотлар ўtkазилиб, шу асосда «Бутунжаҳон баҳт индекси»нинг («World Happiness Index») янги рейтинги эълон килинди. Диккатга сазовор жихати шундаги

ки, ушбу рўйхатда Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилди. Айтиш жоизки, бундан икки йил аввал мазкур рўйхатда мамлакатимиз 60-ўринни банд этган эди.

Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журналининг эътироф этишича, Ватанимиз пойтахти – азим Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингида 140 та шаҳар орасида 58-ўринни эгаллайди.

АҚШнинг «The Huffington Post» нашри томонидан Самарканд шаҳри «Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган 50 шаҳри» рўйхатига киритилгани ва бундай эътирофга эришишда ҳам МДҲ мамлакатлари ўргасида Ўзбекистон ягона эътиборга сазовордир.

Албатта, халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётган бундай ютуқ ва натижаларга халқимиз ўз-ўзидан, осонликча эришаётгани йўқ. Буларнинг барчаси замирида, аввало, ўз вақтида тўғри танланган, «ўзбек модели» деб ном олган, халқимиз манфаатларига тўла жавоб берадиган миллий тараққиёт стратегияси, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати ҳал қилувчи омил ва мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат килаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашувларда Ўзбекистоннинг тараққиёт йули, мамлакатимизда узокни кўзлаб олиб борилаётган халқчил сиёsatнинг мазмун-моҳияти давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётий мисоллар асосида яна бир бор терантахлил қилиб берилди.

Шу ўринда, мустақиллик йилларида биз босиб ўтган ғоят оғир ва мураккаб йўлнинг туб маъномазмуни, бугун биз эришаётган ютуқларнинг ҳаётий замини ҳакида яққол тасаввур берадиган қўйидаги бир мисолга эътибор қаратишни зарур деб биламиз.

«Бир пайтлар баъзи вилоят ва туман раҳбарларимиз, биз – аграр республика, деб мақтаниб юрарди, – дея таъкидлайди Ислом Каримов Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда. – Улар нимани ўйлаган – мен билмадим. Умрбод СССР таркибида бўламиз, деб ўйлаганми?

Бу одамлар озгина фикрлаб кўрса бўлардики, сув, ер етишмаса, халқимиз қўпайиб бораётган бўлса, фақат ғалла, пахта, сабзавот етиштириш билан мамлакатимизнинг тараққиётини таъминлаш мумкинмиди?

Мана, сизларга яна битта ракам: 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг киши эди. Мустақиллик йилларида халқимиз 1,5 карра ўсди – 31 миллионга етди.

Айтинглар, 1,5 баробар қўпайган аҳолини эски шароитда оладиган ҳосил – пахта, ғалла ҳисобидан боқиб бўлармиди? Ўша пайтда биз тахминан 5–6 миллион тонна буғдойни четдан олиб келар эдик. Шундай вактлар бўлганки, бир ҳафта-ўн кунлик унимиз колган эди.

Бир тасаввур қиласи, кайси давлат, кайси халқ буни ўз бошидан ўтказган? Ана шундай муаммолар қаршисида ёлғиз қолган пайтимиизда ким бизни қутқарди? Биринчи навбатда, ўзимиз. Чидадик, лекин ҳеч кимдан қарз бўлмадик.

**Бугунги кунда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардан қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмайди. Ваҳоланки, баъзи давлатларда бу кўрсаткич 150 фоиздан ҳам ортикни ташкил қиласди, улар бўйнидаги қарзидан қандай кутулишни ҳам билмай юрибди».**

Мамлакатимиз раҳбари сайловолди учрашувларидағи ҳар бир чиқишида бугун, дунё миқёсида глобаллашув ва ракобат тобора кучайиб, зиддият ва қарама-каршиликлар кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз факат эришган ютукларимизга маҳлиё бўлмасдан, дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, кундан-кунга ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, давр билан ҳамқадам бўлишимиз зарур ва шарт эканини қайта-қайта уқтиради.

**«Биз ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тұхтаб турмаслигини, албатта, яхши англаймиз, – дейди Ислом Каримов. – Агарки биз XXI асрда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда яшаётганимизни хисобга оладиган бўлсақ, ҳаётимиз нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, айникса, чукур хис қиласмиз.**

**Ана шундай шароитда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимиизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг факат бир қисми эканини ўзимизга аник тасаввур этишимиз керак.**

**Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узок атрофимизда турли можаро ва қон түкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иктисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қиласди».**

Сайловолди учрашувларида мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳот ва модернизация жараёнлари доирасида барча минтақаларимизни замон талаблари асосида, мутаносиб ҳолда тарақкий эттириш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, одамларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар қайси худуднинг ўзига хос шароити ва имкониятларидан келиб чишиб, барча соҳалар бўйича яқин ва узок келажакка мўлжалланган устувор вазифалар, уларни амалга ошириш йўллари аник-равshan белгилаб берилди.

Бўлиб ўтган самимий мулокот ва учрашувларнинг асосий мавзуси бўлган мухим масала – сайлов ва демократия бўйича давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикрлар, айниқса, дикқатга сазовордир.

Маълумки, мазкур тушунчалар дунё тафаккур тарихдаги энг қадимий ва энг кўп муҳокама қилинадиган масалалар бўлиб, бир қарашда бу мавзуда айтилмаган гап, ёритилмаган муаммонинг ўзи қолмагандек тую-

лиши мумкин. Лекин, халқимиз кўп йиллар давомида мустамлакачилик зулми остида, оғир иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетгани учун бу тушунчалар бизнинг миллий қадриятларимиз, тафаккур ва тасаввурларимиз билан бевосита боғлик ҳолда таҳлил килинмай келгани ҳам айни ҳакиқат.

Ислом Каримов сайлов ва демократия ҳакида сўз юритар экан, миллий-ижтимоий тафаккурдаги ана шу бўшлиқни тўлдириб, бу борадаги кўпгина масалаларнинг ҳам илмий-назарий, ҳам услубий-амалий ечи мини баён килади. Айни шу аснода илгари сурилган баъзи теран фикрларни мазкур тушунчаларнинг аниқ таърифи, таъбир жоиз бўлса, халқона ифодаси сифатида қабул килиш мумкин.

«Сайлов – бу биз қураётган ҳуқукий демократик давлатнинг узвий бир қисми, фуқароларнинг уз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий шаклидир».

«Содда қилиб айтганда, сайлов – бу, аввало, эркин танлаш ҳуқуки демакдир».

«Сайлов – бу демократия дегани, демократия – бу сайлов деганидир. Ҳақиқатан ҳам, демократиянинг ҳаётда устувор бўлиши учун қачон энг қулай имконият пайдо бўлади? Айнан холис, муқобил сайлов утказишда».

«Демократиянинг ўзига хос кўплаб ижобий жиҳатлари бор, албатта. Лекин уни ўйинга айлантириб, катта минбарлардан туриб, «демократия, демократия» деб кўксига уриб гапириш, аслини олганда, халқ манфаатларини никоб қилиб, ўз

манфаатларини күзлашдан бошқа нарса эмаслигини хам күп күрганмиз.


Демократияни қандайдир догмага, қотиб қолған ягона бир мезонга айлантириш, уни бошқа давлатларга, уларнинг миллий шароити ва ўзига хослигини ҳисобга олмасдан, умумий қоида сифатида тиқишириш – мутлақо нотуғри.

Биз шуни яхши англашимиз керакки, демократия ҳеч қачон бир хил шакл ёки мазмунда бўлмайди. Демократия дегани – бу ҳамиша ўзгариб турадиган ҳаёт тарзи, жамият тизимининг ривожи билан узвий боғлик.

Демократия – инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англалади».

Бундай фикр ва қарашлар халқаро миёсда XXI асрнинг энг кучли сиёсий лидерларидан бири сифатида эътироф этилган давлат арбоби томонидан айтилаётганини инобатга оладиган бўлсак, ўйлаймизки, уларнинг аҳамияти янада ошади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг сайловолди учрашувларидаги чиқишлари яна бир ўта муҳим масала – Ватанимиз мустақиллиги биз учун энг буюк неъмат, улкан имкониятлар манбай эканини чукур англаб, уни бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлаш, халқимизнинг тияж-осойиши ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлигига тахдид солиши мумкин



бўлган ҳар қандай хавф-хатардан огоҳ бўлиб яшашга, дунёга очик кўз билан қараб, окни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олишга даъват этиши билан алоҳида эътиборга сазовордир.

Айниқса, китоб муаллифи томонидан баён қилинган, якин тарихимиз ҳақидаги бевосита ўзи гувоҳ бўлган, қалбидан, юрагидан ўтказган ҳаяжон ва изтиробга тўла воқеалар, собиқ совет тузумини ич-ичидан чукур биладиган инсон сифатида бу зўравон тузумнинг сохта ва ғайриинсоний ғоялари, ёвуз кирдикорларини фош этишга қаратилган, аниқ фактларга асосланган ҳаққоний фикрлари нухоятда аҳамиятлидир. Бугунги кунда постсовет ҳудудидаги айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган, СССРни қайта тиклаш борасидаги турли уринишлар таги пуч даъволардан иборат экани, ҳалқимиз энди ҳеч қачон эски, мустабид даврга қайтмаслигини тушуниш, англашда улар ғоят долзарб мазмун касб этади.

Шу ўринда ана шундай фикрлардан айрим мисоллар келтириб ўтиш мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз.

**«Илгари ҳам, ҳозир ҳам СССРни ёқлаб чиқаётганларнинг бирорта гапига ишониб бўлмайди, – деб таъкидлайди Президентимиз Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда. – Биз бир пайтлар кўкларга кўтариб, мук тушиб сигинган Ленин бобо, Сталин бобо ва бошқа «бобо»ларимиз аслида ҳаммаси қаллоб ва жаллод бўлиб чиқди. Мана, сизга ҳакиқат. Масалан, Ленинни дунё ҳалкларининг дохийси, ҳалоскори деб пионерлик, комсомоллик пайтимизда ашуналар айтган-**

миз. Мен ҳозирги ёш үғил-қызларимизни куриб хурсанд бўламанки, улар бундай ёлғон гаплардан мутлақо узоқ бўлиб вояга етмоқда. Ўша замонда энди мактабга борган бола аввал «октябрят» нишонини такарди. Узингиз ўйланг, 6–7 ёшга кирган бола нимани билади? Бу ёшда бола фақат офтобни, очилган гулларни, умуман, атрофидаги олами кўриб хурсанд бўлади. Онасини курса, байрам бўлса, қувонади.

У пайтлар шундай вазиятлар ҳам бўлардики, бир марта тўйиб овқатланишининг ўзи баҳт ҳисобланарди. Мен ёшлигимда буларнинг барчасини бошимдан ўтказганман. Ҳатто, шундай бўлганки, мактабда бир неча бор дарс пайти очликдан ҳолсизланиб ухлаб қолганман. Бундай ҳолатлар ўша замонларни кўрган одамларнинг кўпчилигига бегона бўлмаса керак. Мен аниқ биламан, сизлар ҳам ёшлигингида айни шундай қийинчиликларни бошингиздан ўтказгансиз. Яъни, ҳаммамизнинг тақдиримиз ўхшаш бўлган. Ўша даврларда эрталаб оч-наҳор туриб, дарсга чопардик, куч-қувват ҳам шунга яраша бўларди.

Бир сўз билан айтганда, биз шундай оғир замонларда яшаганмиз, кўпгина ноҳақликларни ўз кўзимиз билан курганмиз. Сиёsat бошқа-ю, хаёт бошқа эди. Турли қалин китобларни чиқариб, шиорлар, ашулаларни тўқиб, ҳаммани сохта ғояларга ишонтириш оддий ҳол эди. Комсомол бўлмасанг, партияга кирмайсан, партияга кирмасанг, хеч қандай вазифада ишлай олмайсан, деган қараш ҳукмрон эди.

Яна бир мудхиш нарса шуки, 30-йилларда қулоқлаштириш сиёсати олиб борилиб, мингминглаб одамларнинг молу мулки, уй-жойлари тортиб олинган, ўзлари эса узоқ ва совук ўлкаларга сургун қилинган, бу тузумдан норози бўлган одамларнинг болаларига «халқ душманинг фарзанди» деган тамға босилган. Умуман, совет тузуми ва мафқураси миллионлаб одамларни майиб қилган, уларнинг такдирида аянчли из қолдирган. Уларнинг қанча-қанчаси адолатни, ёруғ кунларни кўрмасдан, бу дунёдан ўтиб кетган.

Мана, энди СССР деган давлат йўқ бўлиб кетди. Кимdir бундан хурсанд бўлса, яна кимdir, афсуски, ўша даврларни қўмсаб яшаяпти. Аслида, империялар, зўравонлик билан тузилган давлатлар ҳеч қачон узоқ яшамайди. Бу – тарих ҳақиқати».

Ҳақиқатан ҳам, бу фикрларнинг нақадар ҳаққоний ва чукур илмий, тарихий асосга эга эканини бугун ҳаммамиз дунёда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар мисолида кўриб, кузатмоқдамиз.

Файласуфлар «тарих қайтарилимайди», дейдилар. Лекин, афсуски, тарих баъзан қайтарилганида фарс – майнавозчилик кўринишида ёки фожиа тарзида тақрорланиши мумкин эканини бугун жаҳоннинг айрим ҳудудларида содир бўлаётган аянчли ва қонли воқеалар яққол кўрсатиб турибди.

Сиёsatшунослар фукароларнинг ҳаётга муносабати, кайфиятини давлат бошқарувининг самарадорлигини кўрсатадиган энг муҳим барометр сифатида таърифлашлари бежиз эмас. Шу нуктаи назардан қараганда, бир савол туғилади.

Хүш, бугунги кунда совет даврини күмсаш қандай мамлакатларда кузатилмокда? Аввало, давлат ва жамият бошкарувини түгри йўлга кўя олмаган, давлат халқ манфаатлари, унинг орзу-интилишларидан узок бўлиб яшайдиган, ислоҳотлар шунчаки ислоҳот учун, номигагина, чалакам-чатти олиб борилаётган ва самара бермаётган мамлакатларда эмасми?

Яқин ўтмишда, мустабид тузум даврида бошимиздан кечирган оғир кунлар ҳақида Юртбошимизнинг яна бир фикрига эътибор берайлик:

**«Юртимизда 90-йилларда юзага келган муаммонинг илдизи собиқ тузум даврига, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, пахта етишириш энг катта максад саналиб, ҳатто, одамларнинг ҳаёти ва саломатлигидан устун турган ўша мустабид замонга бориб тақалади.**

Халқимиз ўша пайтда чидаб бўлмайдиган шундай азоб ва уқубатларга гирифтор этилган эдики, буни сўз билан ифодалашнинг ўзи қийин. Далада ишлаб юрган одамларнинг устидан самолётдан заҳарли дорилар сепилгани, қанча-қанча болалар сариқ касаллиги ва бошқа дардларга йўлиққани бу залда ўтирганларнинг ҳали эсидан чиққани йўқ.

Ҳақиқат, тарих ҳақиқати болаларимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Тарих ҳақиқатини тулалигича кейинги авлодга етказиш ҳар бир инсоннинг келаҗак олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади.

Ўша машъум кунларни кўрган кишилар, фахрийларимиз ҳаёт эканидан фойдаланиб, бу борада кўпроқ маълумот тўплаш, уларни тизимлаштириш

устида ишлайдиган олим ва мутахассислар бўлса, мен бундай ташаббускор одамларни шу муқаддас заминни севган ватанпарвар, юртпарварлар деб қабул қиласман ва уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрман.

Инсоннинг табиати шундайки, вакт ўтиши билан ёмон воқеалар унинг эсидан чиқади. Бир томондан караганда, бу – тұғри. Чунки инсон бошидан кечирган баҳтсизликларни, эзилган кунларини эслашни хоҳламайди. Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида ортга назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабок чиқариб яшаши лозим.

Мен, аввалимбор, ёшларимизга қаратса айтмоқчиман: үқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, үтмишини билган одам келажакда адашмайди».

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда қуюниб гапирад экан, нафакат якин тарихимиз, балки үтмишимизнинг бошқа даврлари ҳакида ҳам ҳақконий фикрларни билдиради, тарихимизда рўй берган аччик ҳақиқатлардан барчамизни яна бир бор огоҳ этади:

«Тарихимиздаги оғрикли даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшшимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим. Чунки хеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега деганда, буюк давлатни куриш учун маърифатли, тарихни биладиган, ундан сабок чиқара оладиган одамлар керак.

**Авваламбор, Ватанини жонидан азиз кўрган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган насиҳатларини юрагимизга, кон-конимизга, суяқ-суягимизга мустаҳкам жо қилишимиз лозим ва болала-римизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз даркор».**

Чиндан ҳам, бир ҳакиқатни барчамиз тан олишимиз керак. Бугунги кунда нафакат ёшларимиз, айни пайтда, ёши улуғ юртдошларимизнинг ҳам аксарияти яқин тарихимиз ҳакида тұлақонли тасаввурга эга эмас.

Шу нұктаи назардан караганда, сайловолди учрашувларида үтган асрнинг 80-йиллари охирида собиқ Марказнинг Ўзбекистонда «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган тұхмат ва бұхтонлар билан амалга оширган оммавий қатағонлари ҳақида Ислом Каримов томонидан билдирилган ҳакконий фикрлар ҳар бир юртдошимизни ҳаяжонга солмасдан қўймайди.

Андижон вилоятидаги йиғилишда баён қилинган мана бу хотираларга эътибор беринг:

**«Собиқ СССР даврида Ўзбекистонга нисбатан Марказ томонидан олиб борилган зўравонлик сиёсати, халқимизни камситиш, унинг эҳтиёжларини менсимаслик, юртимизда пахта яккаҳокимлиги авжига чиқиб, иқтисодий ҳолатимиз ва ҳётимиз жар ёқасига келиб колгани, норозилик ловуллаб ёниб кетадиган даражада кескинлашиб боргани ҳеч кимга сир эмас.**

**Фараз қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган 6 миллион тонна пахта етиштириш планини бўйнимизга бўйинтуруукдек осиб қўйиб, уни бажариш учун фақатгина томларимизга пахта экиш қолганини айтмайсизми?**

**Ҳақиқатан ҳам, пахта яккаҳокимлиги шу қадар авжга чиққан здики, мана шу Андижон вилоятидек аҳоли зич яшайдиган ҳудудда экин майдонларининг 88 фоизини гўза эгаллаб олган зди. Ўша машъум кунларни сизларнинг кўпчилигингиж яхши эслайсиз, албаттага.**

Бундай сиёsat совет давлатининг ўзи қандай ноҳақ, зулмга асосланган ва мустабид тузум бўлганини яна бир бор кўрсатди. Мен ўша даврни нафакат оддий одам, балки раҳбар сифатида ўз бoshимдан ўтказганиман. Шунинг учун бу тузумнинг барча иллатларини яхши биламан.

Бу давр юртимиз учун нихоятда оғир, Марказдан ташланган «десантчи»лар, турли соҳта мафкурачилар – уларнинг ичидаги, афсуски, ўзимиздан чиққанлари ҳам бор зди – кўп зиён етказиб, ўзбек халқини пораҳурликда, кўшиб ёзишда айблаб, ҳар хил тухмат ва бўхтонлар ёғдираётган бир давр зди.

Албаттага, ўша пайтда жазога тортилган одамлар орасида мансабга, бойлика берилиб, нопок ишларга йўл қўйган шахслар ҳам бўлган. Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, ҳаёт бор экан, ҳалол, инсофли, диёнатли одамлар билан бир қаторда, баъзи кўли эгри, иши қинғир, факат ўз роҳатини ўйлаб яшайдиган кимсалар, афсуски, ҳамма халқларда ҳам учраб туради. Буни хеч ким инкор этолмайди. Лекин ана шундай нобоп одамларни деб бутун бир халқни коралаш, унинг шаънини, ғурурини оёқости қилиш, энг оддий инсоний ҳак-хуқуqlарини топташ, ўзингиз айтинг,

қайси қонун-коидага тұғри келади? Айниқса, туну күн умрини далада үтказиб, меңнатдан бошқа нарсани билмаган, шу заминни замин қылған оддий дәхқонлар, бригадир ва звеночилар, сувчи ва механизаторларни пахтани құшиб ёзиш, кимгадир пора бериш ёки пора олиш деган, одамнинг ақлига сиғмайдиган гунохларда айблаб, уларни судсиз суроқсиз бола-чақаси, оиласидан ажратиб, камаб қўйса, бундай ноҳақликка чидаб бўладими ўзи?

Биз «пахта иши» деганда, унинг мудхиш оқибатлари хақида гапирганда, аввало, ана шундай минг-минглаб оддий, бегуноҳ одамларни, уларнинг бошига тушган фожиаларни тушунамиз ва сунъий равишда ўйлаб топилган бу кампанияни халқимизга, юртимизга нисбатан олиб борилган оммавий катароннинг бир кўриниши деб баҳолаймиз.

Бундай зулм ва хўрликни андижонликлар ҳам кўп тортган. Чунки ўша пайтда Андижон вилояти Ўзбекистонда энг кўп пахта етиширадиган вилоят ҳисобланар эди. Табиийки, «десантчи»лар шуни баҳона қилиб, вилоятнинг бошига ҳам кўп ташвишлар солганини сизлар яхши биласиз, албатта.

... Ўзингиз айтинг, азизларим, 1989 йилнинг май ойида Фарғонада, Қувасойда бўлиб үтган конли воқеаларга нима сабаб бўлган эди? Ана шундай адолатсиз сиёsat эмасми?

Буни қарангки, ўша пайтдаги республика раҳбари бўлган одам бу воқеаларга катта минбардан туриб баҳо берар экан, бу бир тарелка қулупнай

устида булиб ўтган жанжал, безовта бўлишга ҳам арзимайди, хотиржам бўлинглар, ҳаммаси жойида, деган ёлғон гаплар билан ҳақиқатни яшириб, бутун дунёга шарманда бўлган эди.

Аслида эса юртимизда вазият жар ёқасига келиб колган, одамларнинг сабр косаси тўлган, уларнинг турмуш шароити жуда оғир эди. Буни яаш даражаси бўйича Ўзбекистон ўн бешта республика ичидаги энг пастки ўринларга тушиб қолгани, учтўртталаб оила каталакдек ҳовлиларда тиқилиб яшагани, ишсизлик, оналар ва болалар ўлими кескин ошиббет кетгани ҳам тасдиқлади.

Ана шундай адолатсиз шароитда азалдан чидамли халқимизнинг ҳам тоқати тоқ бўлдики, энди уни ушлаб, тўхтатиб турадиган кучнинг ўзи йўқ эди. Шундай ўта мураккаб, таҳликали, такрор айтаман, кичик бир учқун чиқса, ҳаммаёқ ловуллаб ёниб кетадиган бир вазиятда мен Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлишимга тўғри келган эди.

Ўзимнинг ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб айтамки, бу дунёда ёмонликни кўрмаган одам яхшиликнинг қадрини билмайди. Қийналмаган одам ҳақиқий баҳт нима эканини тўлиқ англаб етмайди».

Маърузаларда халқимиз бошидан кечирган яқин тарихимиздан яна шундай кўплаб мисоллар келтириладики, улар билан танишган одам бу воқеаларни худдики кино лентаси каби кўз олдидан ўтказгандек, шу оғир ҳаётни қайтадан кечиргандек бўлади.

Муҳтарам Юртбошимиз билдирган бу фикрлар, аввало, факт сифатида ноёблиги, яъни бошқа манбалар-

да учрамаслиги билан ғоят муҳим бўлса, иккинчидан, улар мустақиллигимиз ва миллий давлатчилигимизнинг асосчиси, ҳаётнинг жуда кўп машаққатли синовларини бошидан ўтказган, шу синовларда тобланган, Ватанимиз озодлиги ва ободлиги учун ҳаётини бағишлаган инсон, улкан давлат арбоби томонидан айтилгани билан янада бекиёс аҳамият касб этади.

Президентимизнинг мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва серкирра сиёсий-ижтимоий фаолияти «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида атрофлича акс эттирилган. Бу китоб билан танишган хар бир одам муаллифнинг Ўзбекистоннинг такдири ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалаларни миридан-сиригача пухта ўргангани ва ўта оғир муаммоларнинг ечимига улкан донишмандлик ва жасорат билан ёндашганига гувоҳ бўламиз.

Бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида давлатимиз раҳбарининг кўп йиллар давомида ечилмасдан, ҳаётимиз ривожига ғов-тусик бўлиб келган турли муаммолар ва уларни ҳал этишга алоҳида эътибор берганини кузатиш мумкин. Бунинг тасдиги Президентимизнинг Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан ўтказилган учрашувда билдирган фикрларида яккол намоён бўлганини кўрамиз.

«Эски шаҳар бундан 15–20 йил илгари кай ахволда бўлганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ёзда чанг-тупрок, қишида лой-ботқок бўлиб ётадиган тор кўчалар, табиий газ, тоза ичимлик сувидан, канализация каби қулайликлардан маҳрум, пастқам

уйлар Тошкентнинг қоқ марказида эски мустабид шўро тузуми сиёсатининг асорати сифагида, шахримиз ҳуснидаги доф бўлиб туар эди.

Йиллар давомида канча-канча раҳбарлар ўзгарди, авлодлар алмашди, лекин Эски шаҳарда истиқомат қилган халқимизга нисбатан менси масдан қарап ўзгармай, барчамиз учун «киёмат қарзимиз» булиб қолаверди.

Мустақилликка қадар Эски шаҳар ахолисининг 17 фоизи табиий газ, қарийб 18 фоизи эса тоза ичимлик сувидан, деярли барчаси канализация, телефон сингари замонавий кулайликлардан бебахра эди.

Совет даврида ҳамма Тошкентни «Шарқ дарвозаси» дер эди-ю, лекин, афсуски, бу дарвозанинг калити бошқа қўлларда эди. Очигини айтганда, шаҳар бедарвоза булиб қолганди. Шунинг учун мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб бу мураккаб муаммони ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш масаласини устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйдик ва улкан ишларни амалга оширдик».

Президентимиз ўз халқини севиш, унинг тарихи, маданияти билан фаҳрланиб, ғурурланиб яшаш ҳакида фикр юритар экан, айни пайтда ўтмишда эл-юртимизга нисбатан уюштирилган зулм ва зўравонлик, қатағон ва тазиклар учун бирон-бир халқ ёки миллат эмас, аксинча, факат зўравон тузум айбдор эканини унутмасликни таъкидлаб, бу борада бирёклама қарап ва ақидаларга, шовинизм, миллатчилик каби хавфли иллатларга берилиб кетиш номақбул эканидан огохлантиради:

«Биз аламзада эмасмиз, кечаги ҳаётдан норози бўлиб, кимгадир қандайдир талаб қўйишдан ҳам йироқмиз. Кимлардир бир вақтлар юртимиздан улкан бойликларни олиб кетган бўлса, майли, бойлик топилади. Аммо шуни билиб қўйинглар, бизнинг энг кагта бойлигимиз – бу ҳалқимиз, ёшларимиздир».

Узбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар барчамизга яхши маълум. Ана шу ишларнинг узвий давоми сифатида олдимиизда турган долзарб максад-вазифалар сайловолди тадбирларида кенг ёритилиб, таҳлил этиб берилган.

Энг муҳими, бу вазифаларнинг барчаси мамлакатимизни янги босқичда тараққий эттиришга қаратилган стратегик дастурнинг ажралмас бир қисми ҳисобланиб, уларнинг бирини бажармасдан туриб, иккинчисини адо этиб бўлмайди.

Айни шундай караш ёш авлод тарбиясида марказий ўринда туриши, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган фарзандларимизга нафақат шароит ва имкониятлар яратиб бериш, айни пайтда уларни шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлишга даъват этиш, «менинг даврим келади, деб эмас, аксинча, ўз даврим, ўз келажагимни ўзим яратаман», деб яшашга ўргатиш ҳаёт талаби эканига ушбу маъruzаларда алоҳида эътибор картиди.

«Бугунги учрашувимизда мен ёшларимизга караб айтмокчиман: агарки қачон биз хоҳлаган

замон келса, ана ўшанда муродимизга етамиз, деган фикр билан бемалол юрадиган бўлсак, биллиб қўйинглар, бундай замон хеч қачон ўз-ўзидан келмайди, – дейди Юртбошимиз ёшларга мурожаат килиб. – Узимиз истаган замон учун курашиш, керак бўлса, ўзимизни, бутун борлиғимизни беришимиш лозим. Шундай интилиш билан яшасак, нафакат ўз ҳаётимиз, балки келажак авлодларимиз ҳаётини, уларнинг эртанги ёруғ кунини ўзимиз, ўз қўлимиш билан барпо этган бўламиш».

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда айни шу борада амалга оширилаётган тарихий ишлар туфайли ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгимиз, дунё-карашимиз тубдан ўзгармоқда. Ёшларимиз билан бирга барчамиз ҳам ўсиб-улғайиб, мутлақо янги одамларга – мустакил юрт эгаларига айланмоқдамиз. Бундай туб ўзгаришлар моҳиятини англаш учун кечаги ва бугунги кунимизни киёслаш, такқослаш кифоя.

«Хозирги кунда юртимизнинг қайси шахар ёки қишлоғига борманг, энг муҳташам, энг куркам бинолар бу мактаблар, лицей ва коллежлар, маданият, санъат ва спорт масканлари эмасми?

Илгари бундай иморатлар каерда эди? Биз, айтайлик, кимнидир ҳайратда қолдирмокчи бўлсак, меҳмонларни қаерга олиб борар эдик? Корамоллар бокиладиган фермага. Шунча сигиримиз бор ва улардан йилига бунча сут олинади, деб мақтанар эдик. Бугун биз нима билан мақтаняпмиз, мақтаниш обьекти ва субъекти ким бўлди? Бизнинг таълим-тарбия масканларимиз ва уларда ўқиётган болаларимиз эмасми?

**Айни шу йүлни танлаганимиз энг түғри, тархий қадам булди. Чунки бизнинг зртанги кунимизни ким қуради – болаларимиз қуради, индинги кунимизни ким қуради – невараларимиз қуради.**

**Шу нуктаи назардан караганда, энг түғри йүл – таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, янада мустаҳкамлаш йулидир. Биз бу йулдан хеч қачон қайтмаймиз. Янги-янги мактаблар куриш, замонавий үқув лабораторияларини ташкил этиш, колледжларни битириб чиқаётган болаларимизни тұлық иш билан таъминлаш масалалари доимо зытиборимиз марказида туради».**

Яна бир дикқатга сазовор жиҳати шундаки, Ислом Каримов ҳар қайси вилоят ёшларининг ютукларини айни улар яшаётган ҳудуд ютукларига, уларнинг олдидә турған вазифаларни эса улар туғилиб вояга етган воҳа, шаҳар ва албатта, мамлакат тараккىётига оид вазифаларга боғлиқ ҳолда таҳлил килади. Бундай диалектика караш, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодни ўз туғилиб ўсган юрти билан бирга, бутун Ўзбекистоннинг тақдирі ва келажагини ўз тақдирі ва келажаги деб билишга ундаши, уларнинг қалбіда она Ватанга фарзандлик меҳри ва садоқатини кучайтиришга хизмат килиши табиийдир.

Бу фикрни қуйидаги мисол ҳам тасдиклайди:

**«Ёшлар ҳақида мен бошқа вилоятларда ҳам күп гапираман. Бугун Тошкент вилоятининг ёшларига қаратса, болаларим, сиз шундай бир замонда яша-япсизки, ўзингизни күрсатишингиз, бор имконият ва салоҳиятингизни ишга солишингиз мүмкін,**

деб айтмоқчиман. Үзингиз қаранг, сизларнинг бу-  
гун ҳар қадамда ташаббус кўрсатишингиз учун  
қандай имкониятлар яратилган. Яъни, сизнинг  
калбингизда ўз юртини севиш, шу юрт учун ёниб  
яшаш туйғуси бошқача бўлиб, бу – сизларнинг баҳ-  
тингиз, десак, тўғри бўлади».

Мухтарам Президентимизнинг сайловолди дас-  
туридан ўрин олган яна бир устувор вазифа –  
Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати билан боғлик маса-  
лалар хусусида жойларда бўлиб ўтган очик мулокот  
ва учрашувларда халқимизнинг юрагида, кўнглида  
булган, унинг тинчлик ва омонлиқда кечираётган кун-  
далик турмуши, эзгу орзу-ниятларига тўла жавоб бе-  
радиган муҳим фикр ва гоялар билдирилди.

«Биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча дав-  
латлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар  
билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли  
хамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг  
биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Энг  
муҳими, хеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз,  
Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базалари-  
нинг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимиз-  
нинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл  
кўймаслигимиз зарур, деб хисоблаймиз.

Узоқ ва яқин атрофимизда вужудга келаётган  
буғунги муракқаб вазиятда айнан шундай йўлни,  
шундай сиёсатни биз учун энг тўғри ва энг маъқул  
деб биламиз».

Табиийки, бу сўзлар юртимизда яшаётган барча  
инсонлар, авваламбор ота-оналарнинг қалбидаги ўй-

фикрларни ифода қилиб, уларнинг юрагида фарзандлари тақдири, Ватанимиз келажаги учун ишонч ва гурур туйғуларини уйғотади.

Президентимизнинг сайловолди учрашувларидағи нутк ва маъruzаларида баён қилинган устувор йұналишлар, долзарб фикр ва ғоялар ҳақида, уларнинг бүгунги ва эртанги тараккиётимиз учун нақадар улкан аҳамияттаға эга экани хусусида, албатта, узок сүз юритиш мумкин. Энг муҳими, уларнинг барчаси халқимиз, Ватанимиз тақдири ва истиқболига бевосита дахлдор экани, тараккиётимизнинг янги уфқларини белгилаб бериши билан зытиборимизни тортади, қалбимиз ва онгимизга муҳрланиб қолади.

Яна бир муҳим томони шундаки, ушбу китобда чуқур маъноли, теран ҳаёттый фалсафа билан йүргилған шундай ёрқин, таъсирчан фикр-мулоҳазалар борки, уларни ҳеч иккиланмасдан ҳикматли иборалар, афоризм сифатида қабул қилиш мумкин.

Хурматли китобхон, қуида келтирилаётган баъзи мисоллар билан танишиб, ўзингиз ҳам бу фикрга ишонч ҳосил қиласиз, деб үйлаймиз:

«Биз учун ягона мағкура – бу Ўзбекистоннинг тараккиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир».

«Мустақилликка, сиёсий мустақилликка эришиш учун, аввалимбор, иқтисодий мустақилликка эришиш керак. Ўзини бошқа бирорларга ипсиз боғлаб бермаслик керак».

«Бирорнинг қўлига ва юзига караб яшайдиган инсон ва давлатнинг озодлиги бутун бўлмайди, мустақиллиги тулиқ бўлмайди. Ҳаётнинг шаф-

қатсиз конуни шу: факат ўз куч-қудратига ишонган халқгина ўз мурод-мақсадига етади».

«Бу дунёда қуруқ гапга эмас, аввало, ҳар томонлама ишончли, синалган, ҳаётнинг ҳақиқий синовидан ўтган одамларга ишониш керак».

«Ҳаётда мақсадга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Эй, бизга шу ҳам бўлаверади, деган фикр билан яшайдиган одам, билиб қўйинглар, ҳаммамизнинг душманимиздир».

«Эзгу мақсадларимизга етиш учун бугун белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилмасак, ўзимизни қийнамасак, эртага ҳаёт бизни қийнайди. Бу бешафқат ҳақиқатни ҳеч қачон унумаслик зарур».

Албатта, муҳтарам Президентимизнинг сайловолди учрашувларида сузлаган нутқ ва маъruzаларидан олинган бундай иктибосларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Жойларда бўлиб ўтган бу учрашувлар фақат тайёр маъруза матнлари билан чекланмагани, факат монолог бўлиб қолмасдан, жонли ва самимий мулоқотлар шаклида икки-уч соатлаб давом этгани, халқ билан, жамоатчилик билан чинакам маърифий сұхбатларга айланиб кетгани айниқса эътиборлидир.

Ушбу китобни мутолаа килар эканмиз, Ислом Каримовнинг мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олинган йирик давлат ва сиёsat арбоби бўлиб шаклланиши ва майдонга чикишида унинг сиёсий тафаккури, нотиқлик маҳорати накадар катта аҳамият касб этганига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳар бир масалага миллий манфаат ва яна бир бор миллий манфаат нуқтаи на-

заридан, конструктив ва креатив асосда ёндашиш, киёсий-тахлилий, фактик ва аналитик фикрлаш, тарих, замон ва келажакни үзаро боғлик бир бутун диалектик ходиса сифатида кўриш, идрок эта олиш, ҳар қандай масалада жўшқин баҳс ва мулокотга тайёрлик – буларнинг барчаси китоб муаллифининг сиёсий услугига хос бўлган ёркин хусусиятлардир. Мамлакатимиз раҳбари ёши, миллати, эътиқоди ва касбу коридан катъи назар, турли кишилар билан мулокотда бўлар экан, уларнинг барчаси учун тушунарли бўлган оддий ва содда сўз ва ибораларни ишлатади. Аммо мушоҳада миқёсининг кенглиги, мақсаднинг аниқлиги, мантиқнинг кучлилиги, нутқнинг ҳароратли ва таъсирчанлиги, юртимиздаги ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва тақдирига бевосита дахлдор экани билан бу чикишлар минг-минглаб одамлар юрагида, қалбида акс садо беради.

Мазкур тўплам билан танишган китобхон ундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни үзаро узвий боғлаб турадиган асосий фазилат – бу Ватанимиз истиқлолига фидойилик, шу замин, шу ҳалқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машакқатларга тайёр туриш, шу улуғ мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсоннинг – бетакрор шахс, Улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустаҳкам иродади ва эътиқоди эканига амин бўлади.

Ишонамизки, миллий тафаккуримиз хазинасига бебаҳо хисса бўлиб кўшиладиган, бугунги ва эртаниги ҳаётимизнинг энг муҳим устувор йўналишларини

ўзида мужассам этган ушбу китоб биз учун нафакат янги ва яқин тарихимизнинг ҳали биз тұла англаң ет-маган күплаб кирраларини яна бир бор кашф этишга асос бўлади, айни пайтда, жамиятимизнинг тараккиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг равнақини белгилаб берадиган мухим дастурил-амал бўлиб хизмат қиласди.

**БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ –  
ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК  
ХАЁТ ҚУРИШ**

*(Тадбиркорлар ва ишбилармоналар  
ҳаракати – Ўзбекистон либерал-  
демократик партиясининг  
VII съездидаги маъруза)*

— відмінної писемності, які відповідають  
всім вимогам та нормам державного  
зразка. У цьому випадку вони мають  
бути зроблені згідно з правилами

— зразкової анатомії  
анатомічної позиції  
шарів та

— за позицією та розташуванням  
фіброзних волокон, — згідно з  
зразком анатомічної позиції  
шарів та

**Хурматли съезд қатнашчилари!**

**Мухтарам ватандошлар!**

Авваламбор, бугун Ўзбекистон либерал-демократик партияси съездининг делегатлари ва фаоллари билан учрашиб, сиз, азизларни соғ-омон, яхши кайфиятда кўришдан, барчангизга ўзимнинг чукур хурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан хурсандман.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мени номзод этиб кўрсатганингиз учун сиз, азизларимга, Ўзбекистон либерал-демократик партияси аъзолари-га, бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган барча юртдошларимга чин қалбимдан миннатдорлик билдириш мен учун катта баҳтдир.

Менга билдирилган бундай юксак ишонч ва масъулият, ҳеч шубҳасиз, катта шарафдир.

2003 йилда ташкил этилган бу партия ўзининг олдига кўйган мақсад ва дастурлари, амалий ташаббус ва ҳаракатлари билан, доимо халқимиз ғамташвишларини, муаммоларини ечишда, эл-юртимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида ўзига тобора катта обрў-эътибор қозонмоқда.

Бу ҳакикатни 2014 йил 21 декабрда Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳам яккол тасдиклади. Сайловда партия номзодларидан 52 нафари Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлигига сайланиб, мазкур конун чиқарувчи органда энг кўп ўринни қўлга киритганинг ўзи, ҳеч шубҳасиз,



Хурматли съезд қатнашчилари!

Мұхтарам ватандошлар!

Аввалимбөр, бугун Ўзбекистон либерал-демократик партияси съездининг делегатлари ва фаоллари билан учрашиб, сиз, азизларни соғ-омон, яхши кайфиятда күришдан, барчангизга ўзимнинг чукур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан хурсандман.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мени номзод этиб кўрсатганингиз учун сиз, азизларимга, Ўзбекистон либерал-демократик партияси аъзоларига, бу ташаббусни кўллаб-кувватлаган барча юртдошларимга чин қалбимдан миннатдорлик билдириш мен учун катта баҳтдир.

Менга билдирилган бундай юксак ишонч ва масъулият, ҳеч шубҳасиз, катта шарафдир.

2003 йилда ташкил этилган бу партия ўзининг олдига кўйган мақсад ва дастурлари, амалий ташаббус ва харакатлари билан, доимо халқимиз ғамташвишларини, муаммоларини ечишда, эл-юртимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида ўзига тобора катта обру-эътибор қозонмоқда.

Бу ҳакиқатни 2014 йил 21 декабрда Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳам яккол тасдиклади. Сайловда партия номзодларидан 52 нафари Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлигига сайланниб, мазкур конун чиқарувчи органда энг кўп ўринни кўлга киритганинг ўзи, ҳеч шубҳасиз,

ушбу партия эришган марраларнинг амалий намоёни, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳозирги вақтда партиянинг 240 мингдан зиёд аъзо-си бўлиб, улар, асосан, кичик бизнес, хусусий тадбир-корлик ва фермерлик ҳаракати вакиллари, яъни ўрта синф сифатида Ватанимиз куч-кудратига, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига, ҳалқимиз фаровонлигига катта хисса кўшиб, Ўзбекистоннинг ҳал қилувчи кучига айланмоқда, десак, янглишмаган бўламиз.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина тараккӣ топган, баркарор ва бадавлат яшаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат тоифа қўлга киритган бойликни янада кўпайтиришга интилади. Шу аснода ўзининг, оиласининг турмуш фаровонлигини ошириб бориш билан бирга, давлат ва жамият зиммасидаги кўплаб вазифаларни бажаришда ҳам фаол иштирок этади. Керак бўлса, кўпгина масалаларда бошқаларга ўrnak ва намуна курсатади.

Энг муҳими – буни ҳам такрор ва такрор айтишга тўғри келади – мулқдорлар синфи ўз юртида тинчлик ва осойишталик, эркин фаолият юритиш муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил жон куйдиради. Чунки ҳаммамизга яхши маълум – фақатгина осуда ҳаёт, тинч ва осойишта вазиятдагина ўз ишини бошлаш, тадбиркорлик, хусусий бизнесни ривожлантириб, эркин яшаш ва даромад, бойлик топиш мумкин.

Яна бир муҳим масала – ҳалқимизнинг тарихий-маънавий ўзига хослиги, азалий кадрият ва анъаналаримиз, эл-юртимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланиб келаётган ижтимоий адолат тамойилларининг

ўзи биз қураётган янги жамиятда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслигини тақозо этади.

Бугунги кунда бу талаб миллий давлатчилик барпо этиш борасидаги сиёсатимизнинг муҳим пойдеворига айланганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Биз ўрта синф деганда, ён-атрофимиздаги айрим давлатлардаги каби турли нопок, коррупция йуллари билан беҳисоб мол-дунё орттирган ўта бойларни эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, акл-заковати, куч-гайрати билан даромад топаётган миллион-миллион тадбиркор ва ишбилармонларни тасаввур киласиз.

Биз ўрта синф деганда, ўзининг, фарзандларининг тақдири ва келажагини шу замин билан узвий боғлаган, шу юртда озод, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, шу юртни равнак топтириш мақсадида тер тўкиб меҳнат килаётган инсонларни кўз олдимизга келтирамиз.

Бу инсонлар, аввало, эл-юртимизнинг куч-кудрати ва бойликларини бунёд этаётган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлик харакати ва кичик бизнес, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, бир сўз билан айтганда, моддий ва интеллектуал мулк эгаларидир.

Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ташкил қилиниши ва сиёsat майдонида пайдо бўлишидан кўзда тутилган максад ҳам, биринчи навбатда, тез ўзгариб бораётган замон талабларини хисобга олган ҳолда, ана шундай мулкдорлар, яъни нима учун ва ким учун меҳнат килаётганини чукур англайдиган инсонларни ягона эзгу максадни амалга ошириш йўлида бирлаштиришдан иборат эди.

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан, хаёлимиздан чиқармасдан, мулкдорлар ўртасида шаклланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтариш – партиянинг кундалик устувор вазифасига айланиши даркор.

### Азиз дўстлар!

Биз бугун мустақил давлат ва жамият куриш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўн йилларга, балки асрларга тенг келадиган йўлни – масофани босиб ўтдик, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўз вактида, бизнинг тақдиримиз ҳал бўлаётган ўта оғир ва хатарли бир замонда, турли хомхаёллардан воз кечиб, бизга кўрсатилган тазийк ва зўравонликларга қарамасдан, бугунги кунда дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур ўйланган ривожланиш йўлимиzioni қатъий белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, том маънода тарихий ютуғимиз бўлди.

Ислоҳотларнинг машҳур беш тамойилига асосланган бу тараққиёт модели, аввало, биз танлаган тадрижий – эволюцион йўл нақадар тұғри ва самарали эканини бугун ҳаётимизнинг ўзи амалда исботлаб бермоқда.

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда бир вактлар иқтисодиёти бирёклама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта

яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, собиқ СССР тар-  
кибида аҳолининг ҳаёт даражасини ифодалайдиган  
кўрсаткичлар бўйича энг орқа ўринда, жар ёқасида  
турган қашшоқ ўлқадан бугунги кунда тез ва баркарор  
суръатлар билан, аввало, замонавий тармоқлар хис-  
бидан ривож топаётган, ҳалқаро майдонда ўзига му-  
носиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бораёт-  
гани кўпгина яқин ва узок қўшниларимизни ҳайратда  
колдирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бир ўйлаб кўрганда – биз кечаким  
эдигу, бугун ким бўлдик, деган саволни ўзимизга  
бериб, кечаги ҳаётимизни бугунги ҳаётимиз билан  
киёслаганда, содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг асл  
маъно-мазмунига етиб боргандагина кўп нарса бизга  
яққол аён бўлади.

Ўзлигимизни англаб, юртимизнинг, тақдиримиз-  
нинг том маънода эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт  
кечиришнинг ҳақиқий аҳамияти ва моҳиятини  
чукур тушуниб олган заҳматкаш, мард ва матонат-  
ли ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга  
оширилаётган оламшумул ишлар, мамлакатимиз, ша-  
хар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгар-  
гани, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганини  
сезмаслик, кўрмаслик ва кузатмасликнинг ўзи қийин,  
деб ўйлайман.

Бундай улкан ютуқ ва мэрраларнинг асосий оми-  
ли ва мезонини биз, аввало, одамларимизнинг онгу  
тафаккури, дунёкараши тобора ўзгариб, уларнинг  
сиёсий фаоллиги, ҳукуқий маданияти, фуқаролик са-  
вияси ва бурчи юксалиб бораётганида кўрамиз. Энг  
муҳими, эски, ўзини оқламаган тизимнинг қолип ва

акидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу ҳакиқатни яққол англамоқдамиз.

Айни шулар хисобидан биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инкиroz давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Жорий йилимизда ҳам, ишооло, бундан кам бўлмайди.

Мустақил тараккиёт йилларида Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти 5 каррадан кўпроқ, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очигини айтганда, биз эришган ютукларни баъзан одамлар тасаввур килиши ҳам қийин бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг ташки қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз, яъни аҳолимиз олдида қарзимиз умуман йўклиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани барчамизни, албатта, кувонтиради.

**Хурматли дўстлар!**

Биз ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини, албатта, яхши англаймиз. Агарки биз XXI асрда, тобо-

ра авж олаётган глобаллашув жараёнлари, интернет ва интеллектуал тарақкиёт ҳал килувчи роль ўйнаётган бир даврда яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётимиз нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, айниқса, чукур ҳис киламиз.

Ана шундай шароитда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимиизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аник тасаввур этишимиз керак.

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узок атрофимизда турли можаро ва кон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркографик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чукурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси бизнинг ҳар биримизни ташвишга солмасдан кўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаетган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб килади.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чукурлаштиришга қаратилган эътибор ва саъй-харакатларимизни асло камайтирмаслик ҳақида бормоқда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни иnobатга олиб, олдимиизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: **язвало, биз учун 2015 йилда ва ундан**

кейинги даврда энг устувор вазифа – бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ракобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатdir.

Ўз олдимизга кўйган бу мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторида эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолоқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, очик айтиш керак, ислоҳотларни амалга оширишда, биринчи навбатда, мулкдорлик масаласида чала-яrim ишларга йўл кўймаслик, иқтисодиётни бошқарища маъмурий буйруқбозлик усулларининг қолдиқларини бутунлай бартараф этиш зарур.

Барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушуниб олишимиз шарт. Яъни, таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан, ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, маҳсулотларимизни ташки бозорларга олиб чиқиш бўйича экспорт дастурини жадал ривожлантириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш ва мамлакатимизда юкори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш кувватлари ва иш ўринларини яратиш хақида гапиришнинг ўзи мумкин эмас.

Биринчи навбатда, жаҳон бозорида юкори даражадаги ракобатга дош бера оладиган ва келгуси даврда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг

локомотивига айланиши мумкин бўлган тармокларни жадал ривожлантириш ва аник йўналтирилган ҳолда кўллаб-куватлашни таъминлаш лозим.

Иктисодиёти, аввало, хомашё ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган давлатнинг эртанги куни гумон бўлиши барчамизга маълум.

Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурслари, масалан, пахта ва бошқа хомашё турларининг баҳоси кескин тушиб кетган вазиятларни ўз мисолида кўп бор кўрган, бошидан кечирган.

Шу билан бирга, агар ана шу пахта хомашёсинг ўзини тўқимачилик ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида янада чукур қайта ишлашни таъминлаб, четга бўялган ип-калава, трикотаж полотно ва матолар сотадиган бўлсак, кейинчалик тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва дизайнни ўзлаштириб олсак, катта са-марадорликка эришишимиз мумкин.

Ана шу биргина мисол асосида бизда ҳали-бери ишга солинмаган қанча-қанча имкониятлар борлигига ишонч ҳосил килиш кийин эмас, деб ўйлайман.

Бу ўринда, **аввалимбор**, дастлабки хомашё ва яримтайёр маҳсулотларни янада чукур қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий килиш ҳақида сўз бормокда. Бунинг учун нефть-газ, нефть кимёси ва кимё, енгил ва электротехника саноати каби тармоқларда ва, шунингдек, жаҳон бозорида, ички ва минтақавий бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик, чармойабзал, озик-овқат, фармацевтика саноати, электроника ва майший электр техникаси, майший кимё то-

варлари, қурилиш ва пардозлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида янги мажмуалар, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш долзарб вазифаларимиз қаторига киради.

**Иккинчидан.** Мамлакатимизнинг баркарор икти-  
содий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси  
ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлик  
бўлган энг муҳим устувор вазифа – бу хусусий мулк  
ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча  
ғов ва тусикларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлик  
эркинлик беришдан иборат.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мам-  
лакатимизда хусусий мулк ва инвестицияларнинг  
меъёрий-хукукий асосини яратиш ва уларнинг дахл-  
сизлигини ҳимоя қилиш, хусусий мулкдорлар учун  
зарур шарт-шароит ва кафолатлар туғдириб бериш  
бўйича кўп иш қилинди.

Кишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо-сотик, хизмат  
курсатиш соҳаси каби кўпгина тармоклар ва уй-жой  
фонди, истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган соҳа-  
лар деярли тўлик хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, мамлакатимизда ху-  
сусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг  
амалиёти айнан мана шундай мулк шаклининг давлат  
мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини ишонч-  
ли тарзда исботлаб бермокда. Хусусий корхоналарда  
сидқидилдан меҳнат қилишга ундейдиган омиллар  
ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси,  
ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг  
якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай  
бошқача экани, айникса, эътиборлидир.

Хусусий секторда маблағлардан тобора самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юкори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқаришнинг имкон қадар қўпроқ даромад олиш каби пировард молиявий натижалари ҳам сезиларли равишда юкоридир.

Айнан кичик бизнес, хусусий тадбиркорликка хос бўлган ана шундай туб ва устун жиҳатлар, шунингдек, мустакиллик йилларида яратилган рағбатлантирувчи омиллар, имтиёз ва преференциялар ушбу соҳанинг Ўзбекистондаги жадал тараққиётини белгилаб бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи ана шу соҳага тўғри келаётгани ва иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармокда меҳнат қилаётгани бу фикрни яққол тасдиклаб турибди.

Минг афсуски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали-ҳамон турли маъмурий ғов ва түсиклар сакланиб қолмоқда. Энг ёмони, мансабдорлар томонидан бу соҳа вакилларининг қонуний манфаат ва ҳукуклари бузилаётгани билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бундай ҳолатларни таг-туги билан бартараф этиш, мулк ҳукуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантиришимиз ва шу асосда давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратишга эришмоғимиз зарур.

Хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очик биржা ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта күриб чикиш, уни янада соддалаштириш, очик-ошкора булишини таъминлаш лозим.

Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний хукук ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, хукуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хужалик ва молиявий фаолиятларига ноконуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга булиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалда ҳанузгача сакланиб қолаётган муаммоларни қайд этган ҳолда, айни вактда, кейинги йилларда тадбиркорларимизни ҳар томонлама рағбатлантириш учун етарли даражада кўп иш қилинганини таъкидлаш лозим. Ана шу ишларнинг давоми сифатида мамлакатимизда бизнеснинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун солик юкини камайтириш, имкон даражасида барча зарур шароит ва кафолатларни яратиш керак.

Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича маҳсус жамғарма ташкил этилганидан хабарингиз бор, албатта.

Ушбу жамғарма ёрдамида экспортга маҳсулот етказиб бериш бўйича хорижий шериклар билан

1 миллиард 250 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги шартномалар имзоланган бўлиб, ўтган йили, биринчи навбатда, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари соҳасида 840 миллион доллардан зиёд микдордаги товарлар экспорти амалга оширилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солик ва статистика хисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни бевосита электрон шаклда амалга оширмокда. 2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортик ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилди.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлар учун даромад солиги ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга, курилиш соҳасидаги корхоналар учун ягона солик тулови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Имтиёз ва преференцияларнинг ушбу рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

**Учинчидан.** Бугун Ўзбекистонда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошка соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқадиган вакт келди.

Давлатнинг иштироки, авваламбор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг баркарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда саклаб қолиниши керак.

Бошқача айтганда, давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуси иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат мухитини таъминлаши ҳамда тақсимотга асосланган маъмурий буйруқбозлик тизимининг ўз умрини ўтаб бўлган иллатларидан ҳалос бўлишга олиб келиши лозим.

Шу муносабат билан хўжалик фаолиятида давлат улушини тубдан қисқартириш бўйича маҳсус дастурни қабул қилиш мақсадга мувоғик деб ҳисоблайман. Ушбу дастурда самарасиз давлат корхоналарини тугатиб, уларни, жумладан, очик ва ошкора савдолар орқали тегишли инвестиция мажбуриятлари билан «ноль» қийматида сотиш орқали тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказиш даркор.

Корпоратив ёки акциядорлик бирлашмаларимизнинг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Бу, биринчи навбатда, акция пакетларига давлат эгалик қилаётган акциядорлик жамиятларининг фаолиятига тааллуклидир. Бундай жамиятларда, акциядорлар, айникса, миноритарийлар, кам ҳаждаги акцияларга эгалиги ва акциялар пакетларининг тарқоқлиги туфайли бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнидан амалда четда қолмоқда.

Бугун, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компанияларининг тажрибасидан фойдаланган ҳолда, маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорлар ҳам акция эгалари бўладиган вакт келди.

Ишончим комилки, акциядорлик жамиятларини айни шундай асосда ташкил этиш бизнинг манфаатларимизга кўпроқ мос келади.

**Туртингидан.** Экологик муаммолар чукурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлиги ва хосилдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш – айнан шу йуналишлар кишлок хўжалигини ислоҳ этишининг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо бизнинг эътиборимиз марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс равишда ҳал этиш учун биз кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишига киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жихатидан янги босқичга кўтариш ва, шунингдек, мамлакатимизнинг озиковқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Шу борада олдимизда миқёси ва кўламига кўра қандай улкан ишлар тургани ва бунинг учун қандай катта маблағлар талаб этилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиласиз. Бу масалада ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни тасдиқлаб, исботлаб бермокдаки, кишлок хўжалиги ҳисобидан маблағларни тежаш мутлако ярамайди ва биз ҳеч қачон бунга йўл кўймаймиз.

Агарки биз бундан 5 йил олдин ерларнинг мелиоратив ҳолатини, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг давлат бюджети хисобидан тубдан яхшилашга киришмасак – қани, айтинглар, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги қандай ахволга тушиб колган бўларди?

Ҳаммамизга аёнки, барча қишлоқ хўжалиги тармоқларининг самарадорлиги, бизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигимиз, нафакат қишлоқ аҳли, балки бутун ҳалқимизнинг моддий фаровонлиги, охир-оқибатда эса бозорларимизда нон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи қандай бўлиши, авваламбор, бебаҳо бойлигимиз бўлган ерларнинг унумдорлиги, уларнинг ҳолатини доимий равишда яхшилаб бориш билан чамбарчас боғлик.

Бугунги кунда амалга оширган чора-тадбирларимиз натижасида 1 миллион 700 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришдик.

Сизот сувлари энг оғир даражада, яъни 2 метргача юзада жойлашган ерлар кариб 500 минг гектарга, кучли шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга кисқарди.

Мелиорация ишлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 2–3 центнер, бошокли дон экинлари бўйича эса 3–4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага, яъни ҳозирги кунда пахта экиладиган ерларни оптимальлаштириш ва бошокли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик учун ажратилган

майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибини ўзгартириш билан боғлик бўлган қишлоқ хўжалиги ислоҳотларининг самарадорлигига қаратмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, Андижон, Косонсой, Чорток, Ўрта Чирчик, Ўзбекистон ва Бувайда туманларида пахта экин майдонлари қисқартирилганини, Асака, Янгийул ва Жомбой туманларида эса пахта экишдан бутунлай воз кечилганини қайд этиш жоиз.

Пахтадан бўшаган жами 30 минг гектардан ортиқ сугориладиган ерда боғ ва узумзорлар ташкил этилиб, бошокли дон, сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил этиштирилмоқда.

Бунинг натижасида 2012–2014 йилларда пахта хомашёси тайёрлашнинг барқарор ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот этиштириши – 16,3 фоизга, полиз маҳсулотлари – 16,6 фоизга, мева этиштириш эса – 21 фоизга кўпайди.

**Бешинчидан. Қишлоқ хўжалигимизнинг, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимизнинг тараккиётига улкан ҳисса бўлиб кирган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда учмас из бўлиб колажак десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.**

Бугунги кунда умумхалқ бойлиги бўлмиш ерни ижарага олган, бу ерга ўз мулки ва хизматини күшган, замонавий техникага эга бўлган фермер хўжаликлари – нафакат қишлоқ хўжалигимизнинг асосий маҳсулотини ишлаб чиқарадиган, балки қишлоқнинг келажагини, тараккиётини ўз масъулиятига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатdir.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги шароитда замонавий фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чукур қайта ишлаш, курилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, катта вазифалар ва масъулиятни ўз зиммасига олган кўптармокли хўжаликларга айланиб бормокда.

Эски деҳкон ва фермерлар уюшмаси Ўзбекистон фермерлар кенгашига, жойларда эса вилоят ва туман фермерлар кенгашларига айлантирилди. Бу ҳақда сўз боргандা, ҳозирги вактда фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган бирон-бир масала Фермерлар кенгашининг бевосита иштирокисиз амалда ҳал этилмаслигини қайд этиш лозим.

Фермерлар кенгашлари фермерлик ҳаракати, қишлокларнинг ривожланиши ва қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги ўсиши учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган кудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бориши мұкаррар. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, катта истиқболга эга бўлган, ҳозирги вактда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90–92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлокларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлинин янада оширишни ўз назоратига олиши зарур, деб ўйлайман.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурлар до-

ирасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ишлар, олдимизда турган кенг кўламли вазифалар ҳакида барчамиз яхши хабардормиз.

Факат жорий йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-хунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмокда.

2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмокда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса – 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмокда.

Кишлок жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ишларини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилади, 2015–2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар кийматидаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмокда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банкининг маблағлари жалб қилиниши белгиланмокда.

Кишлок инфратузилмасини янада ривожлантириш максадида факат табиий газ ва электр тармокларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникациялар тармоғини

кенгайтириш учун эса – 136 миллион доллар микдорида маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**Олтинчидан. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш – ҳозирги босқичда энг устувор вазифаларимиз каторида алоҳида аҳамият касб этмоқда.**

Ушбу дастурни амалга оширишнинг накадар улкан самара келтиришига биргина факт мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Яъни, биз бу дастурни жорий қилишга киришган 2000 йилнинг ўзидаёқ илгари четдан олиб келинадиган маҳсулотларни Узбекистонда ишлаб чиқаришни бошлаган эдик.

2000 йилдан бўён мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 220 баробардан зиёд ошгани ҳам маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган ишларимизнинг қандай катта самара бераётганини курсатади.

**Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улкан имкониятларга эга эканини барчамиз яхши биламиз.**

Ҳозирги пайтда маҳаллийлаштирилган корхоналар нафакат ички бозорни тўлдирмоқда, балки улар экспорт бозорига ҳам чиқмоқда. 2014 йилда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда 550 турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт килинди.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини

босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёркин далили хисобланади.

Бугунги кунда Узбекистонда 27 та русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Ана шу · тармоқларнинг барчасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Ушбу стратегияни янада ривожлантириш максадида 2015–2019 йилларга мülжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

**Еттингчидан.** Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ракобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлик экани ҳакида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Факат иқтисодиётга инвестиция киритиш жараёни узлуксиз давом этаётган соҳалардагина баркарор иқтисодий юксалиш, иқтисодиётнинг диверсификация қилиниши ва технологик салоҳиятнинг ўсиши кузатилмоқда. Ва аксинча, инвестиция ҳажми камайганда иқтисодий ўсишнинг барча курсаткичлари пасайиб, саноат ва бошқа тармокларда орқага кетиш бошланади.

Мустакиллик йилларида Узбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 мил-

лиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Иктисадиётни таркибий ўзгартириш доирасида кенг кўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Бухоро нефти қайта ишлаш заводи, Шуртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озик-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илгор буғ-газ ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилингани ана шундай йирик лойиҳалар қаторига киради.

Биргина 2014 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 14 миллиард 600 миллион доллар миқдоридаги капитал кўйилмалар ўзлаштирилди ва бу борадаги кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 11 фоизга ўси. Ушбу маблағларнинг 3 миллиард доллардан ортиғи хорижий инвестициялардир.

Бугун курилаётган замонавий корхоналар қаторида Сурғил кони базасида Жанубий Кореяning етакчи компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга teng бўлган Устюрт газ-кимё мажмуасининг барпо этилаётгани хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёркин намунасидир.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа технологик дара-

жаси, жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми ва қурилиш күлами бүйича ўта ноёб ҳисобланади ва жахон газ-кимё тармоғидаги энг яхши лойиха сифатида ҳақли равища күплаб мукофотларга сазовор бўлди.

Туб таркибий ўзгаришлар, стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари сезиларли равища ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ушбу институтлар томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми бугунги кунда 8 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Инвестиция сиёсати ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш лозимки, Узбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта микдорда инвестиция сарфламоқда. Мисол учун, факат 2000 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда ирригация тизимларини ривожлантириш, йирик ва ўта муҳим сув хўжалиги объектлари фаолияти хавфсизлигини ва улардан ишончли тарзда фойдаланиш кафолатларини ошириш учун кариб 1 миллиард 300 миллион доллар ҳажмидаги маблағ йўналтирилди. Бу маблағнинг 335 миллион доллари Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари хисобидан жалб этилди.

2015 йилда ирригация тармокларини янада ривожлантириш мақсадида 390 миллион 600 минг доллар ҳажмидаги марказлаштирилган капитал кўйилмаларни ўзлаштириш кўзда тутилган. Умуман олганда, 2020 йилгача ирригация тармокларини янада яхшилашга марказлаштирилган капитал кўйилмалар хисобидан 1 миллиард 480 миллион доллар,

жумладан, киймати 1 миллиард 100 миллион долларга тенг имтиёзли чет эл кредитларини йуналтириш мүлжалланмоқда.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишда инфра-тузилмани ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сунгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўллари, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрални таркибига кирадиган 1,5 минг километр узунликдаги йўл тармоклари курилди ва реконструкция қилинди.

Темир йўл соҳасида 342 километр узунликдаги янги «Навоий – Учкудук – Нукус – Султонувайстоғ» ва 223 километрлик «Тошгузар – Бойсун – Кумқўрғон» тармоклари барпо этилди, 550 километрдан зиёд темир йўл линиялари электрлаштирилди. Айни пайтда, янги «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўли ва тоғли ҳудудлар орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд узунликдаги тоннель курилиши нихоясига етказилмоқда.

**Саккизинчидан.** Ахоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллажлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иктисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Авваламбор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат курсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда йилига қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани, айниқса, аҳамиятлидир.

**Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи бизнинг доимий зътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.**

Бу борада шуни қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59–60 фоизга якини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Факат ўтган 2014 йилнинг ўзида иш ҳаки, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, аҳолининг реал даромадлари 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда ушбу кўрсаткич мустакил тараккиётимизнинг дастлабки йилларидаги 10,6 фоиздан 52 фоизга ошганини таъкидлаш лозим ва бундай катта ютуқ, албатта, барчамизга мамнунийт бағишлийди.

Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бу гунги кунда 7,8 баробарга тушди. Яъни, бошқача килиб айтганда, жамиятимизнинг ўта бойлар ва ўта камбағалларга кескин табақаланиб кетишига йул кўймаслик сиёсатини амалга оширганимиз ўз натижасини бермоқда.

Хозирги кунда Узбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош оркали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги,

юкори технологияларга асосланган жихозлар пайдо бўлди.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланиш дара-жаси, жон бошига ҳисоблаганд, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

Масалан, 2000 йилда ўртача иш ҳақига ўртача истеъмол саватининг ярмини, яъни 50 фоизини харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич тегишли истеъмол саватининг 4,26 баробарини ташкил қилгани, яъни 2 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

### Хурматли съезд иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда рўй берадиган кескинлик, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг тобора авж олиб бораётгани, ҳамон давом этаётган молиявий-иктисодий инқироз ва унинг оқибатлари, радикализм, тероризм ва экстремизмнинг янада фаоллашаётгани, жаҳон бозорларидаги бекарор вазият бизни ташвишга солмасдан кўймайди, албатта.

Ўзбекистоннинг бу борадаги принцип ва позициялари жаҳон ҳамжамиятига яхши маълум. Хавфсизлигимиз асосини ташкил этадиган мазкур принцип ва позициялар 2012 йилда қабул килинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концеп-

циясини тасдиқлаш тұғрисида»ги конституцияйый конунда мустахкамлаб қўйилган.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз узок ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустахкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон худудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчилаrimизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Узок ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тұғри ва энг маъқул деб биламиз.

### Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз – демократик ва фуқаролик жамияти, барқарор суръатлар билан тараққий топаётган иқтисодиёт, тинч-осойишта, бадавлат хаёт барпо этиш, халқаро майдонда давлатимизга обру-эътибор ва ҳурмат қозониш – буларнинг барчаси, албатта, қиска даврда эришадиган, етиб борадиган қоялар – марралар эмас.

### Буни ҳаммамиз чукур тушунамиз.

Лекин шу ҳақиқатни тан олган ҳолда, шу билан бирга, таъкидлаш керакки, эл-юртимизга инъом этган шундай омил ва мезонлар борки, улар ўз таъсири, куч-кувватини мустақиллик йилларида мамлакатимиз

кўлга киритган, бошқалар асрлар давомида эришадиган, дунё ҳамжамиятини ҳайратда қолдираётган ютуқ ва мэрраларда яққол намоён этмокда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Яна бир муҳим фикрни билдиришни зарур, деб ҳисоблайман.

Бугун Ўзбекистон деб аталмиш қўрғонимиз тарихан қиска даврда пойдевори мустаҳкам, давр тала-бига жавоб берадиган замонавий давлатга айланиб бораётгани, энг асосийси, аввало, одамларимизнинг дунёқараси, фикри-зикри, сиёсий ва хуқукий маданияти тобора юксалиб бораётгани бу борада ҳал килувчи омиллардан бири эканини ҳаммамиз яхши англамоқдамиз.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади – фақатгина ҳалқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни куришда эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга кўйган мақсадларга эришишда улкан ва кудратли замин бўлишига аминман.

**Мана шундай олижаноб, бағрикенг ҳалқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш – барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.**

### Мухтарам дўстлар!

Сизларга яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, самимий тилакларимни изҳор этиб, барчангизга соғлик-омонлик, баҳт ва омад, оиласа-рингизга тинчлик-хотиржамлик, кут-барака тилайман.

**МУСТАҚИЛЛИК – ТОҒДЕК  
ТАЯНЧИМИЗ, ҚУДРАТЛИ  
ЗАМИНИМИЗДИР**



---

Биз ўтган асрнинг 90-йилларида, энг оғир ва таҳликали бир шароитда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан, четдан бўлган турли тазийклар ва сохта ваъдаларга учмасдан, Узбекистонимиз учун яккаю ягона тўғри, яъни тадрижий, боскичма-боскич ривожланиш йўлини танлаб олганимиз, узокни кўзлаб, етти ўлчаб, бир кесган ҳолда, пухта ўйланган вазмин сиёsat олиб борганимизни бугун ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботлаб бермоқда.

Айнан ана шундай тўғри йўлни танлаганимиз туфайли мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш, ҳалқимиз ва келгуси авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларини яратиш, Узбекистонимизнинг ҳалқаро майдондаги обруэътиборини янада юксалтириш бўйича улкан, айтиш мумкинки, асрларга teng бўлган йўлни босиб ўтдик.

Янги ҳаёт, янги жамият куриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажрибамида учрамаган ўта оғир ва машакқатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада қандай муаммо ва синовларни, кийинчилик ва тўсикларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай суронли ва тўфонли кунларни бошимиздан кечирган бўлмайлик, ҳалқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимидан, ўз олдимизга кўйган

буюк максадларимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга күшиласиз.

Мана шундай ўта таҳликали вазиятда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белни маҳкам боғлаб, қандай оғир бўлмасин, ўз йўлимизда қатъият билан давом этганимиз, чет мамлакатлардан таклиф қилинаётган сармояларни эл-юртимиз манфаатини кўзда тутиб, чукур ўйлаб ишлатганимиз, такрор айтишим керак, биз учун энг тўғри йўл бўлди. Шу тариқа биз нафакат сиёсий, аввало, иктисадий мустакиллигимизни саклашга ва мустаҳкамлашга эришдик.

\* \* \*

Йиллар, асрлар синовида тобланган, кўпни кўрган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз кадр-кимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, ўз юрти, ўз фарзандларининг келажаги фаровон булишига интилаётган бизнинг халқимизни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди.

\* \* \*

Албатта, собиқ совет даврида бизни ўзгартиришга турли ҳаракатлар ҳам бўлган. Лекин халқ қачон халқ бўлади – агарки ўзининг тарихини билса. Халқ қачон халқ бўлади – агарки бир-бирига меҳрли, меҳр-окибатли бўлса. Ана шунда бу эл ҳакиқий халқ бўлади. Энг муҳими, эртанги кураётган тизим, эртан-

ги кураётган ҳаёт барчани қизиқтирадиган бўлса. Шу юртда яшайдиган барча инсонлар бир мушт бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилса, буни халқ дейди. Ўз-ўзича таркок бўлиб, бизга барибир, деб юрганлар ҳеч қачон халқни ифода қилолмайди.

\* \* \*

Ютуқларимиз ҳақида гапирилганда, биринчи навбатда, катта-катта рақамлар келтирилади. Кўпчилик, айниқса, иқтисодчилар шунга ўрганиб қолган. Лекин рақам ва кўрсаткичлар, қанчалик салмоқли бўлмасин, биз эришган мэрраларнинг моҳияти ва аҳамиятини тўла очиб бера олмайди.

Кимки мустақиллик йилларида Ўзбекистон қўлга киритган муваффакиятларни кўрмокчи бўлса, аввало одамларнинг, халқимизнинг юзига, кўзига қарасин. Мактаб, лицей ва коллежларда таълим-тарбия олаётган болаларнинг чехрасига боқсин.

\* \* \*

Мустақиллик биз учун аввало ўзлигимизни англаш, инсоний қадримизни, урф-одат ва қадриятларимизни, мукаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, азиз-авлиё ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби бекиёс имкониятлар очиб берганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айнан мустақиллик иқтисодий ҳаётимизда собиқ Марказдан туриб режалаштирилган эскича

маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёклама ривожланган ночор иқтисодиётдан воз кечиб, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, хусусий мулкни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қатъий ислоҳотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиб берди.

\* \* \*

Мустақил Ўзбекистонни ким ҳимоя қиласи – фақат ўзимиз, энг ишончли ҳимоячимиз – бу ўзимизнинг халқимиз.

\* \* \*

Бир пайтлар ўта қолок, бирёклама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги хавфли даражага кутарилган, ижтимоий-иктисодий нуктаи назардан жар ёқасига келиб қолган республикалардан бири бўлган Ўзбекистонимиз тарихан қиска даврда замонавий ривожланган мустақил давлатлар қаторига кутарилаётгани бугун барча-барчани ҳайратда қолдирмоқда.

\* \* \*

Мустақиллик йилларида мақсад килиб кўйган мараларни, аввало, энг тараккий топган демократик давлатлар қаторига кутарилиш, фаровон ва бадавлат ҳаёт кечириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида кўлга киритган ютукларни сархисоб қилиш учун «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволга холисона жавоб бергандагина кўп нарса биз учун аён бўлади.

\* \* \*

Халқымизда «Етти ўлчаб, бир кес» деган мақол бор. Бу – бир ишга құл уришдан аввал оқибатини яхшилаб үйлаб күриш керак, дегани. Агарки 90-йилларда биз ҳам шошма-шошарлик билан иш тутганимизда ҳозир нима бұларди? Ҳолбуки, ўша вактларда бор-йүғи бир хафта-үн күнлик унимиз қолган эди. Йигирма ярим миллионлик халқни боқишиң катта муаммога айланған эди. Агар ўша пайтда биз ҳам кимларнингdir сохта ваъдаларига учиб, ер ости ва ер усти бойликларимизни гаровга күйиб, қарз қутараверганимизда бугун ҳолимиз не кечарди?

Ҳавойи гаплар билан «Биз мустақил бүлдик», деб күкрагини кериб, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш учун ҳаракат килиш ўрнига бошқа давлатларнинг пинжига кирган баъзи мамлакатлар бугун қандай аҳволга тушиб колганини ўзингиз кўряпсиз. Айримлари қарзга ботиб қолгани ва ундан кутулишга ҳеч качон куч-куввати етмаслигини ҳам яхши биласиз.

\* \* \*

Биз мустақиллик даврида нималарга эришганимизни, ҳаётимиз накадар ўзгариб, юксалиб бораётганини ўзимизга аник тасаввур қилмасдан туриб, бугунги кунда барча жабҳаларда кўлга киритаётган улкан натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, уларнинг қадркимматини тушуниш, англаб етишнинг ўзи кийин, деб үйлайман.

Биз ўз олдимизга кўйган буюк максадлар йулида ўтган йиллар мобайнида эришган ва жаҳон тан олған ютуқ ва марралар – ўзлигимизни англаш, инсоний

шашнимиз, ғуур-ифтихоримиз, тарихимиз, мұқаддас дину диёнатимизни тиклаш, миллий демократик давлат куриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг күламли ишларимизни, бутун мамлакатимизнинг киёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, кани, айтинг, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми?

Бунга жавоб битта: йўқ ва асло йўқ.

\* \* \*

Мустақилликка, сиёсий мустақилликка эришиш учун, авваламбор, иқтисодий мустақилликка эришиш керак. Ўзини бошқа бирорларга ипсиз боғлаб бермаслик керак.

\* \* \*

Собиқ СССР парчаланиб кетганидан кейин, мана, орадан ун йиллар ўтди. Замоннинг ўзи ҳаммасини жой-жойига қўйди. Яъни, ҳаётнинг ўзи ҳақиқатга кўзимизни кенг очиб қарашга мажбур қилди. Мустақил бўлиш учун баъзи давлатлар каби фақат уни эълон қилишнинг ўзи етарли эмаслиги исботланди.

\* \* \*

Бирорга боғланиб колиб, фақат бошқаларнинг буйругини бажариб юрадиган бўлса, кулогигача қарзга ботган бўлса, айтинглар, буни мустақиллик деб бўладими?

Ҳеч ким дунёда бекордан-бекорга қарз бермайди. Узининг сиёсий ёки бошқа талабларини қўяди. Бирорвнинг кўлига ва юзига қараб яшайдиган инсон ва давлатнинг озодлиги бутун бўлмайди, мустакиллиги тулиқ бўлмайди. Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шу: фақат ўз куч-қудратига ишонган халқгина ўз мурод-мақсадига етади.

\* \* \*

Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйғуки, у фақат она сути билан кириши ва жон билан чикиши мумкин.

\* \* \*

Ўзбекистон – мустақил давлат. Энди халқимиз ҳеч қачон кимгадир кул бўлишга рози бўлмайди ва кимнингдир буйругини бажариб юрадиган замонга ҳеч қачон қайтмайди. Озодлик, эркинлик ҳавосидан бир бор тўйиб нафас олган одам ҳеч қачон кулликка кўнмайди, кулликка қайтмайди.

\* \* \*

Бу дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўзининг мукаддас орзу ва ниятларига етиш учун яшайди. Агар ҳар бир оила ўз нияти йўлида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, албатта, унга эришади. Бугун халқимиз ана шундай эзгу ниятлар билан яшаяпти. Биз шу йўлда доимо курашишимиз, қолаверса, бу курашнинг амалий томондан янада фойдали бўлишига ҳаракат килишимиз керак.

\* \* \*

Ўзбекистон мустакилликка эришганига яқинда 24 йил бўлади. Мустакиллик куни – Ватанимиз тарихида, ҳалқимиз ҳаётида абадий муҳрланиб қолган кутлуг сана. Юртимизда туғилган, энди 5 ёшга тўлган болалар ҳам «Мен – Ўзбекистон фукаросиман!» деб, фахрланиб, ғурурланиб гапиради. Кимки мамлакатимизга келса, бу ҳақиқатнинг тасдиғини ҳар қадамда кўриши мумкин. Лекин бундай даражага эришиш ҳар қайси ҳалкнинг ўзига, унинг ҳаракатига боғлик. Буни тушуниш керак. Тушуниш учун эса одам шундай ғоя билан, яъни мустакиллик ғояси билан, ғурур-ифтихор билан яшаши керак.

\* \* \*

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу замин оддий юрт эмас, Оллоҳнинг назари тушган юрт. Факат барчамиз эрталаб пок бўлиб, Яратганимиздан сўрашимиз керак. Эл-юртимизни ўз панохида қандай асраб келаётган бўлса, бундан кейин ҳам марҳаматини биздан дариг тутмасин, энг муҳими, йўлимизни доимо очиб берсин, барча ютуқларимизда ўзи мададкор бўлсин!

**КИМ ЭДИГУ КИМ БҮЛДИК?  
ЭРТАГА КИМ БҮЛИШИМИЗ,  
ҚАНДАЙ ЯНГИ МАРРАЛАРНИ  
ЭГАЛЛАШИМИЗ КЕРАК?**



---

Мамлакатимиз эришган ютукларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун бугунги ҳаётни кечаги ҳаёт билан солишириб куриш керак. Шундан кейин одам бугунги ҳаётнинг қадрига етади. Юртимиздаги мислсиз ўзгаришларни ўз ҳаёти, оиласи, қишлоғи, мактаби, ишхонаси мисолида кўрган кишига ўтган кунлар билан бугунги куннинг фарки ҳамда афзалликлари тўғрисида ташвикот юргизишга ҳожат қолмайди.

Ўйлайманки, «Яшасин совет давлати, яшасин коммунистик партия» деган гаплар қуруқ сафсата бўлганини онгли яшайдиган ҳалқимиз бугун яхши билади. Совет даврида бизга худдики иккинчи сорт одамлар сифатида қаралгани бу залда ўтирганларнинг эсидан чиқмаган бўлса керак. Марказдан бир гурӯҳ «десантчи»лар юборилиб, адолатсиз тузум туфайли ўзи шундок ҳам ночор яшаётган ҳалқимиз порахўрга, «припискачи»га чиқарилганини унутиб ҳам, кечириб ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Қорақалпоғистон ёки Хоразмда битта болалар боғчаси қуриш учун ҳам Марказдан рухсат олиш керак эди. Москвадаги катта-катта идораларнинг эшигига сарғайиб, уларнинг қош-қовоғига қараб яшашга маҳкум этилган эдик. Бизнинг юртимиздан олиб чиқиб кетилаётган ер ости ва ер усти бойликларимизни хисобланглар, биздан олаётганларинг қанча-ю, бизга бераётганларинг нега бунча кам, десангиз, сизни миллатчига чиқаришар эди.

\* \* \*

Собик СССР даврида Ўзбекистонга нисбатан Марказ томонидан олиб борилган зўравонлик сиёсати, халқимизни камситиш, унинг эҳтиёжларини менсимаслик, юртимизда пахта яккаҳокимлиги авжига чиқиб, иқтисодий ҳолатимиз ва ҳаётимиз жар ёқасига келиб қолгани, норозилик ловуллаб ёниб кетадиган даражада кескинлашиб боргани ҳеч кимга сир эмас.

Фараз кишининг ўзи ҳам кийин бўлган 6 миллион тонна пахта етиштириш планини бўйнимизга бўйинтурукдек осиб кўйиб, уни бажариш учун факатгина томларимизга пахта экиш қолганини айтмайсизми?

Ҳақиқатан ҳам, пахта яккаҳокимлиги шу қадар авжга чиқкан эдики, мана шу Андижон вилоятидек аҳоли зич яшайдиган худудда экин майдонларининг 88 фоизини гўза эгаллаб олган эди. Ўша машъум кунларни сизларнинг кўпчилигингиз яхши эслайсиз, албатта.

Бундай сиёsat совет давлатининг ўзи қандай ноҳақ, зулмга асосланган ва мустабид бўлганини яна бир бор кўрсатди. Мен ўша даврни нафакат оддий одам, балки раҳбар сифатида ўз бошимдан ўtkазганман. Шунинг учун бу тузумнинг барча иллатларини яхши биламан.

Бу давр юртимиз учун ниҳоятда оғир, Марказдан ташланган «десантчи»лар, турли сохта мафкурачилар – уларнинг ичida, афсуски, ўзимиздан чиқканлари ҳам бор эди – кўп зиён етказиб, ўзбек халқини порахўрликда, қўшиб ёзишда айблаб, ҳар хил тухмат ва бўхтонлар ёғдираётган бир давр эди.

Албатта, ўша пайтда жазога тортилган одамлар орасида мансабга, бойликка берилиб, нопок ишлар-

га йўл кўйган шахслар ҳам бўлган. Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганлариdek, ҳаёт бор экан, ҳалол, инсофли, диёнатли одамлар билан бир қаторда, баъзи кўли эгри, иши қингир, фақат ўзроҳатини ўйлаб яшайдиган кимсалар, афсуски, ҳамма халкларда ҳам учраб туради. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин ана шундай нобоп одамларни деб бутун бир халқни қоралаш, унинг шаънини, гурурини оёқости қилиш, энг оддий инсоний ҳақ-хукукларини топташ, ўзингиз айтинг, кайси конун-коидага тұғри келади? Айникса, туну кун умрини далада ўтказиб, меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, шу заминни замин қилган оддий дехқонлар, бригадир ва звеночилар, сувчи ва механизаторларни пахтани қўшиб ёзиш, кимгадир пора бериш ёки пора олиш деган, одамнинг ақлига сиғмайдиган гуноҳларда айблаб, уларни судсиз-сўроқсиз бола-чақаси, оиласидан ажратиб, қамаб кўйса, бундай ноҳақликка чида бўладими ўзи?

Биз «пахта иши» деганда, унинг мудҳиш оқибатлари ҳакида гапирганда, аввало, ана шундай минг-минглаб оддий, бегуноҳ одамларни, уларнинг бошига тушган фожиаларни тушунамиз ва сунъий равишда ўйлаб топилган бу кампанияни халқимизга, юртимизга нисбатан олиб борилган оммавий қатағоннинг бир кўриниши деб баҳолаймиз.

Бундай зулм ва хўрликни андижонликлар ҳам кўп тортган. Чунки ўша пайтда Андижон вилояти Ўзбекистонда энг кўп пахта етиширадиган вилоят ҳисобланар эди. Табиийки, «десантчи»лар шуни баҳона қилиб, вилоятнинг бошига ҳам кўп ташвишлар солганини сизлар яхши биласиз, албатта.

Ана шундай ўта қалтис вазиятда менга Қашқадарёни бошқариш вазифаси топширилди. Аслида мени бу вазифага юборишдан мақсад бошқача бўлган. Яъни, бу одам ишни эплолмайди, барибир бу оғир вилоятни бошқариш, вазиятни ўнглашга унинг кучи етмайди. Шундан кейин унинг ўзини айбдор килиб, ишдан оламиз, керак бўлса, Сибирга жўнатамиз, деган ёвуз ният бўлган. Чунки Қашқадарё вилоятида бу лавозимда мен келгунимча ҳам бирорта одам кўп ишламаган ва ҳеч ким яхшилик билан ишдан кетмаган.

Уша пайтда Қашқадарё бўйича уч мингга яқин одам жиноий жавобгарликка тортилган эди. Уларнинг оиласи, бола-чақаси, ҳар бирининг камида 10 тадан яқин қариндоши борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, вилоятда 300 минг киши «десантчи»лардан зулм кўргани аён бўлади. Демак, шунча одам ҳаётдан, расмий ҳокимиятдан норози эди. Ана шундай аянчли шароитда вилоятга биринчи раҳбар бўлиб келган инсон, аввало, нима ҳақида ўйлаши керак эди?

Ўзингиз айтинг, азизларим, 1989 йилнинг май ойида Фарғонада, Қувасойда бўлиб ўтган қонли воқеаларга нима сабаб бўлган эди? Ана шундай адолатсиз сиёsat эмасми?

Буни қарангки, ўша пайтдаги республика раҳбари бўлган одам бу воқеаларга катта минбардан туриб баҳо берар экан, бу бир тарелка қулупнай устида бўлиб ўтган жанжал, безовта бўлишга ҳам арзимайди, хотиржам бўлинглар, ҳаммаси жойида, деган ёлғон гаплар билан ҳакикатни яшириб, бутун дунёга шарманда бўлган эди.

Аслида эса юртимизда вазият жар ёқасига келиб қолган, одамларнинг сабр косаси тўлган, уларнинг

турмуш шароити жуда оғир эди. Буни яшаш даражаси бўйича Ўзбекистон ўн бешта республика ичида энг пастки ўринларга тушиб қолгани, уч-тўртталаб оила каталакдек ҳовлиларда тиқилиб яшагани, ишсизлик, оналар ва болалар ўлими кескин ошиб кетгани ҳам тасдиклайди.

Ана шундайadolatciz шароитда азалдан чидами халқимизнинг ҳам тоқати тоқ бўлдики, энди уни ушлаб, тўхтатиб турадиган кучнинг ўзи йўқ эди. Шундай ўта мураккаб, таҳликали, такрор айтаман, кичик бир учкун чикса, ҳаммаёқ ловуллаб ёниб кетадиган бир вазиятда мен Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлишимга тўғри келган эди.

Ўзимнинг хаёт тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, бу дунёда ёмонликни кўрмаган одам яхшиликнинг қадрини билмайди. Қийналмаган одам ҳакиқий баҳт нима эканини тўлиқ англааб етмайди.

\* \* \*

Бир пайтлар баъзи вилоят ва туман раҳбарларимиз биз агарар республика, деб мақтаниб юрарди. Улар нимани ўйлаган – мен билмадим. Умрбод СССР таркибида бўламиз, деб ўйлаганми?

Бу одамлар озгина фикрлаб кўрса бўлардики, сув, ер етишмаса, халқимиз кўпайиб бораётган бўлса, факат ғалла, пахта, сабзавот етиштириш билан мамлакатимизнинг тараққиётини таъминлаш мумкинмиди?

Мана, сизларга яна битта ракам. 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг киши эди. Мустақиллик йилларида халқимиз 1,5 карра ўси – 31 миллионга етди.

Айтинглар, 1,5 баробар қўпайган аҳолини эски шароитда оладиган ҳосил – пахта, ғалла ҳисобидан боқиб бўлармиди? Ўша пайтда биз таҳминан 5–6 миллион тонна буғдойни четдан олиб келар эдик. Шундай вактлар бўлганки, бир ҳафта-ўн кунлик унимиз қолган эди.

Бир тасаввур қиласлик, қайси давлат, қайси халқ буни ўз бошидан ўтказган? Ана шундай муаммолар кархисида ёлғиз қолган пайтимизда ким бизни куткарди? Биринчи навбатда, ўзимиз. Чидадик, лекин ҳеч кимдан қарз бўлмадик.

Бугунги кунда Узбекистоннинг чет мамлакатлардан қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмайди. Ваҳоланки, бъази давлатларда бу курсаткич 150 фоиздан ҳам ортиқни ташкил қиласди, улар бўйнидаги қарзидан қандай кутулишни ҳам билмай юрибди.

\* \* \*

Биз эски адолатсиз тузумга бошка ҳеч қачон қайтмаймиз. Ўзимиз танлаган мустакил тарақкиёт йўлидан қатъият билан борамиз. Нега деганда, халқимиз собиқ тузум даврида қанча зулм кўрганини, қанча-қанча одам қатағон қилинганини эсидан чиқаргани йўк.

\* \* \*

Ҳаётда максадга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Эй, бизга шу бўлаверади, деган фикр билан яшайдиган одам, билиб қўйинглар, ҳаммамизнинг душманимиздир. Узбек халқи ҳамиша ўз олдига буюк максадларни қўйиб яшаган ва эзгу орзу-умидларига эришиш йўлида ҳеч қачон ўз йўлидан қайтмаган. Шунинг учун бизнинг

юртимиз цивилизация ўчокларидан бирига айланган, шунинг учун юртимиздан қуплаб улуғ аллома ва мутафаккирлар, хоразмийлар, берунийлар, фарғонийлар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари буюк сиймолар етишиб чиккан.

2014 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуусидаги ҳалқаро конференцияга келган иштирокчилар ҳалқимизнинг буюк даҳосига, бемисл илмий, маънавий ва маданий меросига қойил қолиб, бизга ҳавас билан қарашини яшириб ўтирмади. Улар шу пайтга қадар бизнинг юртимизни яхши билмаганидан афсусда эканини билдириди.

Нега деганда, биз илгари собиқ Иттифоқ таркибида эдик, биз дунёга, дунё бизга ёпик эди. Ўша даврда Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келадиган одамларни қаерга олиб боришни ҳам Марказ ҳал қиласиз эди. Меҳмонлар асосан баъзи тарихий обидаларимизни томоша қилиш, заминимизда етиштирилган неъматларни татиб куриш билан чекланарди, холос. Бой тарихимиз, улуғ мутафаккирларимиз ҳакида лом-мим дейилмас эди. Ўзбекистоннинг совет даврида қандай ютуққа эришганини кўрсатиш учун меҳмонлар мол бокиладиган фермага олиб бориларди.

Бугун хорижлик меҳмонлар, аввало, фарзандларимиз таълим-тарбия олаётган мактаб, лицей ва коллеж, маданият ва спорт масканларига бормоқда. Улар ёшлиаримизга яратиб берилаётган шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқда. Шу ўринда яна бир бор

такрорлашни истардим: ёш авлод – бизнинг келажагимиз, уларга ҳар томонлама пухта таълим-тарбия берсак, Ватанимизнинг келажагини, унинг келгуси тарақкиёти ва равнақини таъминлаган бўламиз. Болаларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлса, бизнинг бошқа армонимиз қолмайди.

\* \* \*

Биз ўз мустакил йўлимиизни 1991 йилда қатъий танлаб олдик. Энди бизни кечаги мустабид ҳаёт билан боғлайдиган ҳеч қандай кўпприк қолмади.

\* \* \*

Мустакилликни қўлга киритиш остонасида турган дамларимизни ўзимизга тасаввур киладиган бўлсак, бутун Узбекистонни, керак бўлса, Урта Осиёни портлатибёндириб юбориши мумкин бўлган, собиқ Иттифокни ларзага солган, «Фарғона фожиаси» деб ном олган машъум воқеаларни хаёлимизга келтирайлик.

Айни шу кунларда Тошкент вилоятининг Бўка, Паркент туманларида ҳам вазият издан чиқиб кетиш даражасига етганини, ўйлайманки, кўпчилик шу залда ўтирганлар яхши билади.

Ўша пайтларда собиқ Марказ томонидан бизга карши канча-канча уйдирмалар, тухмат ва бўхтонлар ёғдирилгани, ҳатто халқимизга миллатчи деб ном беришга уринишлар бўлганини кўпчилик ҳамон яхши эслайди.

Ҳакиқатда эса, ўша вақтда республикамизга нисбатан мутлако зўравонлик сиёсатининг олиб борилиши, халқимизни камситиш, унинг эҳтиёжларини

менсимаслик, қашшоқлик, бедодлик, юртимизда, жумладан, Тошкент вилоятида пахта яккаҳокимлиги авжига чикиб, иқтисодий вазият тобора кескинлашиб бораётгани, одамлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий ахволидан норози бўлиб, сабр косасининг тўлиб-тошгани бу воқеаларнинг асосий, асл сабаби бўлган эди.

Тошкент вилоятида ҳам бир ҳовлида бештадан оила яшаганини мен шахсан ўзим кўрганман. Бундай ҳовлиларда яшаш, айниқса қариялар учун жуда азоб эди. Тасаввур қиласизми, улар эрталаб туриб қаерда таҳорат олишни билмасдан қийналарди. Эшигини очса, остонасигача пахта экилган.

Пахта далаларига қандай заҳарли дорилар сепилганини айтмайсизми? Одамларимиз, болаларимиз ва аёлларимизнинг турли касалликларга чалинишига, биринчи навбатда, самолётдан сепилган ана шу дорилар сабаб бўлмаганмиди?

\* \* \*

Ҳали совет коммунистик тузуми ўз ҳукмронлигини ўтказиб турган 1989 йилни ўзимизга бир тасаввур килайлик. Айни ана шу кунларда нафақат Фарғона водийси, балки бошқа вилоятларнинг баъзи туманларида ҳам вазият жуда кескин эди.

Ҳеч иккilanmasdan айтиш мумкинки, ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали кунларда тобора кучайиб, аланга олиб бораётган бу фожианинг таг-томирига етиб бормасдан, асл сабабларини очиб, ошкор қилиб бермасдан туриб, бу ўта хавфли воқеаларни асло тұхтатиб бўлмас эди.

Мен 1989 йил 23 июнда Узбекистон раҳбари бўлиб сайланган бўлсам, 25 июнда Фарғонага келганим-

ни яхши эслайман. Обком биносига кираверишда карасам, З та ҳарбий десантчи турибди. Уларни кўрган одам қўрқади. Фарғона кўчаларида патруллар юрганини гапирсам, бугунги ёшларга бу балки кинодек туюлади. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳаққат.

Кейин Кўконга ўтдим. Йўлда райкомга кирсам, унинг биноси бўм-бўш, ҳеч ким йўк. Масъул одамларни зўрга излаб топдик. Нима бўляпти, деб савол берсак, ҳаммаси жим. Биронта одам ўша пайтда нима бўлаётганини тушунтириб беролмади. Ҳаммада тушкунлик, кўркув, хавотир.

Шу нарса аёнки, ўшанда барча воқеаларнинг илдизи – Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иктисодий аҳволи билан чамбарчас боғлиқ эди. Юзага келган қалтис вазиятни бартараф этиш учун, энг аввало, вилоятда, умуман водий вилоятларида янги иш ўринларини яратиш, бир сўз билан айтганда, одамларга таъминот ва даромад манбанини топиб бериш зарур эди. Фарғонада тўпланиб қолган муаммоларни зудлик билан ечиш учун Тошкентда маҳсус гурух тузилди ва унга белгиланган муддатда барча шаҳар ва қишлоклар, айниқса, инкиroz ҳолати сезилаётган барча худудларни чукур ўрганиб, жойлардаги аҳволни таҳлил килиш орқали амалий таклиф ва хуласалар тайёрлаш вазифаси топширилди. 1989 йилнинг июль ойига қадар Фарғона вилояти аҳолисининг ҳаёт даражасини ошириш, меҳнатга ярокли аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилди.

80-йилларнинг охирида вилоят аҳолисининг даромади қандай паст бўлганини бугун тасаввур ҳам ки-лолмаймиз. Масалан, ўшанда пенсионер ва колхоз-

чилар кулига ҳар ойда 42 сүм пул олган. Биз үшанда ақл-идрок, виждон ва масъулият билан иш тутдик, деб үйлайман. Кам таъминланган оиласларни, даромади паст бўлган ахоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, бошланғич синф үкувчиларини, хаста, ҳомиладор аёлларни бепул нонушта билан таъминлаш, кексалар, пенсионерларнинг имтиёзи ва пенсиясини ошириш, талабаларга қўшимча стипендия тайинлаш юзасидан шошилинч равишда амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Пахта ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини қайта куриб чиқиш, кишлоқ ахолисининг даромадини изчил ошириш бўйича қатъият билан иш олиб борилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1989 йилнинг ўзида республика пахтакорларига 400 миллион сўмлик қўшимча ҳақ тўланди. Пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, пахта хомашёсини тайёрлашни барқарорлаштириш масаласи ўша даврда биринчи даражали вазифага айланган эди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси республика ахолисига, энг аввало, кишлоқ аҳлига жуда маъқул бўлди. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ва якка тартибдаги уй-жой куриш учун берилаётган ерларнинг кўпайтирилиши, шу мақсадлар учун ссудаларнинг ва қурилиш материалларини сотишнинг кўпайиши юзага келган танг вазиятни бартараф этишда муҳим омил бўлди.

Ўша йиллари Узбекистон бўйича 2,5 миллион оиласга жами 700 минг гектар суғориладиган ер қўшимча томорқа сифатида берилгани, ҳеч шубҳасиз, кишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишида улкан тарихий қадам бўлган эди.

Киёслаш учун биргина мисолни, яъни совет ҳокимияти 70 йил ҳукмронлик қилган даврда Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисига ҳаммаси бўлиб 300 минг гектарга яқин ер томорка сифатида берилганини келтириш кифоя.

Фарғона фожиасининг сабабларини ўрганиш жараёнида яна шу нарса маълум бўлдики, бу ердаги айрим раҳбарлар халқнинг дардини тинглаш, муаммосини ҳал қилиш ўрнига, соя-салқин кабинетларининг эшикларини маҳкам ёпиб олган эди. Одамлар ўз раҳбарларига муаммоларини айта олмас, раҳбарларнинг ҳам тўпланиб қолган мураккаб масалалар ечими бўйича халққа айтадиган гапи йўқ эди.

Афсуски, кўпгина амалдор шахслар, жумладан, воқеалар ўт-оловдек чақнаб кетган Тошлоқ районидаги ана шундай мансабдор шахслар қонун-қоидаларни бузиб, очик-ойдин пораҳурлик қилишган. Улар ўзларига, қариндош-уругларига якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари ажратиб, катта миқдорда ссудалар олишган. Лекин ер ва карз олишга муҳтоҷ бўлган 400 нафар оддий меҳнаткашга рад жавоби берилиган. Сотиш учун 319 та автомашина ажратилганда, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, ҳатто бошқа республикаларда яшайдиган кишиларга ноконуний тарзда тақсимланган. Газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалаларига йиллар мобайнида умуман эътибор қаратилмаган эди.

Биз йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларга, энг аввало, адолатсизликка барҳам бериш бўйича ҳам таъсирчан амалий чоралар қурган эдик. Ва ушанда барча ўткир масалалар жойларда ҳал бўлганини, айниқса Фарғона ахли яхши эслайди, деб ўйлайман.

\* \* \*

Тарих ҳақиқати шуки, империя деган тузум ҳеч качон күп яшамайды. Нега деганда, империя ҳамиша зулмга асосланади.

\* \* \*

Эски шаҳар бундан 15–20 йил илгари кай ахволда бўлганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ёзда чангтупрок, қишида лой-ботқоқ бўлиб ётадиган тор кўчалар, табиий газ, тоза ичимлик сувидан, канализация каби қулайликлардан маҳрум, пасткам уйлар Тошкентнинг қок марказида эски мустабид шуро тузуми сиёсатининг асорати сифатида, шахримиз ҳуснидаги доғ бўлиб турар эди.

Йиллар давомида қанча-қанча раҳбарлар ўзгарди, авлодлар алмашди, лекин Эски шаҳарда истиқомат килган халқимизга нисбатан менсимасдан караш ўзгармай, барчамиз учун «киёмат қарзимиз» бўлиб қолаверди.

Мустақилликка қадар Эски шаҳар аҳолисининг 17 фоизи табиий газ, қарийб 18 фоизи эса тоза ичимлик сувидан, деярли барчаси канализация, телефон сингари замонавий қулайликлардан бебахра эди.

Совет даврида ҳамма Тошкентни «Шарқ дарвозаси» дер эди-ю, лекин, афсуски, бу дарвозанинг калити бошқа қўлларда эди. Очигини айтганда, шаҳар бедарвоза бўлиб қолганди. Шунинг учун мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб бу мураккаб муаммони ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш масаласини устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйдик ва улкан ишларни амалга оширдик.

нинг қовоклари уюлган, важоҳати одамни сескантиради. Мен аэропортдан тұғри хукумат биносига келиб, кечкүрун хукумат аъзолари билан учрашдим ва Ўзбекистон ССР худудида ГКЧПнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ҳакида құрсатма бердим.

Эртаси куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгashi раёсати, Вазирлар Маҳкамаси, Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида күшма мажлис үтказдик. Унда мен яна бир бор Ўзбекистон, унинг раҳбарияти ҳеч қачон бирорвнинг гапига кириб иш тутмаслигини, Марказдан, бошқа баъзи бир республикалардан қандай қарорлар чикмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чакириклар, даъватлар, йўл-йўриклар қўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимииздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтмаслигимизни маълум қилдим.

21 август куни маҳсус фармонга имзо чекдим. Унга биноан энди Ўзбекистон худудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг қабул қилған барча қарорлари ва уларнинг ижроси Ўзбекистон ССР конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгashi билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига сўзсиз мос келиши шартлиги белгиланди ҳамда ГКЧПнинг СССР конституцияси ва қонунларига зид келадиган қонулари ҳамда фармонлари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланди.

Мен ўша пайтдаёк, Ўзбекистон ўз йўлини қатъий танлаб олган, энди ҳеч ким ҳеч қачон бизни бу йўлдан қайтара олмайди, деб айтганман ва ҳозир ҳам шу принцип асосида ишлаб келмоқдаман.

\* \* \*

Бизнинг ўз аклимиз, билим ва тажрибамиз, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган йўлимиз бор. Биз қарамлик ва туткунликка қайтишга ҳеч қачон рози бўлмаймиз.

Биз эски тузумни тиклашга қаратилган ҳеч кандай иттифокқа ҳеч қачон кирмаймиз, мустабид совет даврига асло қайтмаймиз. Шахсан мен бутун ҳаётимни, бутун умримни халқимизнинг озодлигига, Ватанимиз мустакиллигига бағишладим ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайман.

\* \* \*

Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким здигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чукур тасаввур этамиз. Айни вактда «Эртага ким бўлишимиз, кандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафакат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим.

\* \* \*

Биз кечирган ҳаёт осон ўтгани йўқ. Биз олдин ўтмаган катта мактабни ўтдик. Одамларимиз, уларнинг дунёкараши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётнинг маъносига қараши ён-атрофимиздаги вазият ўзгариши билан яққол ўзгариб бораётгани бугун ҳар қадамда намоён бўлмоқда.

Халқимизда «Ер билан осмонча фарқ бор» деган гап бор. Ўйлайманки, бу ҳақда гапирганда ана шу

иборани ишлатсак, айни ўринли бўлади. Яъни, бугунги фуқароларимиз, бугунги инсонларни 90-йилларга нисбатан қиёслайдиган бўлсак, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десак, бу ҳам айни ҳақиқат.

Шу ҳақда фикр юритганда, биз, аввалимбор, ўтган давр мобайнида қандай қийин, қандай оғир бўлмасин, қандай машаққатли синовларни бошимиздан кечиришга тўғри келмасин, ўзимизнинг ориятли, ғуур ва ифтихор билан яшайдиган халқ эканимизни, ўз тарихимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чикармадик. Ва узокни кўзлаб олдимизга кўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик, барча-барча таҳдид ва хавф-хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб турдик.

Айнан шунинг ҳисобидан, ана шундай олижаноб, ўхшаши йўқ халқимиз борлиги учун Ўзбекистонимиз бугунги кунда жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суръатлар билан ўсиб, одамларнинг кундалик турмуши, ҳаёти ҳар томонлама обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда колдирадиган мэрраларни қўлга киритмоқдамиз ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз.

\* \* \*

Ҳеч бир ишда шошилмасдан, айни пайтда сусткашлика йўл қўймасдан, факат ва факат ўзимизнинг кучимиизга ишониб, таяниб яшшимиз керак. Ана шунда биз, албатта, ўз мурод-мақсадимизга етамиз.

# **САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ ОЛИЙ ШАКЛИДИР**

the first time in the history of the world, the people of the United States have been called upon to decide whether they will submit to the law of force, or the law of the Constitution.

The law of force has been presented to us in the person of Abraham Lincoln, who, under the pretense of saving the Union, has overthrown it.

The law of the Constitution has been presented to us in the person of Andrew Johnson, who, under the pretense of saving the Union, has saved it.

The law of force has been presented to us in the person of Ulysses S. Grant, who, under the pretense of saving the Union, has destroyed it.

The law of the Constitution has been presented to us in the person of Rutherford B. Hayes, who, under the pretense of saving the Union, has saved it.

The law of force has been presented to us in the person of James A. Garfield, who, under the pretense of saving the Union, has destroyed it.

The law of the Constitution has been presented to us in the person of Chester A. Arthur, who, under the pretense of saving the Union, has saved it.

The law of force has been presented to us in the person of Grover Cleveland, who, under the pretense of saving the Union, has destroyed it.

The law of the Constitution has been presented to us in the person of Benjamin Harrison, who, under the pretense of saving the Union, has saved it.

The law of force has been presented to us in the person of Grover Cleveland, who, under the pretense of saving the Union, has destroyed it.

The law of the Constitution has been presented to us in the person of William McKinley, who, under the pretense of saving the Union, has saved it.

The law of force has been presented to us in the person of Theodore Roosevelt, who, under the pretense of saving the Union, has destroyed it.

The law of the Constitution has been presented to us in the person of Woodrow Wilson, who, under the pretense of saving the Union, has saved it.

Узбекистон Республикасида Конституциямиз ва конунларимизда муҳрлаб қўйилган қоидалар ва умум-эътироф этилган халкаро нормалар асосида яратилган сайлов тизими юксак демократик талабларга жавоб беради. Бунинг яққол тасдиғи яқинда мамлакатимиз Парламенти – Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда намоён бўлгани халкаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари томонидан эътироф этилганида кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, 2015 йил 29 март куни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайловининг демократик давлатларда кабул қилинган, эътироф этилган тизим бўйича, яъни, мукобиллик асосида, холислик, ҳақконийлик тамойилларига итоат қилган ҳолда ўтказилишига караб, халқимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиясига, жамиятимизнинг демократик тараккиёт йўлидаги ривожига, Узбекистонимизнинг обрў-эътибори ва нуфузига баҳо берилади. Буни ҳеч хаёлимиздан, хотирамиздан чиқармаслигимиз зарур.

Кимки бу сайловда катнашадиган бўлса, уни куруқ гаплар, ёлғон ташвиқот билан бошқа йўлга буриб бўлмайди. Ўйлайманки, ҳар кайси одам ўзининг хоҳиш-иродаси, виждони нимани буюрса, шунга қараб овоз беради. Шу нуктаи назардан сизларга каратилган факат битта илтимосим бор. У ҳам бўлса, сайлов масаласида биз риоя қилишимиз керак бўлган демократик нормаларга баъзан бизга майда бўлиб туюладиган иш

деб карамаслик керак. Сайлов жараённида майды нарсаннинг ўзи умуман бўлмайди – шу масалани ўзимизга чукур тасаввур килишимизни хоҳлардим.

Биз демократик жамият куриш йўлида Ўзбекистоннинг обрўсини оширишга бел боғлаган эканмиз, кичкина бўлиб туюладиган ишларга ҳам катта эътибор бериб, ҳеч қандай эътиrozга ўрин қолдирмаслигимиз керак. Халқимиз, сайловчиларимиз кимни хоҳласа, барибир шу номзодни сайлайди, бизга ҳеч ким халақит беролмайди.

\* \* \*

Мамлакатимиз парламентига бўлиб ўтган сайловлар юртимизда изчилик билан олиб борилаётган, демократик давлат ва кучли фукаролик жамияти куриш, бозор ислоҳотларини чукурлаштиришга қаратилган, Конституциямизда энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган инсон хуқуқ ва эркинларни ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жамиятимизда кенг кўллаб-куватланаётганини курсатди. Сайловлар мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш йўлида яна бир муҳим марра бўлди, миллий сайлов тизимимизнинг ноёблиги ва демократик жиҳатдан юксалганини намойиш этди.

\* \* \*

Биз эски адолатсиз тузумга бошқа ҳеч қачон қайтмаслик, ўзимиз танлаган мустакил таракқиёт йўлидан қатъият билан бориш ҳақида гапирганда, бунинг асосий шарти ва гаровини аввало ҳаётимизда

демократик принципларни янада мустахкамлашда, эркин, очик-ошкора сайлов тизимини жорий қилишда курамиз.

Мустақиллик йилларида шаклланган, Конституциямиз ва қонунларимиз талабларига, умумэтироф этилган халқаро стандартларга тұла мос булған бизнинг миллий сайлов тизимимиз бунга тұла имкон беради. Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга якында үтказилған сайлов пайтида бунинг яққол исботини ўзимиз күрдік. Ва буни дунёдаги тегишли халқаро ташкилотлар вакиллари – кузатувчилар ҳам тан олиб, юксак зытироф этди.

Шуни таъкидлашимиз керакки, сайлов, эркин, демократик сайлов принциплари биз учун фуқаролар ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг хошиш иродасини ифодалашнинг энг ишончли ва самарали усули бўлиб қолади ва биз унинг тамойилларига ҳамиша содиқмиз.

\* \* \*

Сайлов дегани – танлаш деганидир. Биз совет давридаги каби сайловлар умуман қайтмаслигини хохлаймиз. Шунинг учун биз сайловни үтказишга тайёргарлик курар эканмиз, овоз беришга онгли ёндашишимиз, уни ҳаққонийлик, эркинлик, очиклик, холислик тамойиллари асосида үтказишимиш керак. Одамларга танлаш имкониятини, номзодларнинг дастурларини солишириб күриш имкониятини яратиб беришимиз керак. Қолганини уларнинг ўзи ҳал килади.

\* \* \*

Биз сайлов куни вижданан келиб овоз берамиз. Бугунги кунда одамларимиз шундай эркин, ўз мустақил фикрига эгаки, энди уларни ўз фикри, ўз хоҳиш-иродасидан қайтариб бўлмайди. Қанча гап, қанча ташвикот бўлмасин, сайловга борган одамнинг фикрини ўзгартиришга уриниш – бу мутлақо бехуда иш.

Сайловчи кимга овоз беради? Менимча, у, аввали, ўзи билан ёнма-ён ўтириб гаплашишга, дардини, қувончини баҳам кўришга тайёр бўлган одамга, номзодга овоз беради. Бир сўз билан айтганда, сайловчи унинг шаънига ҳар хил қўпол сўзлар билан қаттиқ тегмайдиган, аксинча, унинг қадрини, ғурурини хурмат қиласидиган одамга овоз беради.

Иккинчидан, сайловчи ҳаётда ҳам, сиёсатда ҳам бошқалардан кўра узокроқни кўрадиган, чуқуррок ўйладиган одамни сайлайди. Чунки, калтабин, яъни бурнидан нарини кўролмайдиган, манманликка берилган одам раҳбар бўлса, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди. Охир-оқибатда бундан ўзи зарар кўради. Бундай одамни алмаштириш ҳам азоб бўлади.

Учинчидан, сайловчи кўпни кўрган, ҳаётнинг пасту баландини тушунадиган одамни сайлайди.

Бу сайловнинг ута муҳим аҳамияти шундаки, уни холисона ўтказишимизга қараб, барчамизнинг сиёсий ва хукукий савиямизга, жамиятимизнинг демократик тараққиёт йулидаги ривожланишига, Ўзбекистоннинг обрў-эътиборига баҳо берилади. Айни шундай муҳим масалани эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

\* \* \*

Демократиянинг ўзига хос кўплаб ижобий жиҳатлари бор, албатта. Лекин уни ўйинга айлантириб, катта минбарлардан туриб, «демократия, демократия» деб кўксига уриб гапириш, аслини олганда, халқ манфаатларини никоб қилиб, ўз манфаатларини қўзлашдан бошка нарса эмаслигини ҳам кўп кўрганмиз. Демократияни қандайдир додмага, котиб қолган ягона бир мезонга айлантириш, уни бошка давлатларга, уларнинг миллий шароити ва ўзига хослигини ҳисобга олмасдан, умумий қоида сифатида тикишириш – мутлақо нотўғри.

Биз шуни яхши англашимиз керакки, демократия ҳеч қачон бир хил шакл ёки мазмунда бўлмайди. Демократия дегани – бу ҳамиша ўзгариб турадиган хаёт тарзи, жамият тизимининг ривожи билан узвий боғлиқ.

Демократия – инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади.

\* \* \*

Бир вақтлар шундай бўлганки – афсуски, бу камчилик баъзи жойларда ҳали-бери учраб туради – оила бошлиги ҳамма паспортларни тўплаб, мен сизлар учун ҳам овоз бериб келаман, деб тўрт-беш кишининг хоҳишини бир ўзи ҳал қилган. Мен оиласда энг каттаси бўлсан, чизган чизигимдан кимдир чикиши мум-

кинми, деган кайфият билан яшаш ҳозир ҳам айрим эркакларда йўқ эмас.

Барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз шарт. Бугунги кунда чет эллардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчи бўлиб келган одамлар бу гапларни тушунмайди. Бу борада баҳо беришда улар битта мезонга, яъни, Конституция ва қонунларга таянади. Керак бўлса, сайлов бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тасдикланган, умумэътироф этилган халқаро талаб ва меъёрлар борки, уларга қатъий амал қилиш керак. Шу маънода, сайловда майда нарсанинг ўзи йўқ. Бу бизнинг шахсий хоҳишимиз билан бўладиган оддий иш эмас. Бу – давлатнинг, халкнинг киёфаси, сиёсий хоҳиш-иродасини намоён этадиган умуммиллий тадбир.

Агар биз демократик жамиятда яшамоқчи бўлсак, фақат қонунга, унда белгилаб кўйилган қоида ва меъёрларга итоат қилишимиз керак.

\* \* \*

Хоразмда ёшули деган жуда гўзал ва қадимий бир сўз бор. Ёшулини фақат ёши улуғ бўлгани учун эмас, эл-юрт ўртасида обрў-эътибори баланд бўлгани, бошқаларга нисбатан қўпроқ нарсани билгани, кўпни кўргани, билими ва салоҳияти юкори бўлгани учун шундай ҳурмат қилишади.

Ёшули бўлиш жуда яхши, лекин сайловда ёшуллиларимиз бошқалар учун ҳам қарор қабул қиласидан бўлса, четдан қараганда бу одамларга ғалати туюлади. Шунинг учун ҳозир қандай замонда, қандай мамлакатда, қандай юксак мақсадларга интилаётган давлат-

да яшаётганимизни чукур англаб олсак, айни муддао бўлади.

\* \* \*

Эски, ўзини оқламаган, мустабид, коммунистик гоя якка хукмрон бўлган замонда сайловлар қандай расмиятчилик билан, номига ўтказилгани, мустамлака тизимидағи ноҳаклик, буйруқбозлиқ шароитида амалга оширилгани ҳақида кўпчилик халқимиз яхши хабардордир.

\* \* \*

Сайлов – бу биз қураётган хукукий демократик давлатнинг узвий бир қисми, фукароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий шаклидир.

Содда қилиб айтганда, сайлов – бу, аввало, эркин танлаш хукуки демакдир. Агар биз сайловни муқобиллик асосида ўтказмасак, яъни, айтайлик, 2–4 та номзод орасидан биттасини танлаб олиш хукуқига эга бўлмасак, бундай сайловни ўзи ҳақиқий сайлов деб бўладими?

Сайлов – бу демократия дегани, демократия – бу сайлов деганидир. Ҳакиқатан ҳам, демократиянинг ҳаётда устувор булиши учун қачон энг кулай имконият пайдо бўлади? Айнан холис, муқобил сайлов ўтказишида.

Маълумки, совет даврида сайловлар шунчаки расмиятчилик учун, номига ўтказилар эди. Уларнинг натижаси, яъни, кимлар, қанча ишчи, қанча колхозчи,

қанча зиёли ҳокимият идораларига сайланиши олдиндан маълум эди.

Бу залда ўтирган катта ёшдаги инсонлар, оксоқолларимиз яхши билади, сайлов бюллетенида факат битта номзоднинг фамилияси бўларди. Ҳолбуки, битта участкадан факат битта номзод қўйилиб, факат унинг ўзи сайланса, ҳеч қандай танлаш имкони, танлаш ҳукуки бўлмаса, савол туғилади – бунинг нимаси сайлов?

\* \* \*

Афсуски, ҳаётда демократияни турлича талқин киладиганлар ҳам, ундан сиёсий мақсадлар йўлида никоб сифатида фойдаланадиганлар ҳам учраб турди. Ўзини «демократия доҳийлари» деб даъво кила-диган, бошкаларни ўз йўриғига юргизишни истайдиганлар ҳам бор.

Биз ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганишда давом этамиз, демократик қадриятларга ҳамиша содикмиз. Шунинг учун демократия ҳакида гапирганда, биз, авваламбор, энг ривожланган давлатлар каторига кириш, энг муҳими, улар қўлга киритган ютукларни ўзлаштиришни назарда тутамиз. Инсон ҳукукларини таъминлаш, ҳар кайси одам учун эркин, фаровон ҳаёт кечириш имкониятларини яратиш йўлида кимки турли ютукларга, натижаларга эришган бўлса, биз улардан ўрганишдан чарчамаймиз.

# **ТАРИХ – БАМИСОЛИ КҮЗГУ**

the first time in 1970, and the number of new cases has increased steadily since then.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population. The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

The incidence of hepatitis C in the United States is estimated to be approximately 1.8 million cases, or about 0.8% of the population.

---

Тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади.  
Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ.

\* \* \*

Ахборот-коммуникация технологиялари, математика, физика, кимё, саноат, менежмент – буларнинг ҳаммаси керак, албатта. Лекин, авваламбор тарихни билиш – бу ҳаётий зарурат.

Ҳаётни билиш, биз қайси асрда яшаётганимизни англаш – бу ҳаммамизнинг бурчимиз. Яъни, ҳаётдан оёғи узилган, реал воқеликдан узоклашган одам ҳеч қачон ўз мақсадларига эриша олмайди. Ерда яшайдиган одамнинг ҳаёти шу замин, мана шу тупроқ билан боғлиқ бўлиши керак, у шу тупроқни кўзига суреб, унинг эртанги кунини янада обод қилишга ҳаракат килиб яشاши зарур.

\* \* \*

Бугун юртимизда кечаги кунни эсламайдиган, аждодларини, боболарини ёдга олмайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан. Дунё тарихида кудратли салтанат яратган сохибкирон Амир Темур бомиз, ўз акл-заковати, улкан илмий салохияти билан жаҳон тамаддунига бекиёс ҳисса кўшган буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз билан ким фахрланмайди дейсиз? Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг та-

рихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги ҳалқаро конференцияда дунёнинг 50 мамлакатидан келган атокли олимлар бу тарихий меросни бутун инсоният манфати йўлида биргаликда ўрганиш, уни тарғибу ташвиқ қилиш, амалий ҳаётда янада кенг қўллаш кераклигини алоҳида таъкидлагани, айтинглар, ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишламайдими?

Биз кўпинча бу борада ҳам камтарлик қиласиз. Лекин менинг тилагим, истагим шуки, бу ҳақда кўпроқ гапириш, меросимизни кўпроқ ва чукурроқ ўрганиш керак. Буюк аждодларимизни, ота-боболаримизни эслаш дегани – бу ўзимизга тан бериш деганидир. Мен ана шундай фикрдаман. Ўзимизга тан берадиган бўлсак, авваламбор, биздан олдин ўтган аждодларимизга тан берайлик. Улар қандай инсонлар эди, қандай ҳаёт кечирган, ўзидан қандай ном қолдирган эди, деган саволлар ҳакида ўйлаш лозим. Шу ўринда доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг, агар сен ўзингдан олдин ўтганларни милтиқ билан отадиган бўлсанг, авлодларинг сени замбаракдан ўққа туради, деган мазмундаги фикри ёдимга тушди. Бу гапда ҳақиқатан ҳам чуқур маъно бор.

Шу борада яна бир фикрга эътибор беришингизни истардим. Фашизмга қарши жангга кирган бизнинг ота-боболаримиз қандайдир бир тепалик ёки қайсиdir бир «улуг дохий» учун жон бермаган. Ўзбек ўғлонлари, авваламбор, ўзи туғилган шаҳар ва қишлоқни, ўз она юртини, ўз яқинларини, меҳрибон отаси ва онаси, севикли ёри, жондан азиз фарзандларини кўз олдига келтирган ҳолда беомон жангга

кирган, шу муқаддас Ватанимиз учун жонини фидо килган.

\* \* \*

Мен Иккинчи жаҳон урушида ёвуз душман билан рӯбарӯ бўлиб, даҳшатли жангга кирган аскарларимиз ўша лаҳзаларда нимани ўйлаган, уларнинг хаёлидан қандай фикрлар, кечинмалар ўтган экан, деб ўзимга кўп савол бераман, оғир бўлса-да, уларнинг руҳий ҳолатини, ўй-хаёлларини ўзимга тасаввур этишга ҳаракат қиласман. Ана шунда «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам, уларни бағримга боссам», деб ўйлаган ўғлонлар кўз ўнгимда гавдаланади. Мен аминманки, улар айнан шундай ўйлаган, авваламбор, ўз юртини эслаб, азиз инсонларини яна бир марта кўрсам, деб жон берган.

\* \* \*

Илгари мактабларда Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихи ўргатилмас эди. Ўтган асрнинг 17-йилидан бошлаб ёзилган тарих китоблари ёлғон ғоялар асосида яратилгани сир эмас.

Тошкент шаҳрида Қатағон қурбонлари хотираси музейини очганимиздан хабарингиз бор. Мақсад – одамлар ҳақиқий тарихни билсин. Лекин мана шу якин ва узок тарих ҳақидаги ҳақиқатни ёзишга, уни фарзандларимизга етказишга интиладиган фидойи одамлар, афсуски, жуда кам. Совет давридаги зулм ва кўркувга асосланган мафкура, сиёсатнинг таъсири бизнинг қон-қонимизгача сингиб кетган, ичимиздаги

күркөклик ҳали ҳам, таассуфки, тұлиқ барҳам топгани йүк.

Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиник бир күзгү. Үнга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз, келажак йүлини белгилаймиз.

\* \* \*

Мен ҳар доим мустабид совет тузуми, үша замонда халқымиз бошидан кечирған күнлар ҳакида күпроқ ёзинглар, деб, тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қиласман. Үша даврда яшаган, унинг барча кирдикорларини ич-ичидан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамоқда үлиб кетди. Аммо үша замонни ёшларимиз билиши учун бизга күпроқ китоблар, дарсликлар зарур.

Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан куроллантиради.

Тарихни ёзишда ҳеч қачон үнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, факт ҳақиқат ва адолат нүктай назаридан йўл тутилиши керак. Сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни заҳарлайди, унинг онгу дунёқарашини чалғитади.

\* \* \*

Эски тузум даврида биз ўз тарихимизни билмас эдик. Кўзимиз бамисоли кўр эди. Бутун олам юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладиган буюк аждодларимизни танимас эдигу, сохта «дохий»лар ҳаётини – қачон, қаерда туғилган, нима кароматлар курсатган – билар эдик, туғрироғи, ёдлаб олган эдик. Уларни бо-

бомиз, отамиз, деб сиғинар эдик. Бу, айнан истибодда қуллик даври эди. Нафакат моддий жиҳатдан начор эдик, энг ёмони, ор-номусимиз топталган, қадрият ва анъаналаримиз оёқости қилинган эди. Бир сўз билан айтганда, қорнимизга эмас, қадримизга йиғлайдиган бир давр эди.

Алгоритм, алгебрага асос соглан Хоразмий бобомизни билмас эдигу, Пётр Биринчини ҳаммамиз билишимиз шарт эди.

Мен Қашқадарёда обком секретари бўлиб ишлаганда ўзбек халқига нисбатан қандай адолатсизлик қилингани, қанча-қанча одамлар бундан жабр кўрганига ўзим гувоҳ бўлганман. Жиззахда ҳам худди шундай воқеалар бўлган. Ўша даврнинг ҳақиқий қиёфасини болаларимизга албатта етказишимиш керак, уларнинг кўзини ҳақиқатга очиб беришимиз керак. Токи улар яхшини ёмондан, окни қорадан ажратса оладиган, ҳамиша огоҳ ва сергак яшайдиган бўлсин. Бу бизнинг энг катта бурчимиз.

Хозирги тўкинлик, серобчилик осмондан тушмаганини ҳам болаларимизга тушунтиришимиз лозим.

\* \* \*

Ўзликни англаш дегани – бу ўз тарихимизни, мингминг йиллик анъаналаримизни билиш дегани. Агарки ҳар қайси одам кечаги кунни яхши биладиган бўлса, ҳеч қачон аввалги хатосини яна такрорламайди.

Ўзингиз эсланг, бир вақтлар, коммунистик мафкура замонида миллий урф-одатлар, анъаналарни ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто жанозага бориш мумкин эмас эди. Қаранг, қандай оғир замон эди!

Бу ҳақиқатни болаларимизга тұғри тушунтириб берсак, тарих билан, ҳақиқат билан куролланиб олсақ, ҳаётимизни шундай тұғри йүлга құямызки, унинг аниқ манзиллари барчага аён бұлади, бутун халқимизга күч-гайрат бағишилаб туради. Бу – эркін, озод, тинч ва барқарор, обод ва фаровон ҳаёт демакдир.

\* \* \*

Инсон ҳар қандай шароитда ҳам үзининг үтмишини билмаса, хато қиласы.

Биз кечаги тарихимизда рүй берган мудхиш күнлар ҳақидаги маълумотларни ёш авлодга үз вактида етказсак, уларнинг онгида ҳеч қачон бүшлиқ пайдо бўлмайди. Бўшлиқ дегани шуки, кимлардир доим унинг ўрнини бир нарса билан тўлдириш пайда бўлади ва қўйиб берсангиз, бундай «чаққон»лар истаганча топилади. Ўзининг эгри ниятига эришиш учун, керак бўлса, катта пул ишлатади, энг ёмони, муқаддас ислом динини бузиб кўрсатишга уриниб, ёшларимизни тұғри йўлдан чалғитишдан ҳам тоймайди.

\* \* \*

Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етисиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоклари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўп-кўп мисолларда исботлаб беради.

\* \* \*

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий циви-

лизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияни айнан Самарқанд шаҳрида ўтказганимиз бежиз эмас. Халқимизнинг буюк тарихи, бой маданияти, ноёб маънавий мероси ана шу анжуманда Америка, Европа китъалари, Япония, Хитой каби дунёning 50 мамлакатидан келган атоқли олимлар томонидан яна бир бор эътироф этилиб, юксак баҳоланди. Конференция иштирокчилари томонидан бу тарихий меросни бутун инсоният манфаати йўлида биргаликда ўрганиш, уни тарғибу ташвиқ қилиш, амалий ҳаётда янада кенгрок қўллаш кераклиги алоҳида таъкидланганидан барчангиз, албатта, хабардорсиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу мерос бутун дунёning мероси, яъни, Ватанимиз заминида яратилган бундай илмий, маданий бойликлар наинки Ўзбекистоннинг, балки бутун инсониятнинг бойлигидир. Чет эллик меҳмонларимизнинг, «Инсон дунёning қаерида яшамасин, бу бойликларни, бу алломаларни билиши керак. Шундай мутафаккирларни вояга етказган халқ ҳар қандай юксак таҳсинга сазовор ва биз бу халқдан ана шундай қашфиётларни яна кутишга ҳаклимиш», деган гаплари, айтинглар, ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишламайдими?

\* \* \*

Мен ғурур ҳакида кўп гапираман. Негаки, ғурур ва ифтихор билан яшаш ўзликни асраш, бу дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан барчага teng муносабатда бўлиш деганидир. Бундай ҳаёт тарзига ҳамма ҳам эришавермайди. Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховатпешалик каби кўплаб чин инсо-

ний фазилатлари қаторида яна шундай улуғ хусусияти борки, у ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида бош эгмаган. Буюк аждодларимизни, Амир Темур бобомизни эсланг, уларнинг ўғитларига қулок тутинг. Ҳар қайси одам – у қандай ёшда бўлмасин, қаерда ва қайси лавозимда ишламасин – бошига қандайдир оғир иш ёки ташвиш тушганида, мен кимман, қандай буюк зотларнинг авлодиман, деган саволни ўзига берса, тўғри йўлни албатта топади. Бу саволга жавоб тариқасида қалбида беихтиёр ғуурур ва ифтихор туйгулари пайдо бўлади. Албатта, биз бой тарихимиз, улуғ аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзиди. Тарихимиз – битмас-туганмас хазина, биз учун чексиз ғуур манбаи.

\* \* \*

Юртимизда 90-йилларда юзага келган муаммонинг илдизи собик тузум даврига, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган, пахта етиштириш энг катта мақсад саналиб, ҳатто одамларнинг ҳаёти ва саломатлигидан устун турган ўша мустабид замонга бориб тақалади.

Ҳалқимиз ўша пайтда чидаб бўлмайдиган шундай азоб ва уқубатларга гирифтор этилган эдики, буни сўз билан ифодалашнинг ўзи қийин. Далада ишлаб юрган одамларнинг устидан самолётдан заҳарли дорилар сепилгани, қанча-қанча болалар сарик касаллиги ва бошқа дардларга йўлиққани бу залда ўтирганларнинг ҳали эсидан чиққани йўқ.

Ҳақиқат, тарих ҳақиқати болаларимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Тарих ҳақиқатини тўлалигича кейинги

авлодга етказиш ҳар бир инсоннинг келажак олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади.

Уша машъум кунларни кўрган кишилар, фахрийларимиз хаёт эканидан фойдаланиб, бу борада кўпроқ маълумот тўплаш, уларни тизимлаштириш устида ишлайдиган олим ва мутахассислар бўлса, мен бундай ташаббускор одамларни шу муқаддас заминни севган ватанпарвар, юртпарварлар деб қабул қиласман ва уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрман.

Инсоннинг табиати шундайки, вакт ўтиши билан ёмон воқеалар эсидан чиқади. Бир томондан караганда, бу – тўғри. Чунки инсон бошидан кечирган баҳтсизликларни, эзилган кунларини эслашни хоҳламайди. Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида ортга назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабок чиқариб яшаши лозим.

Мен, авваламбор, ёшларимизга қарата айтмоқчиман: ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда адашмайди.

\* \* \*

Тарихимиздаги оғрикли даврлардан ҳам хulosса чиқариб яшшимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳакиқати билан куролланиши лозим. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега деганда, буюк давлат куриш учун маърифатли, тарихни, ҳаётни чуқур биладиган, ундан сабоқ чиқара оладиган одамлар керак.

\* \* \*

Авваламбор, Ватанини жонидан азиз кўрган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган насиҳатларини юрагимизга, қон-қонимизга, суяқ-суягимизга мустаҳкам жо қилишимиз керак ва болаларимизни ҳам шурӯхда тарбиялашимиз даркор.

\* \* \*

Дунёда ҳеч нарса тасодифан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг илдизи, томирида албатта қандайдир бир асос, замин бўлади.

Ҳеч қачон бўм-бўш жойда улуғ зотлар пайдо бўлмайди. Агарки қайсиdir мамлакатда бир янги кашфиёт қилинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглар, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмнинг, ижоднинг замини бор жой албатта вақти келиб улуғ олимларни етиштириб беради. Бу, ўз навбатида, одамда миллий ғурур ҳиссини уйғотади. Минг афсуски, биз буюк инсонларни вақт ўтганидан кейин, улар ҳаётдан кўз юмганидан кейин тан оламиз. Ҳолбуки, уларни тириклигида кадрлашимиз керак.

\* \* \*

Ўтган асрнинг 90-йилларида биз янги ҳаёт сари қандай қадам қўйдик? Қандай тузумдан воз кечдик? Бу тузум нима учун ўзини окламасдан, ҳалокатга учради? Бу ҳақиқатни ёшларимизга ҳар томонлама чукур очиб бериш лозим. Нега деганда, тарихий воқеаларнинг негизида нима борлигини, уларнинг моҳиятини тушунтириш учун уни яхши билиш керак. Ҳар қандай

империя вақти келиб албатта йўқ бўлади. СССР ҳам, эртами-кечми, бир куни йўқ бўлиши аниқ эди. Бундай тузумнинг ҳеч қандай келажаги йўқ эди.

Мен кўпгина чиқишлиаримда тарихчиларга қарата, сизлар олим бўлсангиз, тарихни, тарихий воқеаларнинг асл моҳиятини тушунтириб беринг, деб айтаман. Болаларимиз албатта, ҳақиқатни билиши керак. Вакт ўтади, замон ўтади, лекин ҳақиқат барибир қолади.

\* \* \*

Тарихни унуган, ундан тўғри сабоқ чиқариб яшамайдиган халқ доимо йўлидан адашади. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деган гапнинг маъноси шунда. Шу нуқтаи назардан караганда, якин ўтмишимизда рўй берган воқеаларни одамларнинг, айниқса, ёшларнинг эсига солиб туриш керак, деб ўйлайман.

\* \* \*

Бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади, бир вактлар, яъни совет тузуми даврида яшаганимизда, қайси халқнинг тарихи узок, қайси халқ энди-энди пайдо бўляпти, деган турли масалаларда тортишувлар бўларди. Бу борада тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган, илмий жиҳатдан холис асосланмаган, миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизмининг хиди келиб турадиган қараш ва ёндашувлар зўр бериб одамларнинг қулоғига қўйилар эди. Эмишки, ўзбек халқи Октябрь инқилобига қадар саводсиз, маданиятсиз бир халқ бўлган. Фақат совет ҳукуматигина унга илм ўргатган, маданиятини кутарган эмиш. Бунинг учун биз коммунистик мафкурадан умрбод миннатдор

булиб яшшимиз керак экан. Шу борада ортга караб яъни тарихга холис назар билан боқиб, бу борада бир хулосани айтмоқчи бўлсак, бизни камситиб ерга урмокчи бўлганларга қаратә атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом айтган сўзларни яна такрорлашни ўринли деб биламан. Яъни, сизларнинг аждодларингиз, ота-бо- боларингиз ҳали дараҳтга ссилиб юрганида бизнинг ҳалқимиз, аждодларимиз инсоният таракқиётiga бе- мисл ҳисса қўшган цивилизацияларни юзага келтирганлар, оламшумул қашфиётлар қилганлар. Хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар илм-фан ривожини белгилаб берган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Биргина Хоразм тарихини олиб қарайдиган бўлсак, шу мисолнинг ўзи ҳам кифоя қиласди. Хоразм Маъмун академияси кўп нарсадан далолат беради. Уни бутун дунё тан олган, у ерда не-не буюк олим ва мутафаккирлар илм-фан билан машғул бўлган. Биз мустақиллик йилларида шу академияни янги асосда кайта тиклаганимиз, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда унинг 1000 йиллигини ҳалқаро миқёсда кенг нишонлаганимиз Ватанимизнинг янги тарихидаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Буларнинг ҳаммасини инобатта оладиган бўлсак, кани, айтинглар, бизнинг буюк миллат, улуғ ҳалқ эканимизни исботлаш учун яна қандай далил керак?

Бу билан ғуурланишга, фахрланишга барчамиз ҳақлими, албатта. Айни пайтда аждодларимизга муносиб бўлиш, бу ҳаётда ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмасдан, олдимизга катта мақсадларни қўйиб, ғуур билан яшшимиз лозим.

Илгари ҳам, ҳозир ҳам собик мустабид тузумни ёқлаб чикаётганларнинг бирорта гапига ишониб бўлмайди. Биз бир пайтлар кўкларга кўтариб, мук тушиб сиғинган Ленин бобо, Сталин бобо ва бошқа «бобо»ларимиз ҳақиқатда ҳаммаси қаллоб ва жаллод бўлиб чиқди. Мана, сизга ҳақиқат. Масалан, Ленинни дунё халкларининг доҳийси, халоскори деб пионерлик, комсомоллик пайтимизда ашулаш айтганмиз. Мен ҳозирги ёш ўғил-қизларимизни кўриб хурсанд бўламанки, улар бундай ёлғон гаплардан мутлақо узок бўлиб вояга етмоқда. Ўша замонда энди мактабга борган бола аввал «октябрят» нишонини тақарди. Ўзингиз ўйланг, 6–7 ёшга кирган бола нимани билади? Бу ёшда бола факат офтобни, очилган гулларни, умуман, атрофидаги оламни кўриб хурсанд бўлади. Онасини курса, байрам бўлса, кувонади.

У пайтлар шундай вазиятлар ҳам бўлардики, бир марта тўйиб овқатланишнинг ўзи баҳт ҳисобланарди. Мен ёшлигимда буларнинг барчасини бошимдан ўтказганман. Ҳатто, шундай бўлганки, мактабда бир неча бор дарс пайти очликдан ҳолсизланиб, ухлаб колганман. Бундай ҳолатлар ўша замонларни кўрган одамларнинг кўпчилигига бегона бўлмаса керак. Мен аниқ биламан, сизлар ҳам ёшлигингизда айни шундай кийинчиликларни бошингиздан ўтказгансиз. Яъни, ҳаммамизниң тақдиримиз ўхшаш бўлган. Ўша даврларда эрталаб оч-наҳор дарсга чопардик, куч-куvvват ҳам шунга яраша бўларди.

Бир сўз билан айтганда, биз шундай оғир замонларда яшаганмиз, кўпгина ноҳақликларни ўз кўзимиз

билан күрганмиз. Сиёсат бошқа-ю, ҳаёт бошқа эди. Турли қалин китобларни чикариб, шиорлар, ашула-ларни түкиб, ҳаммани сохта ғояларга ишонтириш од-дий ҳол эди. Комсомол бўлмасанг партияга кирмай-сан, партияга кирмасанг ҳеч қандай вазифада ишлай олмайсан, деган караш ҳукмрон эди.

Яна бир мудхиш нарса шуки, 30-йилларда ку-локлаштириш сиёсати олиб борилиб, минг-минглаб одамларнинг молу мулки, уй-жойлари тортиб олинган, ўзлари эса узок ва совуқ ўлкаларга сургун килинган, бу тузумдан норози бўлган одамларнинг болаларига «халқ душманининг фарзанди» деган тамға босил-ган. Умуман, совет тузуми ва мафкураси миллионлаб одамларни майиб қилган, уларнинг тақдирида аянчли из қолдирган. Уларнинг қанча-қанчаси адолатни, ёруғ кунларни кўрмасдан бу дунёдан ўтиб кетган.

Мана, энди СССР деган давлат йўқ бўлиб кетди. Кимдир бундан хурсанд бўлса, яна кимдир, афсуски, ўша даврларни кўмсаб яшаяпти. Аслида, империялар, зўравонлик билан тузилган давлатлар ҳеч қачон узок яшамайди. Бу – тарих ҳақиқати.

**«ЎЗБЕК МОДЕЛИ» – АМАЛДА  
ЎЗИНИ ОҚЛАГАН, ЁРУҒ  
ИСТИҚБОЛИМИЗНИ  
БЕЛГИЛАБ БЕРГАН  
ТАРАҚҚИЁТ ЙУЛИ**



Биз мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тузумидан воз кечиб, жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умумисоний қадриятларни чукур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асррабавайлаш ва янада мустаҳкамлаш асосида ижтиомий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этишга азму қарор қилдик.

\* \* \*

Ўтган даврда амалга оширган барча ишларимизни баҳолар эканмиз, бугунги Ўзбекистоннинг шаклланишидаги икки босқични алоҳида ажратиб кўрсатиш учун барча асосларимиз бор: 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган муддатни ўз ичига оладиган биринчи босқич – ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришлар даври.

Иқтисодиётимизни баркарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-хукуқ тизими ва ижтиомий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ килиш, аҳоли турмуш даражасини мунтазам ошириб боришни таъминлашда 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация килиш даври ғоят муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон иқтисодиётини

ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизация этиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чукур ўйланган, узок истиқболга мўлжалланган сиёsatнинг амалга оширилиши ана шу йилларнинг барчасини ўзаро боғлайдиган ҳал қилувчи асос, ўзак – бўғин булиб хизмат қилди.

\* \* \*

Узбекистонда қабул қилинган, «ўзбек модели» деб ном олган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётiga үтишнинг иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёsatдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, конун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёsat юритиш, ислоҳотларни босқичмабосқич ва изчил амалга ошириш каби машхур беш тамойилга асосланган ўзига хос йўли – буларнинг барчаси, айниқса 2008 йилда бошланган ва ҳануз давом этаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида ўзининг нечоғлик тӯғри ва ҳаётий эканини исботлади.

\* \* \*

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли ҳалқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, хукук ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, конун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар.

\* \* \*

Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тұнтарышлар йүли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мүмкінлегини бугун ҳәётнинг ўзи исботлаб бермокда.

\* \* \*

Үз-үзидан аёнки, тобора чукурлашиб бораётган ислоҳотлар натижасида эришиладиган ўта муҳим үзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вакт керак, энг асосийси – бу ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чукур англаб олиши ва қўллаб-куватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

\* \* \*

Агар биз шунча вакт, куч-куват сарфлаб амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг мақсади ва мазмунини халқимиз тушунмаса, жамоатчилигимиз қўллаб-куватламаса, бундай ислоҳотлар куруқ гапга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

\* \* \*

Биз бугунги кунда ҳәётимизнинг бирор-бир соҳасини ислоҳ қиласидиган бўлсак, авваламбор бундан қўзланган мақсад нимадан иборат эканини, нима учун бу үзгаришни эртага эмас, айнан бугун амалга ошишимиз зарурлигини одамларимизга содда ва аник килиб тушунириб беришимиз лозим.

\* \* \*

Биз истиқолимизнинг биринчи кунлариданоқ четдан туриб тиқиширилган «шок терапияси» усулларидан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасавурлардан воз кечдик, маъмурый-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимиға ўтиш жараёнида «Янги уй курмай туриб, эскиси ни бузманг» ва «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» каби машҳур тамойилларга амал килиб, тадрижий ёндашувни, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

\* \* \*

Ўзбекистонда қабул қилинган иқтисодий тараккиёт моделининг энг муҳим хусусияти четдан қарз олиш сиёсатининг чукур ўйланганида, мамлакатимизни ташки омилларга боғлаб қўйиши мумкин бўлган киска муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиша намоён бўлди.

\* \* \*

Давлатимиз мустақил тараккиётнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизга узок муддатли хорижий сармояларни жалб этиш учун амалда қиёси бўлмаган шарт-шароит ва кафолатлар яратишга алоҳида эътибор қаратди, тўлов қобилиятига эга бўлган ишончли шерик сифатида ўзини кўрсатди.

\* \* \*

Мустақил тараккиётимиз давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилас эканмиз, биз танлаган

модель, чукур ўйланган ва изчил амалга оширилаёт-  
ган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг  
устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим,  
фукаролик жамияти, миллий иқтисодиёттимизнинг  
баркарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт да-  
ражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишонч-  
ли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асослари-  
миз бор.

\* \* \*

Юртимида туб маъмурий ислоҳотлар амалга оши-  
рилди, давлат бошқарувининг тармоклар ва ҳудудлар  
бўйича принципиал жиҳатдан мутлақо янги тузил-  
маси шакллантирилди, жойларда ҳокимлик инсти-  
тутини жорий этиш орқали маҳаллий ҳокимият ор-  
ганлари қайта ташкил этилди, маҳаллий ўзини ўзи  
бошқаришнинг ноёб тизими – маҳалла институти ри-  
вожлантирилди ва мустаҳкамланди.

\* \* \*

Мамлакатимизда бозор инфратузилмаси институт-  
лари яратилиб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб  
берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замо-  
навий банк тизими шакллантирилди, иқтисодиётнинг  
барча тармок ва соҳаларида чукур ислоҳотлар ўтка-  
зилди.

\* \* \*

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида  
туб ўзгаришлар рўй берди, кўпукладли иқтисодиёт  
амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк

устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафакат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вактда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, ахоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди.

\* \* \*

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришилди. Бой минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини тубдан қайта ишлашга асосланган замонавий технологияларни жалб этган ҳолда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашнинг кенг кўламли дастурларини изчил амалга ошириш таъминланмоқда. Энергетика, нефть ва газ кимёси, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби иқтисодиётимиз тараққиётининг локомотиви ҳисобланган, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоклари жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

\* \* \*

Биз шуни доимо ёдда тутишимиз керакки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди ва эришган натижалари билан кифояланмасдан, дунёда кечаётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бо-

раётган талаблари ва жаҳон бозорида кучайиб бораётган ракобат курашига мос ҳолда қадам ташлайдиган давлатгина биринчи навбатда муваффакият қозона олади.

\* \* \*

Мана шу ўтган қарийб 24 йиллик даврда, мустақил яшаётган йилларимизда бизнинг тарихий қадамларимиз, танлаган йўлими ҳар томонлама тан олиниб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланмоқда. Иктисадиёт нуктаи назаридан қараганда, айниқса кейинги 10 йилга якин вакт мобайнида, дунёда турли-турли инқирозлар давом этаётган бир пайтда, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8 фоиздан паст бўлаётгани йўқ. Агарки бошқа рақамларни олиб келмасдан, айни шу рақамни айтадиган бўлсак ҳам, кўп нарса аён бўлади.

\* \* \*

Собиқ Иттифоқ худудидаги бошқа мамлакатлардан фаркли равишда, Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табакаланиш ҳолати мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жаҳон тажрибасида жамиятда ижтимоий табакаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолашнинг асосий мезони сифатида Жини индексидан кенг фойдаланилади. Мисол учун, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайди. Бу натижа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан 0,35–0,37 микдорида белгиланган халқаро стандартлар нуктаи назаридан қараганда,

аҳолимизнинг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради.

\* \* \*

Биз давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини мустаҳкамлаш йўлидан борамиз. Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табакаланишинг йўқлиги ҳам ана шу сиёсатнинг натижасидир. Одамларнинг ҳаёт даражаси ўртасида ана шундай мувозанатнинг бўлиши – халқнинг ўз ҳётидан рози бўлиб яшashi, мамлакат барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланади.

Халқ қачон норози бўлади, жамиятда қачон тўполонлар пайдо бўлади? Агар ўта бойлар кўпайиб, уларнинг бойлиги ортаверса ва камбағалларнинг ҳаёти борган сари ночорлашиб кетса. Бу борада Ўзбекистондаги вазият мўътадил эканини одамлар кўриб-билиб турибди. Жамиятдаadolat бузилса, бойлар ўртacha яшаётган одамларни ёки камбағалларни ўзига teng кўрмаса, бундай давлатнинг умри узок бўлмайди. Кескин норозилик одамларни кўчага чикиб, ўз талабини ҳокимият идоралари олдига қўйишга мажбур килади. Нега деганда, бугун одамларнинг онги ўзгаряпти, энди ҳеч ким кул бўлиб, қарам бўлиб яшашга рози бўлмайди.

Шу маънода, юртимизда ўрта синф бўлмиш мулкдорлар синфини шакллантириш эл-юртимиз барқарорлиги ва тараккиётининг муҳим шарти ва кафолати, десак, айни ҳакиқатни айтган бўламиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, илм-фан намояндлари,

зиёлилар ўрта синфга мансуб табақа ҳисобланади. Дунёнинг энг қудратли давлати бўлмиш АҚШда ҳам ўрта синф давлатнинг асосий суянчи ва таянчидир. Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда ҳам тахминан 60 – 70 фоиз аҳоли ўрта синфга мансуб. Жамиятда ўрта синф катта ўрин тутадиган бўлса, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшайди, уларнинг уртасида ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-окибат муҳити ҳукм суради. Агар жамиятдаги синфлар орасида тафовут катта бўлиб, улар бир-биридан норози бўлса, зиддият ва тўкнашув юз беради. Бу масаланинг ана шундай нозик томонларини ҳамиша эътиборимиз марказида тутишимиз лозим.

\* \* \*

Одамларнинг даромадлари ортиши билан оиласарнинг моддий ахволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Мустакиллик йилларида аҳолининг телевизорлар билан, айникса, мутлақо янги авлод телевизорлари – плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани ҳам оиласаримизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол тасдигидир.

Кисқа вакт ичида ҳаётимизга, деярли ҳар бир оиласага энг замонавий мобиъл телефонларнинг бир неча янги авлоди, ноутбуклар, тюнерлар, DVD приставкалари, сунъий йўлдош орқали фаолият курсатадиган ва кабелли телевидение, духовкали электр печлар, музлаткич камералар, сув иситиш бойлерлари ва бошқа мутлақо янги, юкори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб келди. Бугун биз бу

нарсаларга унчалик эътибор ҳам бермаймиз ва уларни одатдаги буюмлар сифатида қабул қиласиз. Ҳолбуки, йигирма йил аввал бундай ашёлар ҳақида ҳеч нарса билмасдик, хозирги кунда эса уларсиз ҳаётимизни тасаввур ҳам килолмаймиз. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксариятини мамлакатимиз корхоналарида ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз.

\* \* \*

Ўзбекистоннинг бешта устувор йўналиш – таомойилдан иборат бўлган, дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган ривожланиш йўли ҳар томонлама тўғри йўл эканини ўтган 24 йиллик истиклол тарихимиз исботлади. Биз катта йўлга чиқиб олдик ва унинг амалий натижаларидан барчамиз ҳар куни баҳраманд бўлмоқдамиз. Шунинг учун ишончим комил: юртимизда ҳеч ким эски даврга қайтишни хоҳламайди. Биз ҳалқимизни қийнайдиган, турли ижтимоий қатламларни ҳаётнинг табиий тўлкинига ташлаб, бозор ўзини ўзи бошқаради, деган, «шок терапияси» каби бемаъни усуллардан воз кечдик. Мана, кўриб турибсиз, биз танлаган йўл кескин ижтимоий портлашларсиз, аҳоли ўргасида табақаланишларсиз ҳалқимизга фаровон ва обод турмуш олиб келмоқда. Кечагина бизга ақл ўргатаётганлар энди биздан ўрганмоқда.

Биз эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун эртанги кунимиз, ёруғ келажагимиз, ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган юксак мэрраларга етиш йўлида чукур ўйланган тараққиёт стратегиямизнинг устувор йўналишларини амалга ошироғимиз зарур.

Биз собик СССР барбод бўлиб, тарқалиб кетганида эски тузумдан, унинг қолдиқларидан бутунлай воз кечиб, ўта оғир ва машакқатли синовлардан ўтиб, аввало, ўз куч-кудратимизга, «ўзбек модели» деб ном олган, бугунги кунда бутун дунё тан олган стратегия ва узокни қўзлаган дастуримизга суюниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танлаб олганимиз, чиндан ҳам, ўзини тўлиқ оқлаган тарихий йўл бўлди, десак, бу ҳақиқатни, ўйлайманки, кимдир инкор этиши қийин.

\* \* \*

Биз ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, «ўзбек модели» деган ном билан дунёда эътироф этилган ривожланиш йўлимизни танлаб олганимиз, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир кадам бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Биз танлаб олган, машҳур беш принципга асосланган тадрижий, эволюцион тараккиёт модели накадар ҳаққоний ва самарали эканини биз барпо этаётган янги демократик тизим мисолида, иктисадиётимиз 5 баробардан зиёд ошиб, ахолимизнинг даромадлари қарийб 9 марта ўсгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз киёфаси мутлақо ўзгариб, гуллаб-яшнаб бораётганида, халқимизнинг эртанги кунимизга ишончи тобора ошиб бораётганида кўриш, кузатиш қийин эмас.

\* \* \*

Сурғил кони негизида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокида қиймати 4 миллиард

200 миллион долларга тенг бўлган замонавий Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш лойиҳаси 2012 йилда жаҳонда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда нефть-газ соҳасида амалга оширилаётган энг яхши лойиҳа деб тан олинди.

Ушбу корхонада йилига 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газ қайта ишланиб, 3 миллиард 700 миллион куб метр газ олиниши, 390 минг тонна полиэтилен, 80 минг тоннадан зиёд полипропилен, 100 минг тоннадан ортиқ пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини назарда тутадиган бўлсак, унинг эл-юртимиз ҳаётида қандай катта аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Бундан 25 йил олдин Ўзбекистонда ана шундай ўта замонавий саноат корхонаси қурилади, деса, ўзингиз айтинг, ким ишонарди? Бу корхона олдимиизда янги-янги уфкларни очиб беришига шак-шубҳа йўқ.

\* \* \*

Корақалпок диёрида келгуси беш йилда факат саноат соҳасининг ўзида яна 500 га яқин йирик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида ўн мингга яқин одамни иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Энергетика саноати ҳақида гапирадиган бўлсак, Тахиатош иссиқлик электр станциясида 742 миллион доллар ҳажмидаги иккита буғ-газ курилмасини ўрнатиш бўйича ишлар бошланганини қайд этиш лозим.

Корақалпогистон аграр республикадан мамлакатимизнинг энг замонавий технологияларга эга бўлган,

саноати ривожланган миңтақасига айланяпти, десам, айни ҳақиқат бўлади.

Кейинги йилларда Қоракалпоғистонда енгил саноат тармоғи жадал ривожланиб, янги тўкувчилик кувватларининг ишга туширилиши, мавжуд шундай корхоналарнинг модернизация қилиниши натижасида пахта толасияни қайта ишлаш ҳажмини салкам 10 барабар кўпайтиришга эришдик. Энг муҳими, шунинг ҳисобидан беш мингга яқин хотин-қизлар доимий иш билан таъминланди.

\* \* \*

Бугунги кунда дунё бозорига кириб бориш, ўрин эгаллаш ғоят оғир вазифа. Аммо бу қанчалик мураккаб бўлмасин, биз жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашимиз шарт. Шу борада, авваламбор, юксак технологияларга асосланган кўшма корхоналарни, яъни хорижлик ҳамкорларимиз билан биргаликда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қиляпмиз ва айни шу йўл билан ташки бозорга йўл очилади. Кўшма корхоналарнинг афзал томони шундаки, биз бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни мўлжаллаш билан бирга, уни келгусида қайси бозорда сотишни ҳам аниклаб оляпмиз. Шу маънода, кўшма корхоналар бизнинг эртанги кунимиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, аҳолининг доимий иш ўрни, даромад манбаига эга бўлиши ҳар қандай жамиятда тинчлик ва барқарорлик, фаровонликнинг асосий шарти ва гарови ҳисобланади.

Шуларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда, ишга тушириладиган янги корхоналар, кичик бизнес ва хуссий тадбиркорлик, фермерлик харакатини кенг ривожлантириш ҳисобидан замонавий иш ўринларини кўпайтириш вазифаси доимо кун тартибида туриши, бу борада мутасадди раҳбар ва ходимларнинг ташаббус ва изланувчанлигини, масъулиятини оширишимиз шарт.

\* \* \*

Бир вактлар, Орол денгизининг инқирози окибатида Коракалпоғистонда ҳамма нарса қуриб кетяпти, одамлар ўз юртидан кўчиб кетяпти, деган гаплар жуда кўпайиб, бу ерда яшаётган аҳолининг кайфиятини анча тушириб юборган, кўпчиликнинг қўли ишдан совиган эди. Шу боис мен бу ердаги оғир вазият, Орол денгизи ҳалокатининг салбий таъсири, экологик ҳолатнинг ёмонлашганини баён қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига мурожаат мактубини жўнатган эдим. Ушбу ҳужжат БМТнинг Бош Ассамблеясида кенг муҳокама қилиниб, бу борада маҳсус қарор қабул қилинди. Мазкур ҳалкаро ҳужжатга биноан Орол муаммоси, Коракалпоғистон муаммоси – умумбашарий муаммо, бутун инсониятнинг муаммоси сифатида тан олинди. Ана шу саъй-харакатлар туфайли ҳозирги кунда бу ерга йўналтирилаётган катта-катта маблағлар, инвестициялар минтақада яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, одамларнинг руҳини кўтаришга хизмат қилмокда, десам, хато бўлмайди.

Замон билан доимо ҳамнафас бўлиб, янгиликка интилиб яшайдиган Андижон ахли барча соҳа ва тармокларда ибратли натижаларга эришмоқда. Саноат соҳасини модернизация қилиш ҳисобидан вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кейинги етти йилда ўртача уч марта ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бу ерда фаолият курсатаётган «Женерал моторс – Узбекистон», «Андижон кабель», «Ўз авто аустем», «Қўргон текс» каби йирик корхоналар нафакат вилоят, керак бўлса, мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳам таъянч устунлари ҳисобланади.

Айниқса, «Женерал моторс – Узбекистон» автомобиль заводи Узбекистон саноатининг наинки локомотивларидан бири, айни вактда фахри, десак, хеч қандай муболаға бўлмайди. Ана шу улкан мажмуа мамлакатимиз учун мутлақо янги тармоқ бўлмиш автомобилсозлик саноатининг тамал тошини қўйган йирик замонавий корхона сифатида тарихга кирганини барчамиз яхши биламиз.

Кўпчилик шу залда ўтирганлар эсласа керак. 1992 йили мазкур заводни куриш ҳаракатини бошлаганимизда, мен Худо хоҳласа, уч йилдан кейин шу корхонада ўзимизнинг автомобилларимиз чиқа бошлайди, деб айтган эдим.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ушанда айрим бизни кўролмайдиган, менсимай қарайдиган кучлар, айниқса, узок-яқиндаги муҳолифларимиз бунга ишонмаган, бизга шубҳа билан қараган эди. Бу гапларнинг нақадар асоссиз экани, мустакиллик қўл-оёғи, онгу тафаккуридаги кишанлардан халос этган ўзбек халқи нималар-

га, қандай буюк ишларга қодир эканини, аввало, мана шу мажмуанинг меҳнат жамоаси, Андижоннинг азми қатъий, ғурури баланд одамлари исботлаб берди.

Бугунги кунга қадар бу корхонада 2 миллион 400 минг автомобиль ишлаб чиқарилди. Йилига 250 минг енгил машина тайёрланмоқда. Ҳозирги вактда юртимизда ҳар икки оиласдан биттаси енгил автомобилга эга экан, буларнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар экани, айниқса, эътиборлидир. Бу ерда ўзимизнинг коллежларимиз, олий ўкув юртларимизни битириб, чет элда малака оширган ёшларимиз илм-фанинг сўнгги ютукларига асосланган, мураккаб техника ва технологияларни моҳирона бошқармоқда.

Улар энг замонавий русумдаги, нафакат ички бозоримизда, балки халқаро бозорда ҳам талаб катта бўлган 8 турдаги енгил машиналарни ишлаб чиқараётгани, ўзингиз айтинг, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган шиоримизнинг амалдаги яққол ифодаси эмасми?

\* \* \*

Андижон вилоятида бугунги кунда 21 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 59 фоиздан зиёд бўлиб, меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоизи, яъни 1 миллион 45 мингдан ортиқ киши айни шу соҳада ишлаб даромад топмоқда.

Бундай ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлар фаолиятини кўллаб-куватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам ва

күмак бериш ўрнига уларга қандайдир ғаразли күз билан қараш, уларнинг йўлига турли-туман тўсиқ ва ғовлар кўйиш каби муаммолар борлигини ҳам афсус билан айтишга тұғри келади.

Албатта, биз бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун қонунларимизга тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш, вазифада ўтирган шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича тегишли ишларни олиб бормоқдамиз.

Бу ҳақда гапирганда, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, «Ишбилармон, мардлик ва шижаот соҳиби, азми катъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзал» эканини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг нафакат мустаҳкам таянчи, балки келажаги эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, соғлиқни саклаш соҳасидаги кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижасини кўрсатадиган катта-катта ракамларни ҳар бир туман, шаҳар ва кишлоқ бўйича кўп-кўп келтириш мумкин. Айни вактда ҳар бир рақам ортида қанчаканча юртдошларимизнинг саломатлиги, уларнинг хаёти тургани, айнан шундай ишларимиздан минглаб одамлар шифо топиб, оиласи бағрига, жамоасига кайтаётганини ўзимизга тасаввур киладиган бўлсак, эл-юртимизни, аҳолимизни рози қилишга қаратилган бу ишларнинг аҳамиятини баҳолаш ўзи қийин.

Шу сабабли биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ишлари-

мизни ҳеч қачон сусайтирмасдан, янада қатъият билан давом эттирамиз.

\* \* \*

Биз эришган ютукларимизни мустаҳкамлаб, замон билан ҳамкадам бўлиб яшаш учун янги марралар сари интилишимиз, тараққиёт йўлидан қатъият билан боришимиз зарур.

Агар биз шу йўлдан бормасак, тез суръатлар билан ўзгараётган тараққиётнинг бир чеккасида қолиб кетишимиш ҳам ҳеч гап эмас. Лекин, айтинглар, бу бизга ярашадими? Йўқ, албатта. Юртимиз, халқимиз, мана шу қадимий Бухоро аҳли ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрни қўллаб-кувватлайсиз.

\* \* \*

Иктисадиёт таркибини тубдан ўзгартиришдек ута муҳим масалаларни ҳал этиш, Бухоронинг саховатли заминида мавжуд бўлган табиий бойликлардан самарали фойдаланиш максадида мустакиллик йилларида вилоятда йирик Газ узатиш компрессор станцияси, «КНАУФ гипс – Бухоро» қўшма корхонаси, Ғиждувон темир-бетон ва Газли нефть қазиб чикариш корхоналари барпо этилди.

Бу ҳақда гапирганда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи хусусида алоҳида тұхталиб ўтиш зарур, деб биламан. Ушбу саноат комплексида 3 минг 600 нафардан зиёд юқори малакали ишчи ва муҳандислар томонидан йилига 2 миллион 500 минг тонна нефть қайта иш-

ланиб, катта ҳажмдаги ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Агарки биз совет даврида республикамиз эхтиёжини таъминлаш учун ҳар йили 6–7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта микдордаги валюта маблағларини сарфлашга мажбур бўлганимизни ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, мана шу йирик саноат комплексини ўз вактида, узокни кўзлаб бунёд этганимиз мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлашда қандай бекиёс аҳамиятга эга бўлганини англаш қийин эмас.

\* \* \*

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишда Бухоро вилояти ҳам ижобий натижаларга эришмоқда. Бунинг тасдиғини вилоятда ушбу соҳанинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши қарийб 66 фоизга етгани, иш билан банд бўлган аҳолининг салкам 78 фоизи айни шу соҳада меҳнат қилаётгани мисолида яккол қуриш мумкин.

Бундай ютукларни эътироф этган ҳолда, айтиш керакки, ҳозирги вактда вилоятда ушбу тармок, кўп жойларда бўлганидек, асосан савдо-сотик, хизмат ва алоқа соҳасида, кишлок хўжалиги маҳсулотларини кайта ишлаш бўйича ривож топмоқда.

Айни вактда биз саноат соҳасида, юкори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, фармакология ва фарма-

цевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, мұқобиыл энергетика, туризм каби күплаб соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга янада кенг йўл очиб беришимиз керак.

Бунинг учун Бухоро вилоятида барча шароит ва имкониятлар – хомашё ҳам, ресурслар ҳам, инсоний ва интеллектуал салоҳият ҳам етарлидир.

\* \* \*

Очиғини айтганда, бизда, Ўзбекистонда конкуренция, яъни ракобат деган нарса борми, ўзи? Бўлса ҳам, айрим соҳаларда бор. Бугун биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ниманинг ҳисобидан ривожлантиряпмиз, ҳимояляяпмиз? Аввало, божхона ставкалари ҳисобидан. Умуман, Ўзбекистонда бизнес эгалари бемалол ишлаши мумкин. Нега деганда, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан ракобатлашадиган товарларни четдан олиб келишга, яъни, teng ракобат шароитини яратишга биз ҳанузгача ўтганимиз йўк. Шундай шароитни яратиб берсак, Хитойдан, Туркиядан, бошқа мамлакатлардан келтирилган моллар билан бозорларимиз шундай тўлиб кетадики, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, тўғриси, ракобатлаша олмай қолади. Шахсан мен бизда ракобат – конкуренция бўлишини хоҳлайман. Шунда бозорларимизда энг харидоргир, энг сифатли маҳсулотлар янада кўпаяди. Лекин, бундай ракобат учун биз ўзимизда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган мустаҳкам техник, технологик пойdevor яратишимииз керак. Ҳозирги кунда биз айнан шунга интиляпмиз. Ўзбекча

айтганда, иқтисодиётимизнинг бели озгина бақувват бўлиб олсин, ундан кейин ҳар қандай рақобатга бардош берадиган бўлади.

\* \* \*

Агар иқтисодиётимизда давлат монополияси кучли бўлган эски даврдаги асоратлар ҳали-хамон тўла барҳам топмаганини инобатга оладиган бўлсак, хусусийлаштириш масаласи мамлакатимиз, жумладан, Бухоро вилояти учун ҳам қандай муҳим амалий аҳамиятга эга экани маълум бўлади. Масалан, кейинги беш йилда зарар кўриб ва самарасиз ишлаётган 73 та давлат корхонаси хусусий ёки корпоратив мулк шаклига ўтказилди. Бозор иқтисодиёти механизмларини оқилона қўллаш натижасида бу корхоналарнинг рентабеллиги, яъни самара билан ишлаши таъминланди.

Бошқача айтганда, ҳаётнинг ўзи бу энг тўғри йўл эканини кўrsатмоқда. Шунинг учун ҳам келгуси беш йилда яна 72 та шундай корхонани биржা савдолари оркали «ноль» қийматида инвесторларга сотиб, хусусий ёки акциядорлик жамиятлари шаклига ўтказиш мўлжалланмоқда.

\* \* \*

Биз Узбекистонда инвестиция сиёсатини олиб бориша баъзиларга ўхшаб осон йўлни қидирмадик. Яъни, четдан карз олишда етти ўлчаб, бир кесдик, ички бозорни турли-туман моллар билан тўлдиришга зўр бериб, олинган кредитларни, валюта маблағларини айрим давлатларга ўхшаб киска муддатда еб битирганимиз йўк.

Биз, аксинча, энг оғир, энг қийин, лекин келажаги бор йўлни танладик. Инвестицияларни, авваламбор, иктисолиётимизни тубдан ўзгартиришга, юкори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтиридик. Ва бугун ана шундай узокни кўзлаган ишларимиз қандай юксак самара бераётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

\* \* \*

Бухоро вилояти мисолида оладиган бўлсак, бу ерда кейинги етти йилнинг ўзида 9 миллиард 500 миллион доллар ҳажмида инвестиция киритилди. Бу рақамларни кимdir билади, кимdir билмайди. Келгуси беш йилда 7 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ инвестиция жалб этиш ҳисобидан бир қанча йирик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бугун ҳаёт чиндан ҳам жуда тез ўзгаряпти. Бир фараз қилинг, илгари Бухоро вилояти учун миллион доллар ажратилади, деса, бу рақамларнинг ўзи одамни ҳайратга соларди. Ҳозирги кунда эса, Бухоро вилоятiga, айтайлик, келгуси беш йилда қарийб 5 миллион доллар ажратиш ва уни шу ерда янги корхоналар куриш, уларни модернизация килиш учун сарфлаш ҳақидаги гап бизга оддий ҳол бўлиб туюлади. Сизларга қарасам, мана, сизлар ҳам бу гапдан ҳайратда колмаяпсиз. Гўё буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгандек. Балки бундай кайфият сизларнинг кадр-қимматингиз, ўз кучингизга бўлган ишончингиз ортиб бораётганидан далолат берар, лекин, барибир, мана шундай имкониятларнинг қадрига етиш, кечаги ҳаётни бугунги ҳаёт билан солиштириш керак.

Бухоро вилоятида амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари ҳақида гапирадиган бўлсак, қуидаги мисолларга эътибор беришингизни сўрардим.

Шу йилнинг ўзида Қандим ва Шимолий Шоди конларида йилига 2 миллиард 200 миллион куб метр ҳажмида газ қазиб олиш бўйича амалий ишлар бошланади. Айни вактда биз бу ерда янги замонавий комплекс, яъни Қандим газни қайта ишлаш мажмуасини бунёд этишга киришганимизни сизларга маълум қилмоқчиман.

Шулар категорида 2018 йилда Қумли конида компрессор станцияси куриш, Учқир конида газдан пропан-бутан олиш, газни тозалаш асосида олтингугурт ишлаб чиқариш бўйича муҳим лойиҳалар якунига етказилади. 2019–2021 йилларда эса катта ҳажмдаги инвестициялар ҳисобидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тубдан реконструкция ва модернизация килинади.

\* \* \*

Бухоро вилоятида ўтган 2014 йилда 74 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани, энг муҳими, кейинги йилларда биз жуда жiddий аҳамият бераётган колледж битириувчиларидан 23 минг 600 нафарини замонавий иш ўринлари билан таъминлаганимиз алоҳида эътиборга лойик. Нафакат иктисадий, авваламбор, сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу вазифа, яъни одамларнинг, айниқса, ёшларнинг тақдирини, келажагини ҳал киладиган, уларни турли номаъкул, хатарли йўллардан асрайдиган бу масалага эътиборни янада кучайтириш,

шу ишга мутасадди бўлган раҳбар ва хизматчиларнинг масъулиятини ошириш, бир сўз билан айтганда, бу масала доимий кун тартибида туриши зарур.

Айни шу муаммонинг тўғри ечимини топиш, ҳар қайси одамнинг куч-имконияти ва қобилиятига яраша иш топиб бериш, шу орқали уларни даромад билан таъминлаш ҳисобидан ҳалқимиз, аввало, қишлоқда яшайдиган аҳолини ҳаётдан рози қилиш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш мумкин.

\* \* \*

Барчамиз, аввалимбор, катта-кичик раҳбарлар бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим. Ҳар қайси оиласидаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг баркарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғлиқдир.

\* \* \*

Азиз дўстлар, ўзингиз яхши тушунасиз, инсон ҳаёти, унинг соғлиги бебаҳо бойлиkdir. Бир одамни, биргина гўдакни оғир касалликдан асраб, ҳаётини сақлаб қолишнинг ўзи шу соҳага сарфланган барча-барча маблағларни тўла окладиган, аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган энг улуғ, энг савобли ишдир.

Биз нафақат марказда, балки вилоят ва туманларимизда ҳам соғликни саклаш тизимини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, инсон умрини узайти-

ришга қаратилган бундай эзгу ишларни давом эттириш учун бундан буён ҳам барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

\* \* \*

Бугунги кунда демократик, эволюцион тараққиёт йўлидан ривожланиш энг мақбул ва самарали йўл эканини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Узбекистон ҳам ана шу йулдан бормоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳам мана шу демократиянинг муҳим бир шарти бўлиб, демократиянинг иқтисодиётдаги ифодаси – бу бозор иқтисодиёти. Бозор иқтисодиёти – бу эркин бозор демакдир. Яъни, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарсани талаб ва таклиф белгилайди. Бу – бозорнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Иқтисодиётда қачон инқироз содир бўлади? Қачонки, таклиф ошиб кетса-ю, эҳтиёж камайса. Ҳозирги глобал инқирознинг илдизи ана шу масала билан боғлик. Бундай пайтда баъзи давлатлар қўшимча пул чиқаришга уринади. Бунинг натижасида пулнинг киймати, қадри пасайиб кетади. У оддий қоғозга айланаб қолади.

Биз бу соҳада дунёда, ён-атрофимизда булаётган ўзгаришларни, албатта, билишимиз зарур. Узбекистоннинг машхур беш тамойилга асосланган тараққиёт йўлини изчил давом эттиришимиз керак... Биз ички иқтисодий сиёсатимизда ҳам, ташки иқтисодий алокаларимизда ҳам иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, унинг мафкурадан холилигини таъминлаш принципига бундан буён ҳам амал қиласиз.

\* \* \*

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация жараёнларини чукурлаштириш юксак технологиялар, инновацияларни талаб қилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиласыз. Жаңон тажрибаси, юксак даражада тараккүй этган мамлакатлар тажрибаси бу ҳақиқатни қайта-қайта исботламоқда. Мисол учун, АҚШ, Хитой, Япония каби давлатлар техник ва технологик янгиликтарни ишлаб чикаришга жорий этиш, янги патентлар бериш бүйича дунёда етакчи ҳисобланади.

Ана шу биргина мисолнинг ўзи ҳам қайси соҳада бўлмасин, ҳамиша янгиликка интилган давлатлар тараккиётнинг энг чўккисида бўлишини тасдиклайди. Бугун биз кимлар, қайси мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга интилмоқдамиз? Биз айнан янгиликка интиладиган, энг ривожланган давлатлар билан бирга ишлашга ҳаракат қиляпмиз.

Бугун шундай замон келдики, фақат битта тармок ҳисобидан халқни бокиши, иқтисодиётни ривожлантириш амримаҳол. Фақат бир соҳа ёки тармоқка ишонган давлатнинг келажаги шубха остида қолади. Агар, бир вактлардаги каби, биз – агар мамлакатмиз, деб, фақат пахта, ғалла ёки сабзавот этиширишга зўр бериб, яшайдиган бўлсак, бу – калтабинлик бўлади. Бугунги кунда дунё бозоридаги вазият, конъюнктура шундай тез ўзгаряптики, бирон нарсани олдиндан кўриш, айтиш ўзи мураккаб бўлиб боряпти. Мисол учун, кеча пахта толасининг 1 тонаси 2 минг 100 доллар баҳоланган бўлса, бугун уни 1 минг 200 доллардан сотиш ҳам мушкул бўлиб қолди. Эътибор беринг,

икки йилда пахтанинг нархи 900 долларга тушиб кетди. Агар фактат пахтага ишониб юрадиган бўлсак, бу зарарни ниманинг ҳисобидан қоплаймиз? Бу масала-нинг қандай ечими бор ва уни ким ечади?

Шу маънода, иктиносидиётда бирёклама сиёsat олиб бориш, дейлик, фактат қишлоқ хўжалигига боғланиб колиш – хавфли ҳолат.

\* \* \*

Биз бундан икки йил олдин вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш максадида «Жиззах» маҳсус индустриал зонасини ташкил этганимиз нафақат Жиззах вилояти, балки бутун мамлакатимиз иктиносидиётидаги улкан қадам бўлди. Ушбу саноат ҳудудида қисқа муддатда зарур ишлаб чиқариш тармоқлари ва инфратузилмалари барпо этилди. Якин вақт ичида бу ерда замонавий майший буюмлар, тикув машиналари, қуёш энергияси ускуналари, энергия тежайдиган лампалар, мобиЛЬ телефонлар, телекоммуникация тармоқлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилади.

Энг асосийси, бундай лойиҳалар касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битирган 750 нафардан ортиқ ёшларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Нафақат иктиносидий, керак бўлса, ижтимоий ҳаётимизнинг ўта муҳим белгиси, курсаткичига айлануб бораётган ана шундай лойиҳаларни, авваламбор, вилоят ёшларининг билим ва малакаси, истеъоди ва маҳорати, куч-ғайратига таяниб амалга ошираётганимиз ўғил-қизларимизнинг бугун биз орзу килган

ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганинг яққол тасдиғидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

\* \* \*

Жаҳон тажрибаси, мустакиллик йилларидағи ўз тажрибамиз кўрсатмоқдаки, айнан хусусий мулк инсонда изланиш, интилиш ва ташабbus уйғотади, эркин ва бадавлат яшаш, шу тариқа мамлакат ривожига хисса кўшиш учун замин туғдиради.

\* \* \*

Айтиш керакки, инвестиция масаласи – бу жуда нозик масала. Бу борада оддий, айни пайтда ечими мураккаб бўлган саволлар устида чукур ўйлаб иш олиб бориш лозим.

Мустакилликнинг биринчи кунларидан бошлаб бизга маблағ беришга тайёр бўлган мамлакатлар кўп бўлди. Лекин биз бу масалада ҳеч қачон шошилмадик, етти ўлчаб, бир кесдик.

Бу дунё шундайки, бирорта мамлакат бошқа давлатга бекордан-бекорга, беғараз пул, маблағ бермайди. Аввало, ўз манфаатини кўзлайди. Айниқса, бизнес дегани шундай нозик соҳаки, фойда топишига кўзи етмайдиган одам ҳеч қачон бир жойга пул сарфламайди.

Ўзбекистон ер ости ва ер усти бойликларининг улкан захираларига эга экани ҳаммага яхши маълум. Бунга кўз тикиб, харидор бўлганларнинг сони ҳам вактида жуда кўп эди. Лекин Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқалардан шу жиҳати билан фарқ килдики, бизга факат маблағ эмас, бизга замонавий

технологиялар керак, деган принцип асосида сиёсат олиб бордик. Хорижлик ҳамкорларимиз билан шу йўсинда музокаралар килдик, отанг яхши, онанг яхши, деб уларни кўндириб, энг замонавий корхоналарни юртимишга олиб келдик.

Мана энди, айни шундай оқилона сиёсат олиб борганимиз учун, ҳеч кимдан қарзимиз йўқ.

Биз хорижий компаниялар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни чертиб-чертуб танлаймиз, шундан кейин биргаликда иш олиб борамиз.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, керак бўлса, ҳар куни матбуот, телевизор орқали куряпмиз, бугунги кунда ишсизлик масаласи бутун дунёда энг катта муаммога айланиб бормокда. Ҳатто энг ривожланган давлатлар, хусусан, Европа мамлакатларида ҳам бунинг таъсири, аломатлари якъол кўзга ташланмоқда. Европадаги етакчи мамлакатларда 8–9 фоиз, баъзиларида эса ҳатто 20 фоизгача одам ишсиз экани кузатилмоқда.

Шундан хулоса қилган ҳолда, биз бу борада мунтазам равишда иш олиб боришимиз, одамлар учун баркарор даромад манбаи, муносиб иш ўринларини яратиб бериш масаласи доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.

Бугунги кунда шу йўлда холисона хизмат қилиб – бу ўз хусусий корхонасини очиб ёшларни ишга олаётган тадбиркорлар буладими, уларга касб-хунар ўргатаётган ишбилармонлар буладими, бу ишларга бош-кош бўлаётган мутасадди ва ходимлар буладими – бундай эзгу вазифага муносиб хисса қушаётган бар-

ча инсонларнинг ҳар бирига раҳмат айтишга ва уларга керакли ёрдамни беришга биз бундан буён ҳам тайёрмиз.

\* \* \*

Коллежларни битирган болаларни ишга жойлаштириш мажбуриятини, мана, бугун давлатимиз ўз зиммасига оляпти. Ҳозирги кунда биз вилоят ва туман ҳокимларининг фаолиятига ана шу масалани ўз худудида қандай ҳал қилаётганидан келиб чикиб баҳо беряпмиз. Ёшларимизнинг барчасини teng кўриш, уларнинг бой ва камбағалнинг боласига ажралиб қолишига йўл кўймаслик, ўқишни битиргач, ҳар бирини ишга жойлаштириш давлат ва жамиятнинг, отоналар ва ҳаммамизнинг бурчимиз.

\* \* \*

Маълумки, Наманган замини қадимдан тўкимачилик, пойабзал тикиш, темирчилик, ганчкорлик, дурдгорлик, ўймакорлик билан шуғулланадиган мохир хунармандлари, устахона ва дўконлари билан бутун минтақамиизда машхур бўлган. Ишбилармонлик, тадбиркорликнинг бундай ноёб анъана ва сирлари Наманган ахлининг қон-қонида бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини ҳурмат билан таъкидлаш ўринлидир.

\* \* \*

Наманган вилоятида илгари давлат корхонаси ва обьекти ҳисобланган, кейинги йилларда хусусий ёки корпоратив мулк шаклига ўtkазилган 70 та корхона-да рентабеллик ошган. Нега деганда, хусусий корхона

на эгаларида моддий манфаатдорлик түйгүси, үз мулки, үз меҳнатининг пировард натижаси учун куюниш ҳисси кучли булиши ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам яқин беш йилда яна 190 та корхонада давлат улушини камайтириб, уларни хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш мўлжалланаётган экан, бу харакатни фақат қўллаб-куватлаш керак.

\* \* \*

Бугунги кунда ҳар қандай ҳалқ ва давлатнинг ҳаёт ва тараққиёт даражасини кўрсатадиган муҳим омиллардан бири – бу иқтисодиётнинг қон томири бўлган замонавий транспорт-коммуникация тармоқлари экани ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада биз учун тарихий аҳамиятга эга бўлган «Ангрен – Поп» йўналиши бўйича янги темир йўл тармоғининг фойдаланишга топширилиши йилига 20 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш ва транзит хисобидан 140 миллион доллар маблағни тежаш имконини беради.

Албатта, бу йўлнинг стратегик, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин энг муҳими, бу йўл Фарғона водийси, жумладан, Наманган вилоятидаги минг-минглаб юртдошларимизнинг узоғини яқин, оғирини снгил қилишга хизмат киласди.

\* \* \*

Бепоён Қизилкум бағридаги қазилма бойликларни – бу олтин, кумуш, уран, темир ёки табиий газ бўладими, нефть ёки минерал тузлар бўладими – бу-

ларнинг барчасини санайдиган бўлсак, рўйхатнинг охири кўринмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рангли металларнинг асосий қисми, цементнинг 45 фоизи, минерал ўғитларнинг 30 фоизи, электр энергиясининг 16 фоизи айнан Навоий вилояти хиссасига тўғри келади.

Иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг иқтисодий салоҳиятини саклаб қолиш, уни эл-юртимиз манфаатлари йўлида ишлатиш учун мустақилликнинг дастлабки йилларида – ўта оғир ва мураккаб даврда сизлар билан бирга қандай катта ишларни амалга оширганимизни, ўйлайманки, кўпчилик яхши билади. Шулар қаторида Навоий азот заводи, цемент корхонаси, Зарафшон ва Учкудуқдаги олтин, уран ва бошқа йирик корхоналар ҳакида ҳам узок гапириш мумкин.

Навоий вилоятининг улкан иқтисодий ва транзит имкониятларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида хорижлик ҳамкорларимиз билан биргаликда, «Навоий» эркин индустрιал-иктисодий зonasи ва халкаро транспорт логистика марказини ташкил этганимиз, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилишда тўғри ва самарали йўл бўлганини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

\* \* \*

Бир пайтлар Ўзбекистонда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳаммаси булиб 14 фоизни ташкил киларди. Бугунги кунда ушбу курсаткич 25 фоиз-

ни ташкил қилмокда. Яъни, тарихан қисқа даврда биз саноатнинг жадал суръатлар билан баркарор ўсишига эришмоқдамиз.

Ана шу фикрларнинг амалий тасдиғини Самарқанд вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, кейинги йилларда бу ерда жаҳондаги нуфузли фирма ва компаниялар билан ҳамкорликда ички бозорда ҳам, ташки бозорда ҳам ракобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган 100 дан зиёд замонавий корхона ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, Германиянинг «МАН авто» компанияси билан ҳамкорликда Жомбой туманида қурилган йирик заводда тайёрланаётган машиналар кўпчиликка яхши маълум. Йилига 4 минг 600 га яқин юк автомобили ва 1 минг 350 дан ортиқ прицеп ишлаб чиқаришга ихтинослашган бу қўшма корхонада бугунги кунда 600 нафарга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда. Ўзимизнинг болаларимиз мана шундай мураккаб технологияга асосланган корхонани моҳирлик билан бошқариб, юксак сифатли замонавий маҳсулот ишлаб чиқараётгани, шахсан мени жуда кувонтиради.

Самарқанд шаҳридаги яна бир йирик автомобиль заводи – «Самавто» корхонасида кейинги уч йилда модернизация ишлари олиб борилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 1,5 баробар оширилди. Ҳозирги кунда 1000 дан зиёд киши меҳнат килаётган бу заводда беш хил русумдаги автобуслар, 8 турдаги юк автомобиллари, 35 хил кузовлар ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятда ана шу ишларни изчил давом эттиришга қаратилган ўнлаб лойиҳаларни амалга оши-

риш белгиланмокда ва табиийки, буларнинг барчаси Самарқанднинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, аҳоли турмушини фаровон килишга хизмат килади.

\* \* \*

Азал-азалдан ҳунармандлик, тадбиркорлик ва уддабуронлик фазилатлари билан ном қозонган, ишнинг негизини биладиган Самарқанд аҳли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида эътиборга лойик натижаларга эришмокда. Бугунги кунда вилоятда 13 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмокда. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 77 фоизни ташкил этмоқда. Меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоизи, яъни 1 миллион 170 мингдан зиёд киши айни шу соҳада меҳнат килаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

\* \* \*

Инвестиция, четдан қарз олиш борасида бир мақолни олиб келсак, ўринли бўлади: «Бирор жойга киришдан олдин чиқишни ўйлаш керак». Яъни, қарз олишдан олдин қайтаришни ўйлаш зарур.

\* \* \*

Биз Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкент – Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Тальго» поезди қатновини йўлга қўйдик. Мана шу улкан лойиҳанинг ўзи одамларга қулайлик яратиш, уларнинг вактини тежаш, узогини яқин қилиш билан бирга ҳалқимиёнинг ҳаёт даражаси қанчалик ошганининг ёркин намунаси бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга кўшиласиз.

\* \* \*

Сирдарё вилояти саноатидаги йирик корхоналар ҳакида гапирганда, аввало, мамлакатимизда ишлаб чикарилаётган электр қувватининг қарийб учдан бир кисмини етказиб бераётган Сирдарё иссиқлик электр станциясини тилга олиш ўринлидир. Кейинги йилларда ана шу йирик мажмууда 60 миллион доллар инвестиция ҳисобидан иккита энергия блоки модернизация килингани унинг ишлаб чикариш қувватини оширишга катта хисса бўлиб қўшилди.

Вилоятда саноат тармокларини диверсификация ва модернизация килиш, ишлаб чикаришга юкори технологияларни жорий этиш ва импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чикариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Айникса, Сирдарёда «Жиззах» маҳсус индустрисал зонасининг худудий филиали ташкил этилгани, вилоят иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартиришга янги қудратли туртки берди, десак, муболаға бўлмайди.

\* \* \*

Мана, аҳолимиз сони тобора ўсиб боряпти, мингминглаб фарзандларимиз ҳаётга кириб келяпти, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам тобора ортиб бормоқда. Лекин еримиз, сув ресурсларимиз кўпаяётгани йўқ. Шуларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда, янги-янги саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантириш ҳисобидан замонавий иш ўринларини кўпайтириш вазифаси доимо кун тартибида туриши, бу борада мутасадди раҳбар ва ходимларнинг ташаб-

бус ва изланувчанлигини, масъулиятини оширишимиз шарт.

\* \* \*

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари юртимиздаги тинчлик ва баркарорликнинг мустаҳкам таянчи бўлган ўрга синф сифатида майдонга чиқаётгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг энг катта ютуғимиздир. Лекин шу билан бирга, сир эмаски, баъзан тадбиркорлик фаолиятига ноконуний аралашиш, уларнинг йўлига турли сунъий тўсиклар кўйиш билан боғлик ҳолатлар, афсуски, ҳали-бери учраб туриди.

Бундай ҳолатларни таг-туби билан йўқотиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик учун янада кенг йўл очиб бериш, давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёзларни амалда жорий этиш учун, авваламбор, вазифада ўтирган мансабдорлар, ҳукук-тартибот ва назорат идораларининг масъулиятини ошириш зарур. Чунки, бу нафакат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий масаладир.

\* \* \*

Сурхондарёда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар ҳакида гапирганда, халқаро стандартларга жавоб берадиган 336 километрлик автомобиль йўлларини барпо этиш, халқаро аҳамиятга эга бўлган «Карши – Термиз» автомобиль йўлини реконструкция килиш белгиланганини айтиш лозим.

2017 йилда яна бир йирик лойиҳа – «Карши – Термиз» темир йўл тармоғини электрлаштириш ниҳоясига

етказилади ва бунинг натижасида юк ташиш харажатлари ўртача 20 фоизга камайиб, йоловчи ва юк ташиш тезлиги 1,5 баробар ошади.

\* \* \*

Мамлакатимизнинг бошка минтақалари каби Тошкент вилоятида ҳам мавжуд катта иктисадий салоҳият, ер ости ва ер усти бойликларидан эл-юртимиз, аввало, шу ерда яшаётган инсонлар манфаати йўлида янада самарали фойдаланиш, ана шу вазифаларни ҳал қилиш учун барча имкониятдан фойдаланиб, замоннинг ўзи талаб қиласиган энг замонавий корхоналарни куриш, ривож топган давлатларга ўхшаб, аввало, саноат соҳасини тараккий топтириш – бугунги кунда энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу ерда ёкилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё, курилиш индустрияси, кишлoқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича иктисадиётимизнинг локомотиви бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга зътибор берилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод шахридаги Узбекистон металлургия комбинати реконструкция килинганини, 40 дан зиёд турдаги минерал ўғитлар ва бошка турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мослашган «Максам-Чирчик» корхонаси нафакат мамлакатимизда, балки бутун минтақамиизда ўз маҳсулотлари билан маълум ва машхур эканини айтиш лозим.

Америка Кўшма Штатларининг дунёда кўзга кўринган «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги ҳудудида ноёб бўлган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий завод тараққиётимиз йўлида, авваламбор, минглаб ёшлирамиз олдида янги уфқ ва имкониятларни очиб бергани билан ҳурматга сазовордир.

Мамлакатимизда барпо этилган ва барпо этилаётган мана шундай замонавий корхоналарда Ўзбекистоннинг келажаги яратилмоқда. Мана шундай корхоналар, мана шундай ёшлар бизнинг келажакка катта ишонч билан қарашимиз учун мустаҳкам замин туғдирмокда, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. «Женерал моторс» билан ҳамкорликда қурган заводимизда бўлганда, одам ҳайратда қолади. Институтни битирган ёш йигитлар компьютерлаштирилган автоматик линияларда ишляяпти. Бу иш сизларни ҳар томонлама кизиктирадими, деб сўрасангиз, улар, ҳеч иккиланмасдан, бундай иш қизиктирмаса, яна қандай иш қизиктириши мумкин, деб жавоб беради. Биз ёш авлод тарбиясида нималарга эришганимизни шу мисолнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

\* \* \*

Тошкент вилоятида «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасини ташкил этганимиз нафақат воҳа ривожида, балки бутун шаркий миңтақаларимиз тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Бугунги кунда ушбу

махсус индустриал зонада хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда күпгина йирик лойихалар амалга оширилмоқда.

Мен бу ҳақда узок гапирмасдан, фақат уларнинг биттаси ҳақида айтиб ўтмокчиман. Бу енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун шиналар ва конвейер лента ишлаб чиқаришга қаратилган, қиймати қарийб 184 миллион долларга тенг бўлган йирик лойиха бўлиб, ҳозирги кунда уни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бораётганимиз, айниқса, катта аҳамиятга эга.

\* \* \*

Айнан хусусий мулк инсонда изланиш, интилиш ва ташабbus уйғотади, эркин ва бадавлат яшаш, шутариқа мамлакат ривожига ҳисса қўшиш учун замин туғдиради. Ҳаётнинг ўзи бу борадаги ишларни янада изчил давом эттиришни талаб этмоқда. Шу маънода, келгуси икки йилда Тошкент вилоятида 254 та корхонада давлат улуши камайтирилиб, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилиши кандай катта аҳамиятга эга эканини, албатта, барчамиз яхши тушунамиз.

\* \* \*

Тошкент воҳасининг саховатли заминида топилмайдиган табиий бойликнинг ўзи йўқ, десак, муболаға бўлмайди. Вилоятда ривожланган ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмалар мавжуд. Энг муҳими, бу ердаги юксак интеллектуал салоҳият, ҳаёт синовларида тобланган, ишнинг негизини биладиган, меҳнаткаш инсонлар билан

хар кандай мураккаб ва улкан лойиҳаларни амалга ошириш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 45 фоизи, пўлат ва металл прокатнинг 100 фоизи, рангли металларнинг асосий қисми айнан Тошкент вилоятининг хиссасига тўғри келаётгани ҳам бу ерда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қандай қулай муҳит яратилганини тасдиклайди.

Утган даврда вилоят бўйича биргина енгил саноат соҳасида энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган 19 та янги қувват ишга туширилгани, 162 тадан зиёд янги корхона ташкил этилиб, 66 та корхона эса модернизация қилингани, энг асосийси, 16 мингта янги иш ўрни яратилгани «Инвестиция – бу тараккиёт гарови» деган ҳақиқатнинг амалий ифодаси, десак, хато бўлмайди.

\* \* \*

Тадбиркорларга яратиб берилаётган имтиёз ва кенг имкониятлар натижасида Тошкент шаҳри аҳолисига кўрсатилаётган хизмат турлари кенгаймоқда. Айниқса, мобиъл алока, юкори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телеалока, электрон шаклдаги банк хизматлари каби юкори технологияларга асосланган замонавий хизмат турлари тобора оммалашиб бормоқда.

Нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун Ўзбекистонимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни дунёнинг ривожланган мамлакатлари, биринчи навбатда, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой,

Жанубий Корея каби давлатлар тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда янада ривожлантириш масаласи бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

\* \* \*

Дунё бозори буғунги кунда тўлик булиб олинган. Бу бозорнинг эгалари кимлар эканини яхши биласиз. Улар ўз бозорига бегонани киритмайди, киритса ҳам, оғир шартларни кўяди. Дунё бозорига чиқишининг энг маъқул йўли чет эллардаги энг йирик ва нуфузли фирма ва компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, қўшма корхоналар тузиш ҳисобланади. Бизнес оламида энг катта муаммо нимада, деб сўрасангиз, маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки уни сотиш, сотиш, яна бир бор сотиш, харидор топиш, деб айтган бўлардим. Кўшма корхоналар бизга ташки бозорга йўл очади ва биз ишлаб чиқарган маҳсулотни сотишда кийналмаймиз.

\* \* \*

Тошкент шаҳрида сўнгги етти йилда 60 миллиард 500 миллион сўм миқдорида инвестиция жалб килиниб, 8 та кўптармоқли шифохона ва оиласий поликлиника курилди, 9 та шифо масканида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Пойтахтдаги Кўз микрохирургияси, Урология, Кардиология ва Хирургия каби ихтисослашган тиббий марказлар нафакат шаҳар ахолиси, балки бутун ҳалқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса кўшмоқда.

Бу марказларда юксак технологиялар асосида ультратовушли, лазер нури билан даволаш, кўкрак

қафасини очмасдан, юрак-кон томирларини даволаш каби мураккаб тиббий операциялар амалга оширила-ётганининг ўзи қанча-қанча юртдошларимизга чет элларга бориб овора бўлмасдан, ўзимизда дардига даво топиш имконини бермоқда.

Шунинг ҳисобидан минглаб одамлар шифо топиб, оиласи бағрига, жамоасига қайтиб келганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, эл-юртимизни, аҳолимизни рози қилиш учун қандай катта савобли ишларни адо этаётганимиз аён бўлади.

Бизнинг максадимиз энг ривожланган давлатлардан замонавий асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ўзимизда энг мураккаб операцияларни амалга оширишдан иборат экани ҳакида мен илгари ҳам кўп айтганман. Бундай асбоб-ускуналарни сотиб олиш эмас, ишлатиш муҳим. Шифо истаганларни, фарзандларимизни, қарияларимизни Германия ёки Жанубий Кореяга юбормасдан – биласиз бу қанча маблағ ва оворагарчилик дегани – ўзимизда даволаб, оғирини енгил қилишимиз керак. Шунда улар ҳётдан, биздан рози бўлади, қанча-қанча дуо оламиз. Бу борада ҳам максадни, маррани баланд қўйишимиз лозим. Токи Германия ва Жанубий Кореядан шифо истаганлар энди бизга келсин, бизнинг клиникаларимизда ўзларига даво топсин!

Шунинг учун ҳам бу йўлдаги ишларимизни ҳеч қачон сусайтирмасдан, янги босқичда давом эттирамиз.

\* \* \*

Маълумки, «Олтин водий» деб ном олган гўзал минтақанинг юраги бўлган Фаргона вилояти ўзининг

ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоклари, бой меңнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Бутун юртимизда бўлгани каби бу ҳудудда ҳам кейинги йилларда баркарор ўсиш суръатлари таъминланиб, турли соҳаларда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

\* \* \*

Бу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши эслайди, биз янги тарихимизнинг ўта мураккаб бир даврида мамлакатимиз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Қамчик довонида замонавий автомобиль йўлини бунёд этишга эришдик. Айтиш керакки, бу йўл Фарғона водийси вилоятларини баркарор ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ҳозирги кунда бу йўлдан кунига 20 минг автомобиль катнамоқда, йилига 103 миллион тонна юк ташилмоқда.

Шу борада яна бир ўта муҳим лойиҳа – 123 километрлик «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилиши жадал олиб борилаётганидан барчангиз хабардорсиз. Бу темир йўлнинг 19 километри денгиз сатҳидан 1 минг 465 метр ба-ландликда жойлашган мураккаб тоғ тизмаларини кесиб ўтадиган тоннелдан иборат. Бу Ўрта Осиёда ва Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигига энг узун замонавий тоннель ҳисобланиб, дунё миқёсида эса 13-ўринда туради.

Ушбу темир йўл Европа билан Осиё китъаларини ўзаро боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг ўта муҳим узвий бўғинига айланади. Шу тариқа

Тошкентдан Фарғона водийси вилоятлариға юқ ташиш вакти 2 баробар қискаради, юқ ташиш тарифлари, яъни қимматлиги эса салкам тұрт марта камаяди. Яна бир мұхим жиҳати – 1,5 мингдан ортиқ янги иш үрни яратилади.

\* \* \*

Хоразм вилояти үзининг иқтисодий салоҳияти, меҳнат ресурслари, интеллектуал ва маънавий имкониятлари билан мамлакатимиз ривожида мұхим үрин тутишини қайд этиш жоиз.

Вилоядта сўнгги йилларда баркарор ривожланиш суръатлари таъминланиб, ялпи худудий маҳсулотнинг 1,8 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажмининг 2,3 марта ўсишига эришилди. Бошқача айтганда, бу борада вилоят мамлакатимизнинг ўсиш суръатлари билан ҳамқадам бўлиб бораётганини таъкидлаш лозим.

\* \* \*

Тадбиркорликни изчил ривожлантириш мақсадида яратилаётган имтиёз ва преференциялар Хоразм вилоятида ҳам үзининг амалий самараларини бермокда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши қарийб 74 фоизни ташкил этмоқда. Иш билан банд аҳолининг 79 фоиздан ортиғи ёки 540 мингга яқин киши ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Агар бу ракамларни мамлакатимиз курсаткичлари билан солиширадиган бўлсак, Хоразмда бу борада эътиборга лойик натижаларга эришилгани аён бўлади.

Бунга тўлиқ баҳо берадиган бўлсак, бунинг ортида минг-минглаб одамларнинг розилиги ва миннатдорлиги ётганини ҳисобга олсак, адолатдан бўлади.

\* \* \*

Ўзингиз фараз килинг, биз ўз вақтида хусусий мулк ривожига устувор масала деб қарамаганимизда, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси учун қулай шароитлар яратиб бермаганимизда, шу асосда минг-минглаб корхоналар ташкил қилмаганимизда, меҳнатга ярокли аҳолининг 75 фоизи, авваламбор, ёшларимизни қандай иш билан банд килар эдик? Маълумки, катта-катта заводлар барпо этиш ҳисобидан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди. Нега деганда, бундай корхоналарнинг фаолияти автоматлаштирилган ва кўпроқ техника кучи билан боғлиқ бўлади. Корхона қанчалик йирик бўлмасин, асосий ишни техника бажаради.

Кичик бизнесда эса ҳаракатлантирадиган, унга кучкуват берадиган омил – бу, биринчи навбатда, инсон, унинг ташаббускорлиги. Ташабbus бўлмаган жойда кичик бизнес ўлади.

Агар ташабbus бўлмаса, янги ташкил этилган корхона бозордаги талаб ва таклиф тез ўзгараётган бугунги кунда бир йил, ошиб борса, бир ярим йил яшайди, кейин тамом, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Нега деганда, унинг маҳсулотларини бозорнинг ўзи қабул килмай кўяди.

Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни замон талаблари асосида тарақкий эттириш Ўзбекистон учун доимо ҳал қилувчи ўринда бўлиб колади.

\* \* \*

Бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаётган экан, бунинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Бунинг боиси – аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари накадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидадир.

Бунинг боиси – биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

**КИШЛОҚ ТАРАҚҚИЙ ТОПСА,  
ЮРТИМИЗ ОБОД, ҲАЁТИМИЗ  
ЯНАДА ФАРОВОН БҰЛАДИ**



---

Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Она Ватан деган улуғ ва мукаддас тушунча одамзод учун гүёки қишлоқ тимсолидан бошланади.

...Халкимизнинг ризки рўзи, насибаси аввало далаляримизда захматкаш дехконларимиз томонидан етишириладиган маҳсулотлар, озик-овкат ва нозу неъматлар билан ўлчанади. Лўнда килиб айтганда, ҳар бир онгли инсон қайси жойда, юртимизнинг қайси чеккасида яшамасин, албатта ўзининг, оиласининг ҳаёти қишлоқ замини билан чамбарчас боғланганини сезиши, тушуниши табиий, деб ўйлайман.

\* \* \*

Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кутариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож кўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб килаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.

\* \* \*

Юртимизнинг янада обод, халкимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлик.

\* \* \*

Ерни қанча қадрлаб, қанча эъзозласак, у бизга шунча кўп ризқу насиба ва неъмат бераверади.

\* \* \*

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Чунки Шарқда азалдан яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, ернинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган.

\* \* \*

Мен ўзбек дехқонининг меҳнати – бу ҳақиқий қаҳрамонликдир, деб айтишдан ҳеч қачон чарчамайман.

Ўзбек дехқонига тенг келадиган заҳматкаш ва миришкор инсонларни дунёда топишнинг ўзи қийин.

\* \* \*

Кишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириш – бутун ҳаётимизни ўзгартириш демакдир.

\* \* \*

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири – бу еримиз, тупроғимиз унумдорлигини доимий равища ошириш билан боғлиқ экани барчамизга яхши аён. Бу мақсадга эришиш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек ута долзарб масалаларга эътиборни яна-да кучайтириш талаб этилади. Яъни, ер дехқонни боқади, дехқон эса элни боқади, деган ҳикмат ҳамиша дикқатимиз марказида туриши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятимиз мезонига айланиши даркор.

\* \* \*

Бугун ҳеч кимга сир эмас, барчамизнинг ризку рўзимиз, кишлоқ хўжалигимизнинг ривожи еримиз, тупроғимиз унумдорлигига, авваламбор, унинг шўрланишини пасайтиришга боғлиқ. Агар 6 йил олдин – 2009 йилда мамлакатимиз миқёсида ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган, жуда катта маблағни талаб қиласидан маҳсус лойихани амалга оширишни бошламасак, бугунги кунда ерларимиз қандай ҳолатда бўлар эди?

Буни ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас. Яна бир шартни тушуниб олишимиз даркор. Бундай улкан, жуда катта сармоя ва маҳсус техникани ўзига талаб қиласидан лойихани хўжаликлар елкасига юклаб қолмасдан, бу ишни фақатгина давлат ўз зиммасига олиши зарурлигини барчамиз англаш олдик.

\* \* \*

Ўзбекистонда 4 миллион 300 минг гектар сугориладиган ер бор. Унинг катта қисми – 80–85 фоизи шўрланган, 60 фоизи кучли даражада шўрланган. Биз триллион-триллион, миллиард-миллиард сўм маблағларни шу муаммони ечишга сарфламаганимизда, айтинглар, ниманинг ҳисобидан ўзимизни бокар эдик? Энг муҳими, биз бу борада ушбу муаммони хўжаликларнинг ўзи ҳал қилсин, деган номаъқул карашга мутлақо чек қўйишга ҳаракат қилдик. Ҳакиқатан ҳам, катта-катта маблағларни, энг замонавий техникани талаб қиласидан бу ишни хўжаликлар ўзича ҳал қила оладими? Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам биз бу борада, аввало, эй, барака топкур, бундай

улкан лойиҳаларни фақатгина давлатнинг кучи, кўл-лаб-кувватлаши билан амалга ошириш мумкин, деб, одамларнинг дунёкарашини ўзgartиришга эришдик.

\* \* \*

Коракалпоғистон Республикасида кейинги йилларда давлат бюджетидан ажратилган 132 миллиард сўм ҳамда 60 миллион долларлик хорижий инвестициялар ҳисобидан 300 минг гектардан зиёд ернинг, яъни республикадаги кариб 60 фоиз сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг натижасида уртacha ҳосилдорликни пахта буйича икки центнерга, ғалла буйича уч центнерга оширишга эришилди. Агар бу рақамларни минг-минг гектар миқёсида ҳисоблайдиган бўлсак, ана шу ишларимизнинг салмоғи ва самараси якқол аён бўлади...

\* \* \*

Мамлакатимиз буйича келгуси беш йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 1 триллион 860 миллиард сўм, ирригация тармокларини модернизация килиш учун 3 триллион 144 миллиард сўм ва 584 миллион долларлик хорижий инвестицияларни йўналтириш режалаштирилгани бу масала доимо эътиборимиз марказида булиб колишини курсатади.

Бухоро дехконлари қандай оғир ва мураккаб иклим шароитида меҳнат килишини барчамиз яхши била-миз. Экин майдонларининг аксарият қисми кучли шурлангани, ёзning жазира маҳаллалари – гармсел ва кум бўронлари – бундай синовларга ҳамма ҳам чидолмайди. Бухоронинг миришкор дехконлари ана шундай

қийинчиликларни енгиб, мұл ҳосил етиштириб, бозларимиз, эл-юртимиз дастурхонини тұлдириб келәётгани – ҳақиқий меңнат жасоратининг намунасыдир.

Керак бұлса, бундай инсонлар бизнинг ҳаёти-мизнинг айни таянч устунлари, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

\* \* \*

Бу залда үтирган ҳурматли оқсоколларимиз яхши билади, бир вактлар мелиорация ва ирригация масалалари ҳакида ҳар қадамда гапирадик. Ўзбекистонда алоҳида мелиорация вазирлиги ҳам бор эди. Бу идорада ишлайдиган мутасадди раҳбарлар оғзини кўпиртириб мақтанишдан нарига ўтмасди. Демокчиманки, муаммонинг, масаланинг туб илдизига етиб бориш ва уни ҳал қилиш ўрнига ишга юзаки караш, хисоботбозлик устунлик қиласди. Лекин бу соҳадаги ишларни аслида қандай ташкил қилиш, уларнинг Ўзбекистон учун, кишлокда яшайдиган миллионлаб одамлар учун накадар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч ким очиқ айтмасди. Ҳаммаси хўжакўрсинга эди. Акс ҳолда, ўзингиз айтинг, юртимиздаги шурланган ерлардан беш-олти миллион тонна пахта берасан, ҳосилдорликни 28–30 центнерга етказасан, деган талабларни қандай кўйиш мумкин эди?

Москвага бориб, Ўзбекистонда сув масаласини ечмасак, авваламбор, ирригация ва мелиорация соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилмасак, ҳосилдорликни ошириб бўлмайди, нафақат далаларимизни,

балки ҳаётимизни ҳам шўр босиб кетди, кулогимизгача тузга ботиб қолганмиз, деган масалани ўртага қўядиган бўлсак, «Сизларга шунча пулни ким топиб беради?» деган гапни эшитардик.

Ўзимизнинг баъзи раҳбарлар нима киларди? Ирригация ва мелиорация ишларини колхоз ва совхозларнинг елкасига ташлаб қўярди. Ўзингиз айтинг, коллектор ва дренаж тармоқларини, айниқса, горизонталь ва вертикал дренажларни эътиборга оладиган бўлсак, бу ишларни ташкил қилишга хўжаликларнинг кучи ва имконияти етармиди?

Шу боис биз бугун бу масалада тамоман бошқача йўл тутяпмиз. 2009 йилда бу масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйиб, амалий ишларга киришдик, қайси вилоятда қачон ва қандай, қанча ҳажмда иш бажаралишини аниқ белгилаб олдик. Нега деганда, бу борада Хоразм вилояти ёки Қорақалпоғистондаги аҳвол билан, дейлик, Фарғона водийси вилоятларининг аҳволини солиштирадиган бўлсак, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Шу маънода, бизнинг бу соҳада қўйган амалий қадамларимиз бутун мамлакатимиз дехқонлари қатори сиз, Хоразм аҳли учун ҳам янги имкониятлар туғдириб берди, керак бўлса, олдингизда янги, ёруғ уфкларни очиб берди, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

\* \* \*

Экин майдонларининг асосий қисми кучли дарожада шўрланган, сизот сувлари кўтарилиб кетган ғоят мураккаб шароитда хоразмлик дехқон ва фермерлар кўлга киритаётган ютуқ ва мэрсалар машаққатли,

айтиш мумкинки, қаҳрамонона меҳнат эвазига эри-шилмоқда.

\* \* \*

Ҳаммамизга аёнки, ер ҳам бамисоли тирик жон, унга ҳам қараш, парвариш қилиш керак. Ўзингиз айтинг, биз бу масалага катта эътибор бериб, мана шундай улкан ишларни амалга оширмасак, аҳолимизни бокиш, бозор ва дўконларимиздаги тўкинчиликни, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлай олармидик? Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўп мамлакатларда қандай ўсиб бораётганини ҳаммамиз матбуот, телевидение орқали кўриб-билиб турибмиз.

\* \* \*

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чукурлаштириш, фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, кискача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилар-монларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.

\* \* \*

Фермер – бугунги жамиятнинг нафакат энг фаол, керак бўлса, энг ишончли аъзоси. Фермер – фаровон ҳаёт бунёдкори.

\* \* \*

Фермер – бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон эканини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Фермер биринчи навбатда ернинг, дехқончилик-нинг сир-асорини пухта билиши керак. Табиатан дехқончилик илмидан узок бўлган, билими ва таж-рибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам кийнайди.

\* \* \*

Бугунги кунда ҳаёт, замоннинг тез ўзгариши билан фермерлик ҳаракати олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Айни шу йўлда фермерлик кенгашлари дехқонларимизга энг яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлиши лозим. Худудларимизнинг табиий иклим шароитига мос серхосил, касалликларга чидамли, тезпишар навларни яратиш, сувдан тежаб фойдаланиш, тупрок унумдорлигини ошириш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, кўптармокли фермер хўжаликларини ривожлантириш, янги авлод фермерларини тайёrlаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш – буларнинг барчаси асосий вазифамиз бўлиши керак.

Фермерларнинг янги авлоди тўғрисида гапирганда, менинг фикрим шуки, ҳар қайси вилоятнинг эртанги эгаларини биз бугун тарбиялашимиз керак. Гарчи барча ҳудуд ва минтақаларимиз ўзаро яқин масофада жойлашган бўлса ҳам, улар иклими, об-хавоси, тупрок ва сув шароити билан бир-биридан фарқ қиласи. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларининг сирларини ҳар томонла-

ма чукур биладиган, юраги, қалби билан шу заминда меҳнат қилишга бел боғлаган ёшларни – замонавий фермерларни тайёрлайдиган бўлсак, уйлайманки, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Нега деганда, ўз юрти, ўз ерига кўнгил қўйган одам ҳеч қачон ҳеч қаерга кетмайди, ўзи туғилиб ўсган маконни обод ва фаровон қилишга интилиб яшайди.

\* \* \*

Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юкори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

\* \* \*

Мен юрагимдан, қалбимдан чиқадиган бир фикрни, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман. Табиий ва иклим шароити, экологик ҳолат оғир бўлган Оролбўйи минтақасида кийинчиликларга мардона бардош бериб, пахта, ғалла, чорвачилик соҳасида юкори натижаларни кўлга киритаётган корақалпогистонлик дехкон ва фермерларнинг машақкатли меҳнатини ҳакиқий жасорат ва қаҳрамонлик намунаси, деб баҳоласак, ўз ери, ўз юртига садоқат билан яшаб, мўл ҳосил этиштираётганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди, албатта.

Қорақалпок дехконининг қандай катта матонат ва жасоратга эга эканини тўла англаш учун ҳеч

\* \* \*

Фермер – бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон эканини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Фермер биринчи навбатда ернинг, дехкончилик-нинг сир-асрорини пухта билиши керак. Табиатан дехкончилик илмидан узок бўлган, билими ва таж-рибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди.

\* \* \*

Бугунги кунда ҳаёт, замоннинг тез ўзгариши билан фермерлик ҳаракати олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Айни шу йўлда фермерлик кенгашлари дехконларимизга энг яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлиши лозим. Ҳудудларимизнинг табиий иқлим шароитига мос серхосил, касалликларга чидамли, тезпишар навларни яратиш, сувдан тежаб фойдаланиш, тупрок унумдорлигини ошириш буйича замонавий технологияларни жорий этиш, кўптармокли фермер хўжаликларини ривожлантириш, янги авлод фермерларини тайёрлаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш – буларнинг барчаси асосий вазифамиз бўлиши керак.

Фермерларнинг янги авлоди тўғрисида гапирганда, менинг фикрим шуки, ҳар қайси вилоятнинг эртанги эгаларини биз бугун тарбиялашимиз керак. Гарчи барча ҳудуд ва минтақаларимиз ўзаро яқин масофада жойлашган бўлса ҳам, улар иклими, об-хавоси, тупрок ва сув шароити билан бир-биридан фарқ килади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларининг сирларини ҳар томонла-

ма чукур биладиган, юраги, қалби билан шу заминда меҳнат қилишга бел боғлаган ёшларни – замонавий фермерларни тайёрлайдиган бўлсак, ўйлайманки, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Нега деганда, ўз юрти, ўз ерига кўнгил қўйган одам ҳеч қачон ҳеч каерга кетмайди, ўзи туғилиб ўсган маконни обод ва фаровон қилишга интилиб яшайди.

\* \* \*

Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юкори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

\* \* \*

Мен юрагимдан, қалбимдан чиқадиган бир фикрни, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман. Табиий ва иқлим шароити, экологик ҳолат оғир бўлган Оролбўйи минтақасида кийинчиликларга мардона бардош бериб, пахта, ғалла, чорвачилик соҳасида юкори натижаларни кўлга киритаётган коракалпоғистонлик дехқон ва фермерларнинг машакқатли меҳнатини ҳакиқий жасорат ва қаҳрамонлик намунаси, деб баҳоласак, ўз ери, ўз юртига садокат билан яшаб, мўл ҳосил этиштираётганингиз учун сиз, азизларга ҳар канча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди, албатта.

Қорақалпок дехқонининг қандай катта матонат ва жасоратга эга эканини тўла англаш учун ҳеч

бўлмаса бир мавсум Қорақалпоғистонда яшаш керак. Ўйлайманки, бир мавсум шу ерда яшаган киши сизларга тан бериб, қорақалпок дехқонига ўз қалбида бамисоли ҳайкал қўяди, умр бўйи сизларнинг матонатингизни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади.

\* \* \*

Шу ўринда ҳар томонлама эътиборга лойик бир мисолга диккатингизни қаратмоқчиман. Маълумки, якин-якингача фермерларимиз фақат дехқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланиб келарди. Бугунги кунда эса улар замон талабини чуқур ҳис қилиб, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, кўптармоқли фермер хўжаликларига айланиб бормоқда.

Бундай ютукларни эътироф этган ҳолда, фермерлик ҳаракатини замон талаблари асосида янада ривожлантириш, фермерлар кенгашларининг фаолият самарадорлигини ошириш, серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли, сувни кам истеъмол киладиган экин навларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигида замонавий техника, ресурсларни тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш, фермерларнинг янги авлодини тайёрлаш каби муҳим вазифаларни самарали ҳал этишимиз лозим.

\* \* \*

Андижон ахли ўзининг асрлар давомида шаклланган бетакрор дехқончилик анъаналарига, шу замининг ўзига хос бўлган қишлоқ хўжалик мактабига

эга. Андижонлик дәхқонларнинг ерга бутун қалбини, меҳрини бериб, ер билан тиллашиб яшashi ҳаммамизга яхши маълум.

\* \* \*

Навоий вилоятида келгусида қўптармокли фермер хўжаликлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг самародорлигини ошириш, замонавий техникалар, ресурс тежайдиган технологиялардан янада унумли фойдаланиш, янги авлод фермерларини тайёрлаш масалалари олдимиизда муҳим вазифа бўлиб турганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Нега деганда, қишлоқ хўжалигидаги ўзгариш бутун ҳаётимизни ўзгартиради. Мен илгари ҳам кўп бор айтганман – қишлоқ тараққий топса, мамлакатимиз тараққий топади, ҳаётимиз янада обод ва фаровон бўлади.

\* \* \*

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 6 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмокда. Улар томонидан ўтган йили 580 минг тонна ғалла, 243 минг тоннадан ортиқ пахта, кариб 346 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етиширилди. Сирдарёнинг мураккаб иқлим ва тупрок шароитида бундай натижаларга эришиш осон эмаслигини, бунинг учун қандай катта меҳнат талаб қилинишини барчамиз яхши тушунамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг фидойи дәхқон ва фермерларига, сиз, муҳтарам Сирдарё аҳлига мардона меҳнатингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, хеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака

топинг, азизларим, деб барчангизга баҳт ва омад ти-  
лайман.

\* \* \*

Мамлакатимиздаги мавжуд боғ майдонларининг бешдан бир кисми айнан Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келаётгани ва улардан йилига ўртача 370 минг тонна ҳосил олинаётгани ҳам бу саховатли замин дехконларининг миришкорлик фазилатларидан далолат беради.

\* \* \*

Бизнинг устувор йўналишимиз – қишлоқни шаҳар даражасига кўтаришдан иборат бўлиб, биз бу максадга албатта етамиз.

\* \* \*

Кишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг киёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади.

...Алоҳида диққатга сазовор томони шундаки, бу борадаги режаларимизда нафақат шинам ва обод ўйлар қуриш, айни пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, майший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ахлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт ке-чириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига ола-

диган замонавий тураржой мавзеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

...Кишлоқларимизни ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларимиз ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айни пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, муҳтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган булиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносаб ўрин эгаллаши муқаррар.

\* \* \*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар куриш дастури нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйғотмокда.

Агарки ҳозирги вактда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга якини, яъни 16 миллионга яқин одам қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганини, қишлоқларимизда ҳар йили 150 мингдан зиёд янги оила вужудга келаётгани ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезаётганини инобаттга олсак, бу дастурнинг аҳамияти ва моҳияти яккол аён бўлади.

Шаҳар шароитидан кам бўлмаган бу шинам ҳовли-жойлар аҳолининг турмуш тарзи янада яхшиланиши, қишлоқларимиз киёфаси, одамларимизнинг дунёқарashi ва маданияти тубдан ўзгаришига олиб келмокда.

Энг асосийси, янги, гузал уй-жойлар, зарур инфраструктузилмалар барпо этилиши билан бирга, қишлоқдаги

оилаларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий ахборот тизими, интернет кириб бормоқда.

Кишлок аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, касб-хунар коллежларида таълим олган ва касб эгаллаган минглаб, ўн минглаб йигит-кизларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

\* \* \*

Мен аминман – мана шундай замонавий уй курган одамларнинг фарзандлари, набиралари эртага отонасига раҳмат айтади. Энг муҳими, бундай шинам уйларда туғилиб, вояга етган болаларнинг соғлиги ҳам, фикри, дунёқараши ҳам, албатта, бошқача бўлади.

\* \* \*

Бугунги кунда аҳолини намунавий лойиҳалар асосида ҳар томонлама шинам ва кулай уй-жойлар билан таъминлаш, янги турар-жой массивлари атрофида инфратузилмаларни барпо этиш, кӯча ва йўлларни обод килиш юзасидан олиб бораётган улкан ишларимиз одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани ҳакида ортиқча сўз юритишнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман.

Мен ўтган йили Андижон вилоятида бўлганимда Олтинқўл туманидаги «Далварзин» массивида ана шундай ҳовлилардан бирига кириб, у ердаги шароитлар билан танишиб, хонадон эгалари билан сухбатлашган эдим. Ишонасизми, ана шу самимий уч-

рашувлар, бу хонадонлардаги баҳтли ҳаёт таассуротлари ҳали-бери ҳаёлимда худди кечагидек сақланиб турибди.

Агар мана шундай шинам ва замонавий уйлардан куриб берсангиз, мен ҳам Андижонга келиб яшашга тайёрман.

\* \* \*

Утган йилларда Жиззах вилоятида жами 3 миллион квадрат метр уй-жой қурилганини қайд этиш ўринлидир. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда 2 минг 292 та уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилгани қанча-қанча хонадонларга замонавий кулайлик билан бирга, кувонч ва шодлик олиб келди.

Бу йўналишдаги ишларимиз юртимиз киёфасини, одамларимизнинг онгу тафаккурини тубдан ўзгартираётганини ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, бу рақамларни янада кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз табиий. Бу ҳақда гапиргандা, мен шу нарсадан хурсанд бўламанки, бу замонавий уйлар, аввало, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, одамларимизнинг ҳаётига мазмун киритишга хизмат қилмоқда.

\* \* \*

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишида, аввало, ҳалқимизнинг табиати, турмуш тарзи, урф-одатларини эътиборга олдик. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борсам, албатта ана шундай уйларда яшаётган одамларнинг

ҳаёти билан танишишга ҳаракат қиласман. Ҳар сафар биз бу ишни бошлаб жуда тұғри қилганимизга так-  
рор ва такрор икөрө бұламан. Бу уйлардаги тозалик  
ва озодалик, саришталик, хоналарнинг безатилиши-  
ни күриб, хурсанд бұламан. Айникса, деворлардаги  
суратлар, бир пайтлар биз факат телевизорда күрган  
замонавий пардалар, буларнинг ҳаммасини күриб,  
эй, мана, биз ҳам бор эканмизку, факат ишлаш эмас,  
яхши яшаш ҳам қулимидан келар экан-ку, деб одам  
үз-үзидан түлқинланиб кетади.

Илгари бундай шароитни үзимизга тасаввур кила  
олармидик? Уйимизга меҳмон келса, қаерга үтқа-  
зишни билмасдан, хижолат тортмасмидик? Бугун-  
ги уйларимизда оиланинг барча аъзолари, меҳ-  
монларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Биз булар-  
нинг ҳаммасини, аввало, аёлларимизнинг оғирини  
енгиллаштиришни уйлаб килдик. Улар ҳам бу  
дунёга келган экан, одамдек яшасин, үз имконият ва  
салоҳиятини рүёбга чиқарсин, вактида ишлаб, вакти-  
да дам олсин.

\* \* \*

Наманган вилоятида үтган даврда намунавий  
лойихалар асосида 3 минг 179 та ана шундай уй-жой  
ва күплаб ижтимоий инфратузилма объектлари барпо  
этилгани одамларимизнинг үсиб бораёттан ҳаёт дара-  
жасини үзига хос күзгуси бұлмокда, десак, янглишма-  
ган бұламиз.

**ОБОДЛИК КҮНГИЛДАН  
БОШЛАНАДИ**



---

Озод ва обод юртда яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг уйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак.

\* \* \*

Қорақалпоғистон Республикасининг маркази бўлмиш Нукус шаҳри мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг жадал ривожланиб бораётган энг гўзал, замонавий шаҳарларидан бирига айлангани барчамизга катта мамнуният бағишлади.

Факат ўтган йилнинг ўзида 175 та объектда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. «Дустлик» каналининг шаҳар марказидан окиб ўтадиган қисми бетонлаштирилиб, унинг атрофи ободонлаштирилди ва кўркам хиёбон барпо этилди.

\* \* \*

Барчамизга маълум, кейинги йилларда Андижон шаҳрининг киёфаси бутунлай ўзгариб, мамлакатимизнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айланмоқда.

Бу ҳақда қисқача тўхталадиган бўлсак, биргина Миллий тикланиш ва Истиклол кўчаларида 96 та объект барпо этилгани, янги қурилган Ўзбекистон кўчасидаги Бобур номидаги вилоят театри олдида-

ги катта майдон тубдан таъмирланганини ва бошқа күпгина ишларни айтиш лозим.

\* \* \*

Кейинги йилларда «Ободлик күнгилдан бошланади» деган олижаноб даъват халқимиз қалбидан чукур жой олганига барчамиз гувоҳмиз. Ана шундай ёндашув асосида вилоятларимиз марказларини, барча шаҳар ва қишлокларимизни замонавий талаблар асосида тубдан қайта қуриш, аҳолининг яшаши, мазмунли дам олиши учун қулай шароитлар яратиш бўйича Бухорда ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Бухоро шаҳрида барпо этилган муҳташам Санъат саройи ва амфитеатр, Ёшлар маркази, «Кўхна ва боқий Бухоро» ёдгорлик мажмуаси шаҳар ҳуснига замонавий ва бетакрор чирой бахш этди, десам, уйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

\* \* \*

Сўнгги йилларда барча вилоятларимиз марказлари қатори Жиззах шаҳрининг марказий қисмини тубдан қайта қуриш, уни ҳар томонлама обод килиш, ижтиёмий инфратузилма ва коммуникация тармокларини ривожлантириш борасида тасдиқланган режаларимиз асосида амалга оширган ишларимизга қисқача тўхталадиган бўлсак, 10 минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуаси бунёд этилгани, «Эски шаҳар» ва «Кўк бозор» дебқон бозорларининг реконструкция қилингани, Навоий ва Мустакиллик кўчалари, «Жиззах» маҳсус индустрисал зонасига олиб

борадиган йўллар тұлиқ таъмирланганини таъкидлаш лозим.

Айникса, шаҳарда 14 та болалар хиёбони барпо этилгани ёзда – жазирама иссик шароитида отоналарнинг ўз фарзандлари билан дам олиши, буш вактини мазмунли ўтказиши учун кенг имконият яратиб бермоқда.

\* \* \*

Наманган шаҳрини замонавий талаблар асосида тубдан қайта қуриш, ахоли учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш бўйича катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгти йилларда вилоятда иккита маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, уларнинг сони 14 тага етказилди. Вилоят мусиқали драма ва комедия театри тўлиқ реконструкция қилинди. Наманган шаҳридаги «Ёшлиар маркази» қайта таъмирланди.

\* \* \*

Кейинги йилларда қадимий Самарқандимизнинг киёфаси қандай очилиб, чиройига чирой күшилиб бораётганини сўз билан ифода этишнинг ўзи қийин. Нафакат ўзимизнинг одамларимиз, балки дунёning турли ўлкаларидан келаётган сайёҳлар ҳам буни эътироф этмоқда.

Сўнгти йилларда Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси каби тарихий обидалар, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, шаҳарнинг марказий кўча ва хиёбонлари, майдонлар тубдан таъмирланди. Ша-

ҳарда 47 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди. Рудакий, Панжикент, Даҳбед кўчалари таъмирланиб, айланма йўлнинг қўшимча янги қисми фойдаланишга топширилди. Самарқанд халқаро аэропорти, темир йўл вокзали тубдан реконструкция қилиниб, уларнинг ён-атрофидаги ҳудудлар ободонлаштирилди.

Ана шундай кенг кўламли ишларимиз натижасида кадимдан «Ер юзининг сайқали» бўлиб келган Самарқанд шахри яна қайтадан ана шундай юксак мақомга кўтарилаётгани барчамизга ғуур ва ифтихор бағишлади. Бу хақда гапирганда, Америка Кўшма Штатларидаги нуфузли «Зе Ҳаффингтон пост» нашри Самарқандни жаҳондаги инсон ўз умри давомида албатта бориб кўриши зарур бўлган 50 та шаҳарнинг рўйхатига киритганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

\* \* \*

Гулистон шахри ҳам исми жисмига мос бўлиб, тобора чирой очиб бораётганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Сўнгги вактда бу ерда 380 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ ҳисобидан 18 та дренаж қудуклари реконструкция қилингани, 15 километрлик очиқ ва ёпиқ зовурлар то-залангани бу шаҳар учун ўткир муаммо бўлган сизот сувлари сатхини сезиларли даражада, яъни 30 сантиметрга пасайтириш имконини берди.

Шулар қаторида ҳозирги кунда Ўзбекистон, Мустақиллик, Сайхун каби марказий кўчаларда кўп қаватли уй-жойлар ва фавворалар барпо этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш масканларининг меъморий киёфасини ўзгартириш, умуман, шаҳарни ҳар томонлама обод қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. «Ёшлар маркази» биносида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошқа шаҳар ва туманларда ҳам фаол олиб борилмоқда ва келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

\* \* \*

Вилоятларимиз марказларини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан қайта қуриш бўйича Қарши шаҳрида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2015 йилда шу максадда 100 миллиард 100 миллион сўмлик капитал маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда. Шаҳарда жорий йилда 32 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилади, 56 километрлик тўрт катновли ҳалқа йўлнинг 30 километрида қурилиш ишлари якунланади.

Бундан ташқари, шаҳар аэропорти, Бахт уйи, темир йўл вокзали майдони янгича қиёфа касб этади. Келгуси икки йилда Ўзбекистон, Мустақиллик ва Амир Темур кўчаларида реконструкция ишлари тугалланади, ана шу кўчалар бўйлаб зарур инфратузилма ва бошка муҳандислик тармоклари барпо этилади. Қашқадарё устидаги қадимий кўприкнинг икки томонига тўғон

курилиб, ушбу ҳудудда болалар истироҳат боғи яратилади.

Бу ҳақда гапирганда, сизлар билан бир фикрни маслаҳатлашиб олмокчиман. Қарши шахри мамлакатимиздаги энг күхна шаҳарлардан бири эканини, унинг тарихий киёфасини саклаб қолиш зарурлигини ҳаммамиз тан оламиз. Айни вактда шаҳар марказини замонавий меъморлик талаблари асосида янгилаш масаласи ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур. Қаршининг энг катта муаммоси – бу канализация масаласи. Биз, шахсан ўзим мана шу масалаларнинг ҳаммасини бир неча марта кўриб чикиб, энг мақбул ечим топишга ҳаракат килдик. Жумладан, шаҳар атрофида ҳалқа йўл барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқдик. Бу йўлнинг 10 километрлик тармоғи жорий йилда якунига етказилади. Ҳалқа йўл куриб битказилгач, юк машиналари Қарши шаҳрига кирмасдан, уни айланиб ўтиб, Сурхондарё ва Бухоро томонга ўтиб кетади.

Бир сўз билан айтганда, Қаршини энг замонавий шаҳарга айлантиришга қаратилган ишларни ҳаммамиз биргаллашиб охирига етказамиз.

\* \* \*

Мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси бўлмиш Термиз шаҳрида яқин уч йилда 16 километрлик ҳалқа йўлини барпо этиш, темир йўл вокзалини реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда. \

Бундан ташқари, жорий йилда 16 та кўп қаватли уйжой фойдаланишга топширилади, шаҳар аэропорти,

Бахт уйи, Термиз давлат университети ва темир йўл вокзали майдонлари замонавий архитектура ечимлари асосида янгича қиёфа касб этади.

Термиз шаҳрини нафакат мамлакатимиз, балки минтақамиздаги энг гўзал ва обод шаҳарга айлантириш мақсадида бу ерда маданият ва истироҳат боғлари, мактаблар, мусиқа ва санъат мактаблари, 500 кишига мўлжалланган театр ҳамда маданият маркази куриш ҳам режаларимиздан жой олганини сизларга маълум қилмоқчиман.

\* \* \*

Термиз шаҳри бир пайтлар ҳарбий шаҳарча бўлган. Совет даврида шуни кимdir маъқул топган. Бу шаҳар Сурхондарёнинг маркази. Марказ деганда одам ишдан кейин озгина бўлса ҳам дам оладиган, кайфиятини кўтарадиган, фарзандлари билан ҳордик чикарадиган жой бўлиши керак. Совет даврида фақатгина эртangi кун, эртанги кун дейилар эди. Ёруғ кунни нафакат болаларимиз кўриши керак, балки бугун яшаб турган замондошларимиз, яқинларимиз, ота-онамиз, ҳозирги авлод ҳам бундай ҳаётни кўрсинг, турмушимиз кундан-кунга яхши бўлаётганини кўриб, хурсанд яшасин.

Биз 24 йил давомида қанча иш қилдик. Эски замондан мутлақо воз кечиб, асосий эътиборни янги ҳаёт куришга каратдик.

Термиз шаҳрининг тарихи 3000 йилга яқин. Ана шу даврда ота-боболаримиз қандай яшаган? Қандай буюк зотлар бизнинг заминимиздан етишиб чиқсан, деган ифтихор билан яшаш бизга ярашади. Эр-

танги кунимизни ўз қўлими билан қурамиз, деган ёшларни кўрганимда, менда худди қанот пайдо бўлгандек бўлади. Биз қураётган ҳаётни эртага кимнинг қўлига топширамиз? Албатта, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг қўлига. Ўзбекистонда янги авлод пайдо бўлаётганини дунё тан оляпти. Бундай авлод билан эртага албатта мақсадларимизга етамиз.

Ўтган йили Қашқадарёда катта курилишларни бошлиган эдик. Бу йил энди Термиз шаҳрини ҳеч кимдан, ҳеч қайси шаҳардан кам бўлмайдиган, ҳаққатан ҳам Амир Темур орденига муносиб шаҳарга айлантиrsак, нима дейсиз?

Албатта, шаҳарни куриш учун қанча курувчилар, турли лойиҳачилар келади. Лекин барибир шаҳарни қурадиган, шаҳарни шаҳар қиласиган куч – бу мана шаҳарда умрбод яшайдиган ҳалқ бўлади.

Термиз бу – жанубий чегарамиздаги мустаҳкам қалья-кўрғон. Бундай марказ шаҳарда албатта одамлар маданий дам оладиган театр бўлиши керак. Шунинг учун мен биринчи галда лойиҳачиларга айтдимки, бу ерда чиройли бир театр бўлсин. У факат Термизнинг эмас, балки бутун Ўзбекистоннинг киёфасини очадиган маданият масканига айлансин. Термиз чекка шахар эмас, Ўзбекистоннинг маданий маркази бўлиши керак.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Термизнинг ёнидан азим Амударё ўтади. Бу ерда ер ости сувларининг сатҳи баланд. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, Термиз шаҳри қайси томонга қараб ўсади? Унинг қайси томонга қараб кенгайиши бизнинг истиқболимизга мос

келади? Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда, янги-янги иншоотларни қуришда айни марказни марказ қиласиган жойларни белгилаб олишимиз зарур. Токи биз курган иншоотлар халқимизга асрлар давомида хизмат қилсин.

\* \* \*

Кейинги икки йилда Тошкент вилоятида туман марказларини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан қайта қуриш бўйича маҳсус дастур асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят бўйича факат жорий йилнинг ўзида шу мақсадлар учун 650 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда. Айниқса, вилоят ҳудудидаги Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Олмалиқ шаҳарларида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига алоҳида аҳамият қаратилади.

\* \* \*

Тошкент шаҳри ахолисининг яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида кўп қаватли уйлар учун коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, бизнинг табиий ва иқлим шароитимизга мос янги турар-жойлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини санашнинг ўзи анча вақтни олади.

Бу борада кўп тўхталмасдан, охирги беш йилда бунёд этилган – донги тобора кенгайиб бораётган Тошкентдаги Халқаро анжуманлар саройи, Алишер

Навоий номидаги Миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройини ўз ичига олган Маърифат маркази, «Пойтаксат» бизнес маркази, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Бунёдкор» спорт-соғломлаштириш мажмуаси, «Минор» масжиди каби ҳар бири миллий ва замонавий меъморчиликнинг ноёб намунаси бўлган ўнлаб биноларни эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

\* \* \*

Мен Оллоҳнинг ўзи инсонни баҳт учун яратган, деб кўп гапираман. Яратганимиз инсонга ҳаёт ато этибдими, колгани кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлик.

Мана, эътибор беринг, биз ҳақиқатан ҳам қандай гўзал бир юртда яшаяпмиз. Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто, энг чекка жойларида ҳам катта-катта ўзгаришлар бўляпти. Мисол учун, азим пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида амалга оширилаётган ишларни кўз олдингизга келтиринг. Энди бу ҳудудни Эски шаҳар деган ном билан аташнинг ўзи ҳақиқатга тўғри келмай қолмокда.

\* \* \*

Биз Эски шаҳарнинг меъморий харитаси, яъни бош режасини туздик. Ана шу харитани тузганда аввало бизнинг иклим шароитимизга мос уйлар, инфратузилма обьектларини яратишга эътибор бердик.

Мана, биз Тошкентнинг ўзида қанча фавворалар курдик, ҳавони тозалайдиган, соя берадиган дараҳтлар экяпмиз, яшил майдонларни кўпайтиряпмиз. Максад –

озгина бўлса ҳам табиатни ўзгартириш, офтобнинг тафтини пасайтириш.

Маълумки, офтоб Шарқдан кўтарилиб Ғарбга караб ўтади. Тошкент табиатини инобатга олиб айтадиган бўлсак, бу ердаги иклимга у қандай таъсир кўрсатади? Офтоб нури – бу эрталаб ёки кечкурун бўладими – аксарият ҳолларда кўп қаватли биноларга кўпроқ тушади, уларни, айтайлик, чидаб бўлмайдиган даражада куйдириб юборади.

Биз шундай қилдикки, янги бош режа бўйича куриладиган уйларда офтобнинг кўтарилиши, тик келиши, қишида пастроқ юриши, ёзда эса баландрок юриши, пастки қаватларга қандай таъсир килиши – буларнинг ҳаммасини хисобга олган ҳолда, уйларнинг макетини ишлаб чиқдик.

Ёзда, тушунасизлар, 9 қаватли уйларда яшаш азоб. Бу – биринчидан. Иккинчидан, офтоб тепадан ёндириб турса, балкон тандирдек кизиб кетса, ётадиган жойда шабада бўлмаса, бу уйдаги бечоралар қаерга чикади, қаерда дам олади? Кўчага чиқиб ерда ухлайдими? Оналар чақалоғини қандай ухлатади? Буни ким уйлайди?

Шу нуктаи назардан караб, офтобни ҳам хисобга олиб – албатта, офтобнинг юришини ўзгартириб бўлмайди – унинг доимий юришини аниклаб, биз Эски шаҳарда куриладиган уйларни куёшга нисбатан шундай жойлаштиридикки, токи офтоб бу биноларга камроқ таъсир килсин.

Яна бир нарса. СССР даврида баъзи уйларни шундай курганки, килт этган шабада ўтмайди. Хадрани

оладиган бўлсангиз, ҳаммаси аён бўлади. Эски Жува бозорини олсангиз, унинг тепасида «смог», яъни ердан кўтариладиган буғлар шундай тўпланиб, котиб қолади. Июль, август ойларида карасангиз, Эски шаҳарни шундай курум булути босади.

Уни йўқ килиш учун нима керак – шабада керак. Шабада кириши учун Эски Жувада очик жой борми ўзи? Ҳамма томон ўралиб қолган бўлса, айтинглар, шабада қаердан киради? Шабада бўлмаса агар яшаб бўладими ўзи Ўзбекистонда?

Эски шаҳарда қуриладиган янги уйларда шуларнинг барчасини ҳисобга олишга ҳаракат қиляпмиз. Иморат курганда, бир йил, икки йил эмас, юз йил олдинни ўйлаш керак. Ҳеч кимнинг кейин армони қолмасин, демоқчиман. Ҳаммаси ўз жойида бўлиши керак. Одамлар билан маслаҳат, маслаҳат яна бир бор маслаҳат килиб, уй қуриш керак.

\* \* \*

Фарғона воҳасидаги Марғилон, Кўқон ва бошка шаҳарлар қаторида икки оғиз Фарғона шаҳрининг киёфасини тубдан узгартириш, бу ерда яшаётган одамларимиз учун муносиб шароит яратиш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида тўхталишни зарур, деб биламан. Вилоят маркази бўлмиш Фарғонанинг киёфаси қисқа мuddатда таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётгани сўзсиз барчамизни қувонтиради.

Айниқса, шаҳар марказида барпо этилган минг ўринли муҳташам Санъат саройи санъатсевар Фар-

ғона ахли, авваламбор, ёшларимиз учун ҳақиқий маданият ва маънавият кошонасига айланди.

Шулар категорида шаҳарда халқаро стандартларга жавоб берадиган 20 минг ўринли замонавий стадион барпо этилди, равон йўллар, муҳташам қўприклар, янги майдон ва хиёбонлар, фавворалар, турар-жойлар, таълим ва тиббиёт масканлари курилди. Буларнинг барчаси Фарғонани ҳақиқий гўзал Фарғона даражасига кўтарганини бугун мамнуният билан таъкидлаш барчамизга хурсандчилик етказади.

\* \* \*

Сўнгги икки йилда Хоразм вилояти маркази бўлмиш Урганч шаҳрида 846 миллиард сўм ҳажмидаги бунёдкорлик ишлари бажарилиб, янги турагар-жой мавзелари, кенг майдон ва хиёбонлар, магистраль йўллар, хизмат кўрсатиш обьектлари барпо этилди. Биргина 2014 йилнинг ўзида Урганч шаҳрида 25 та кўп қаватли турагар-жой, 100 дан ортиқ икки қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Айникса, шаҳар ичидан ўтадиган Шовот каналида 76 миллиард 400 миллион сўм маблағ ҳисобидан кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Канал қирғоғида 14 километр масофа бўйлаб 90 гектар майдон ободонлаштирилиб, яшил ҳудудлар, хушманзара сайилгоҳлар, хизмат кўрсатиш обьектлари, спорт майдончалари ташкил этилди, қайиклар қатнови йўлга кўйилди.

Шаҳарнинг бутун киёфасини тубдан ўзгартириб юборган бу гўзал маскан эндиликда Хоразм ахли ва меҳмонларнинг энг севимли маданият ва истироҳат гўшасига айланди, десак, хеч қандай муболага бўлмайди.

Бундай катта ишлар Хива шаҳрида, барча туманлар марказларида ҳам амалга оширилаётгани айниқса эътиборлидир.

Сиз, азизлар, менинг қадрдонларим қаторида бу ишларда катнашганим учун ўзимни баҳтиёр, деб ҳис қиласман.

**ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ДОИМО  
ОЛДИНГА ИНТИЛИБ  
ЯШАШИ КЕРАК**

DI-900-742300 0000000000000000

---

Эл-юрт ишончига муносиб булиб, олдимиизда турган буюк максадлар учун, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обруси ва нуфузини юксалтириш йўлида ўзини бахшида килиш, вакти келганда, Ватанимизни янада равнақ топтиришда менинг ҳам кўшган ҳиссам бор, деб мамнун булиб, рози булиб яшаш – бу чинакам баҳтдир.

\* \* \*

Раҳбарман, етакчиман деган инсон, аввало, ўз олдига, халқим эртага бировнинг қўлига қараб колмаслиги учун мен ўзим нима иш килдим, бугун қандай чоратадбирларни амалга оширмоқдаман, деб савол қўйиши ва шу саволга жавоб топиши керак.

\* \* \*

Янги раҳбарни сайламоқчи бўлсак, аввало, унинг кайси хусусият ва фазилатларига эътибор бериш кераклиги ҳакида мен ўз фикримни билдиrmокчиман.

Биринчидан, ўзини бошқалар билан тенг олиб гаплашадиган, бошқаларнинг дарду ташвишларини баҳам кўришга тайёр бўлган инсонни ўз номзоди сифатида қабул қилиш керак. Ўзига бино қўйган,

манманликка берилган, кеккайиб юрадиган одамдан кўркиш керак. Бундай одам ҳозирнинг ўзида ўзига шунча бино қўйса, эртага кўпчилик унга ишонч билдириб, лавозимга ўтирганидан кейин аввал кўрсатмаган киликларини дарров кўрсатади.

Халқимизда «Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, амал бериб кўр» деган доно мақол бор. Амал кўрмаган одам тасодифан мансабга ўтириб қолса, ўз вазифасини тушуниб олиш учун унга, биринчидан, вакт керак, иккинчидан, у лавозимни эгаллаганидан сўнг ўзига ўхшаган одамларни атрофига тўплаб олади, кейин уларни алмаштиришнинг ўзи жуда азоб. Шунинг учун раҳбарни сайлаётган пайтда етти марта ўлчаб, бир марта кесиш керак.

Агар раҳбарларнинг оддий вазифада ишлаётган кишилардан нима фарқи бор, деб сўраса, мен, авваламбор, раҳбар одам бошқалардан кўра узокни кўриши ва чукуррок ўйлаб иш олиб бориши керак, деб айтган бўлардим. Яъни, раҳбар эртанги куни мизни бир қадам эмас, икки қадам узокроқ кўриши лозим.

Раҳбарга хос бўлган иккинчи фазилат шуки, ўзини ўйламасдан, авваламбор, ўзига ишонган халкнинг дарду ғанини, унинг тақдирини, эртанги кунини ўйлаб яشاши лозим.

Учинчи фикр шуки, синовдан ўтган одамларни раҳбар қилиб сайлаш зарур. Нега деганда, бу дунёда катта акл-заковат билан бирга, кўпни кўрган, узокни кузлайдиган, иродаси мустаҳкам, керак бўлса, тури-турли мураккаб синовлардан ўтган одамларни биз ўзимизга раҳбар қилиб танлашимиз керак. Узокни

кура олмайдиган одамнинг раҳбар бўлишга мутлако хақки йўк.

Синовлардан ўтиш дегани – ўз халқини янги хаёт йўлига олиб чиқишида ўзининг ақл-заковати, катъияти, азму шиҷоатини тұла сафарбар этиш, оғир ва кескин вазиятларда етти марта ўлчаб, бир марта кесиш дегани. Сохта усул билан сиёsat олиб бориш, одамларни алдаб яшаш – бу факат турли ўйинлар билан юрган раҳбарларнинг маънавий қиёфасини кўрсатади.

Замон гардиши шундай бўлдики, СССР парчаланиб кетганидан кейин баъзи давлатларда умрида бирон жиддий синовни кўрмаган одамлар майдонга, керак бўлса, ҳокимият тепасига чиқиб қолди. Агар бундай одамлар раҳбар бўлиб қолса, билиб қўйинглар, бу халқ учун азоб-укубатдан бошқа нарса эмас. Энг ёмони, бундай одамлар мен шундай ақлли эканман, ахир, мени бежиз раҳбар этиб сайламади-ку, деб кейин ўзиям ишониб колади. Шундай одамларга ишониб бўладими?

Ақлли одам ҳаётдан тўғри хулоса ва сабоқ чиқарди. Шу маънода, ҳаёт биз учун доимо сабоқ мактаби десак, янглишмаган бўламиз.

\* \* \*

Дунёда канча одам бўлса, ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди. Ҳар бир одамнинг ўзига яраша кадр-киммати бор. Айни жиҳатни, аввало, раҳбарлар хисобга олса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Одамни менсимаслик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

\* \* \*

Агар сен одамларни севмасанг, халқингни, сенга ишонч билдирган одамларни юрагингга яқин олмасанг, раҳбар бўлишга умуман ҳаққинг йўқ.

\* \* \*

Халқимиз манфаати, унинг эртанги тақдирига дахлдор бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишда етти ўлчаб, бир кесишимиз зарур.

\* \* \*

Шошма-шошарлик билан, орқа-олдини ўйламасдан, турли шиорларни ўргага ташлаб, ўзини, халқини алдаб гапирган раҳбарларнинг қанчаси ўзгарганини биласиз.

Раҳбар ҳеч қачон олди-қочди, таги пуч, ҳар томонлама чукур ва пухта ўйланмаган гапларга берилмаслиги керак.

\* \* \*

Раҳбар ким, деб сўрасангиз, унинг энг муҳим хусусияти шуки, раҳбар нафақат ўз ваъдаларини ёдда тутиши, балки, аввало, уларни бажариши шарт. Раҳбар бошқалардан кўра узокни кўрадиган, бошқалардан чукуррок ўйладиган, мулоқаза киладиган, энг муҳими, оёғи ердан узилиб қолмайдиган инсон, халқпарвар шахс бўлиши керак. Раҳбар доимо халқнинг

дарди билан яшashi, унинг келажаги учун ўзини  
масъул деб билиши талаб қилинади.

\* \* \*

Халқнинг ишончини қозониб, катта ваколатга эга  
бўлишни истаган одам бошқалардан кўра чукуррок  
ўйлаши, узокни кўра билиши керак.

Шундай одамлар бўладики, улар билан танишиб,  
мулокотда бўлганда, уларни яқиндан таниганда шун-  
га икрор бўласизки, шу инсоннинг салоҳияти анча ба-  
ланд, у ўқимишли, ақлли, энг муҳими, тажрибали бў-  
либ, кўп нарсани чукуррок билади, узокроқни кўради.

\* \* \*

Афсуски, айрим жойларда ҳали-бери эскича фикр-  
лайдиган раҳбарлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.  
Лекин улар ишида ўзгариш қилмаса, вақти-соати ке-  
либ, албатта, уларнинг жойи ёшларнинг кўлига ўтади.  
Туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоятлар ҳокимлари  
агар эл-юрт ишига эътиборсиз караган бўлса, буни  
хар қайси оиласа эътиборсиз караш, юртимизга эъти-  
борсиз караш, деб кабул қилиш, буни ёшларимизнинг  
орзу-ниятлари рӯёбга чиқишига қарши қаратилган  
харакат деб тушуниш зарур.

\* \* \*

Бугунги кунда Узбекистонни бошқариш, уни  
ҳимоя қилиш, халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб,

мустаҳкам сиёsat олиб бориш ва энг мухими, мустақиллик деган, Худонинг ўзи бизга буюрган муқаддас неъматни мана шундай асраб-авайлашда, якин ва узок келажакни барпо этишда бутун борлигини бағишилаб яшайдиган одамларнинг сафи тобора кенгайиб бормокда. Лекин, афсуски, шулар каторида, қуруқ гап билан яшайдиган одамлар ҳам учраб туради.

Бу дунёда қуруқ гапга эмас, балки, аввало, ҳар томонлама ишончли, синалган, ҳаёт синовидан ўтган одамларга ишониш керак. Баъзилар жуда чиройли гапириб, одамнинг бошини шундай айлантирадики, ҳатто, эртага ҳаётимиз бутунлай гулу гулзорга айланади, ҳаммамиз жаннатда яшаймиз, деган гапларга ҳам сизни ишонтириб кўйиши мумкин. Ана шундан эҳтиёт булиш керак.

\* \* \*

Эски мустабид замоннинг қандай қалтис бўлганини бу ерда ўтирган ёши катта инсонлар яхши билади. Мана шу Қашқадарё вилояти ҳокимлиги биносининг ўзида тўкнашувлар бўларди. Эсингизда бўлса керак, СССР Олий Советига сайлов пайтида Чироқчи туманида норозилик чиқиб, одамлар сайловга боришдан бош тортган.

Уша вазиятда менга ҳали у идорадан, ҳали бу идорадан телефон бўлаверди. Бир сайлов участкасида 500 ёки 600 нафар одам сайловга чиқмаганини айтиб, нима учун чора кўрмадинг, деган дўк-пўписалар бўлганини ҳам яхши эслайман. Бу бўйича, ҳатто, Москвадан, Марказқўмдан ҳам телефон қилишган.

Тезда Тошкентдан Марказқұм ходимлари етиб келиб, юринг, энди, уларни күндирайлик, деб, «РАФ» машинасига ўтириб, ҳаммамиз Чирокчидаги қишлоққа етиб борғанмиз.

Тошкентдан келгандар қурук расмий гапларни гапиргани учун уларга ҳеч ким ишонмади. Қарасам, норозилек пасайиш ўрнига кучайиб боряпти. Одамларнинг ҳафсаласи пир булиб, тарқалиб кетишга өзгланиб турғани шундок сезилиб турарди. Вазият шундай да-вом этса, сайлов барбод булиши ҳеч гап эмасди.

Шу пайт Марказқұмдан келган гурухнинг каттаси келиб, сиз буларнинг тилини яхши тушунасиз, ўзингиз бир гаплашиб қўринг, ўзингиз кўрдингиз, бизнинг гапларимиздан бир иш чиқмади, деб, ожизлигини тан олиб, мендан илтимос килди.

Шу нуктаи назардан қараганда, одамларни ишонтириш – бу осон иш эмас, бу ўйин эмас. Мен Қашқадарёда бундай вазиятларга кейин ҳам дуч келганман. Сизлар билан ҳам бундай ҳолатларда неча бор юзма-юз учрашганмиз.

Ўша пайтда Чирокчидан мен одамларга муаммоларингизни шу ҳафтанинг ўзида ҳал қиласыз, деб ваъда берган эдим. Ўшанда улар ҳам менинг гапимга ишониб, «Бўлди, гап битта, биз ҳам ортикча жанжал қилиб ўтирмаймиз», деб, сайловга бориб, конун талабларини бажарган. Жанжалнинг сабабини сўрасангиз, бир совхоз билан бир колхоз одамлари ўртасида тахминан 300 гектар ер талаш булиган. Биз ўшанда кайвонилар, оксоколлар билан фикрлашиб, маслаҳат қилиб, бу масалани айтилган муддатда ҳал қилганмиз.

Шу маңнода, раҳбар учун халқ ишончи – бу жуда  
мухим нарса.

\* \* \*

Хар қайси инсон учун эл-юрт ишончи ва ҳурмат-  
эътиборига сазовор бўлишдан, энг муҳими, ана шу  
ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, уни амалий  
ишилар билан оқлашдан ортиқ баҳт йўқ, десам, сизлар  
ҳам бу фикрга қўшиласиз, деган умиддаман.

**КЕКСАЛАР –  
ХОНАДОНЛАРИМИЗНИНГ  
ФАЙЗУ ФАРИШТАСИ**



---

2015 йилда кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, муҳтарам фахрийларимиз ҳаётига дахлдор муаммоларни ҳал этишга алоҳида аҳамият қаратилади.

Мамлакатимизда жорий йилга «Кексаларни эъзозлаш йили» деб ном берганимиз замирида ҳам моҳият эътибори билан ана шундай эзгу максадлар мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши маълум.

\* \* \*

Ҳаётимизга, хонадонларимизга файз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга қўлимидан келганча ҳисса кўшиш, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини унутмаслигимиз керак, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни билдирган бўламан. Яъни, айтмоқчиманки, уларни ҳакиқатан ҳам қадрлаш, бу ҳаёт ғанимат, деб, уларга энг зарур, ширин сўзларни айтиш, керак бўлса, уларнинг қилган меҳнати, Ватан учун, юрт учун қанча-канча кийинчиликларни, мусибатларни бошидан кечирганини яна бир бор эслаб, айни ўша оғир кунларда ҳалкимизнинг мана шундай етакчи одамлари жон беришга тайёр бўлиб, Урушга отланганини ёдга олиб, уларнинг олдида ҳам таъзим қиласиз.

Бундай табаррук инсонлар билан тез-тез учрашиб туриш, уларнинг ҳолидан хабардор булиш бу одамлар учун катта мадад бўлади. Бирон-бир шириналлик буладими, иккита нон буладими, уларни нима биландир йўклаб бориш, худдики улар ҳозир ҳам бизнинг сафимиизда бўлиб, биз билан бирга эл-юртга хизмат қилаётганини ҳар доим эсимиздан чиқармаслик, кимки бўлмасин, қаерда ишламасин, жуда каттакон вазифада ўтирган бўлса ҳам, бу – унинг бурчи. Нега деганда, кекса одамлар ҳаётдан қачон рози, қачон миннатдор бўлади? Қачонки, турли-турли сохта, баландпарвоз гапларни кўп гапирмасдан, авваламбор, энг керакли пайтда уларнинг ҳолидан хабар олиб турса. Эй отахон, эй онахон, қандай яшаяпсиз ўзи, деб уларга меҳр кўрсатса. Сизга нималар этишмаяпти, нимага муҳтоҗсиз, қандай ёрдам керак, деб сўраш, кексаларга мана шундай муносабатда булиш – бу ҳам бизнинг бурчимиз. Мен истардим – авваламбор раҳбарлар шу борада ибрат бўлсин.

\* \* \*

Бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга бекиёс хизматлари сингган, хонадонларимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг қўламли чоратадбирларни амалга ошириш барчамизнинг нафакат вазифамиз, балки инсоний бурчимиз, деб қабул қилишимиз даркор.

Шу борада маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кексалар ва ногиронларга

доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатадиган тузилмаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Бунда турли муассаса ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини мувоффиклаштириш ва зарур даражада назорат қилиш масалалари назарда тутилиши керак.

\* \* \*

Бизнинг қарияларимиз қачон дуога қўл очмасин, Яратганимиздан эл-юртимизга тинчлик ва омонлик, фаровонлик ва равнак сўрайди. Мана шундай ҳаётӣ, хикматга тўла гапларни такрорлашдан чарчамайдиган қарияларимиз хонадонларимизнинг файзи ва баракаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Агар кимнинг уйида мана шундай қариялар бўлса, улар – баҳтли инсонларди.

Шу ўринда биз бу табаррук зотлар олдида умрбод карздор эканимизни унутмаслигимизни истардим. Нега деганда, бу ҳаёт, унинг ҳар куни, ҳар дақиқаси ғанимат. Мендан бу сўзнинг замирида қандай маънобор, деб сўраса агар, келажакда пушаймон бўлмаслик учун бизни асраб-авайлаб вояга етказган кексаларимиз ҳаёт бўлган пайтида уларнинг олдидаги бурчингни бажар, дегани бу, деб жавоб берган бўлардим.

Афсуски, биз кўп ҳолларда ота-оналаримизга, қарияларимизга улар ҳаёт бўлганида қандайдир эътиборсизлик, беписандлик билан караймиз. Ҳали онамнинг ёнида бўлишга вакт, имконият бўлади, деб ўйлаймиз. Биз хом сут эмган бандалар ана шундай

фикрда бўлиб, ғанимат дамларни ўтказиб юборамиз. Бошимиз деворга тақ этиб урилганида эса кеч бўлади. Шу маънода, ота-оналаримиз билан кўпроқ сухбатлашиш, уларнинг кўнглини кўтариш, маслаҳатини, дуосини олиш – бу бизнинг нафакат бурчимиз, балки бу биз учун улкан баҳт, десак, тўғри бўлади.

\* \* \*

Қайси уйда кекса инсон бўлса, у ерда ўзгача файз ва барака бўлади. Болаларнинг тарбияси ҳам, одоби ва ахлоқи ҳам умуман бошқача бўлади. Биз бугун карияларимизни қандай қадрласак, қандай эъзозласак, келгусида болаларимиз ҳам бизни худди шундай эъзозлайди. Кимки шу ҳаёт ҳакиқатини тушунмаса, минг афсуски, келажакда тақдири ҳавас қиладиган даражада бўлмайди.

Кексаларимизнинг дуосини олиб, бу ҳаётда баҳтли ва фаровон яшайлик, ўз мурод ва мақсадларимизга етайлик, уларнинг розилигини олсак, Яратганимиз ҳам бизга барча ишларимизда мададкор бўлади, иншоолло.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши биламиз, ҳалқимизнинг ўзига хос бетакрор хусусияти ва фазилатлари борки, уларни ҳеч качон бошка ўлкаларда топиб бўлмайди. Масалан, ота-онага, катталарга хурмат, кичикларга иззат туйғусини ҳамма жойда ҳам учратиш кийин.

Ғарб мамлакатларида бола ғозгина оёкка туриб, ўзининг ишларини йўлга қўйиб олса бўлди, у дарров ота-онадан алоҳида бўлиб, ўз билганича яшашга

ҳаракат килади. Бизда эса ота-она билан қанча кўп бирга яшаса, уларнинг қанча дуосини олса, шунча ўзини баҳтли деб ҳисоблайди.

Бизда оилада фарзанд дунёга келса, бу катта бой-лик сифатида қабул қилинади. Бироқ, бу бойликини эъзозлаш, ардоклаш, тарбиялаш керак. Бизнинг момоларимиз, ота-боболаримиз ҳаётий ўгитлари, панд-насиҳатлари, шахсий ибрат билан ўз оилаларига курсатаётган ёрдамини нима билан ўлчаб булади? Ўз фарзандининг боласига, невараю эварасига улар курсатаётган меҳр ва эътиборни нима билан ўлчаб булади?

Янги авлодни ўстириш, унинг бугунги авлоддан ҳам кўра акли, билимли, кучли ва, албатта, баҳтли бўлиши, аввало, бола тарбиясига боғлик. Биз бу борада жиддий ўйлашимиз керак.

Биз нима учун яшаяпмиз, ким учун яшаяпмиз? Албатта, факат кимданdir ўзиб кетиш учун эмас. Лекин биз давлат ва жамият барпо этишда ишни, биринчи навбатда, нимадан бошладик, деган савонни ўртага кўядиган бўлсак, биз буни, аввало, оиладан бошладик.

Иймонли, иродали ҳалқ ҳеч қачон ўз тарихи, ўз Ватанига бепарво бўлмайди. Ҳеч қачон ўз ота-онаси, авлод-аждодларидан колган фазилатларни унутмайди. Шундай олий мақсадларни ўз олдига қўйган ҳар кайси ҳалқ ҳеч кимдан, ҳеч қачон кам бўлмайди.

\* \* \*

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан тахминан 500 минг одам ҳалок бўлган ва бедарак кетган. Энди эса баъзи давлатларда шундай гаплар, ташвиқотлар

пайдо бўляптики, гўё бу урушда фақат битта катта миллат ғалаба қозонган эмиш. Шу гапларни эшигандада, одам хижолат тортиб кетади. Агар, ўша пайтда бутун СССРда яшаётган ҳамма ҳалкларнинг фарзандлари кўлига курол олиб, жангга кирмаганида, бу урушда ким ғалаба қиласди?

Бу урушда СССРдан 27 миллион одам ҳалок бўлган. Ҳадемай ўша урушда қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги тантана қилинади. Лекин урушни тантана қилиш тўгрими? Биз бу кунни Хотира ва қадрлаш куни сифатида ўтказамиз. Урушда ҳалок бўлгандарни эслаш, бугун орамизда яшаётган фахрийларимизни қадрлаш – инсоний нуктаи назардан энг тўғри йўл аслида шу эмасми?

Ёши катта одамлар яхши эслайди, бир вактлар 9 май куни ҳарбий парадлар бўларди, замбараклардан гумбурлатиб ўқлар отиларди. Лекин мустақил бўлганимиздан кейин ҳаёт бизга шуни ўргатдики, бу урушда ҳалок бўлганларни, уларнинг оилаларини эслаш, аввалимбор, ҳар бир мусулмон инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз.

\* \* \*

Бугун узок ва яқиндаги хорижий давлатларни кузатадиган бўлсак, уларда ҳам, мана, аста-секинлик билан «хотира» деган сўз ишлатила бошланди. Лекин улар «қадрлаш» деган сўзни эсидан чикарганга ўхшайди. Демоқчиманки, бизнинг бу борадаги сайди-харакатимиз, ишларимизни бошқалар ҳам намуна сифатида кўриб, бунинг маъносини англамокда,

мазмун-моҳиятини тушуниб, мағзига, томирига етиб бормокда.

Йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин хотира ва кадрлаш деган ибора халқимиз ҳаётида абадий қолади.

Хар қайси инсон, халқ, миллат ўзининг тириклиги, барҳаётлигини хотира билан ўлчайди. Барчамиз хотира билан яшаймиз, хотира билан тирикмиз. Хотиравини, ўтмишини эсидан чиқарган инсон, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, ҳайвонга айланади.

\* \* \*

Биз бугун тирик бўлган, орамизда ҳаёт бўлиб юрган уруш каҳрамонлари олдида бир умр карздормиз, уларнинг олдида бош эгиб таъзим қиласиз. Шу билан бирга, уларнинг умрини узайтириш учун нима керак бўлса, ҳаммасини қилишимиз лозим. Халқимиз «Ҳаёт – бу оқар дарё», дейди, яъни ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳаётнинг қонуни шундайки, туғилиш бор экан, ўлим ҳам ҳак. Бу нарса инсоннинг ихтиёрига боғлик эмас. Демокчиманки, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Лекин Худо одамга бу ҳаётни, бу умрни инсоний бурчини адо этиш учун буюрган. Умр мазмуни қилинган эзгу ишлар ва яхшиликлар билан ўлчанади. Эй инсон, ҳаётинг давомида бу бурчингни қандай бажаряпсан, бу дунёда сендан қандай из коляпти, деган саволларга биз ҳар куни, ҳар дақиқа жавоб излашимиз, ҳаёлимизнинг бир чеккасида доимо шу масала туриши керак.

«Ҳаёт – бу оқар дарё» деган иборанинг жуда катта маъноси, тўғрироғи, даъвати бор. Шу нуқтаи назардан караганда, урушда қатнашган, бугун ҳаёт бўлган

инсонларнинг сони ҳам камайиб бораётганини катта афсус билан айтишга мажбурмиз. Лекин, начора, оқадиган дарёни тұхтатиб бұлмас экан. Бу аччиқ ҳақиқатни онгли яшайдиган ҳар қайси одам чукур англаши ва яхшилик қилишга шошилиши керак.

\* \* \*

Биз, одатда, она тупрғимизда мангу ором топған ота-боболаримизнинг қабри олдига бориб, уларнинг рухига тиловат қиласыз, улар билан рухан сұхбат қурамыз, улардан худдики маслаҳат олгандек бұламыз. Азиз отажоним, меҳрибон онагинам, сизлар учун армон бўлиб қолган баҳтли ҳаёт мана, бизга насиб этди, сизлар эзилган, таҳқирланган замонлар энди ортда қолди. Озод ва обод юртимизнинг буғунги ривожи, фарзанд ва набираларингизнинг ёруғ ва баҳтли ҳаётининг гувоҳи бўлиб, азиз рухингиз шод бўлаётганига ишончим комил. Сиз, азизларнинг дуоси билан ана шундай буюк баҳтга, толега сазовор бўляпмиз, Ватанимиз янада равнак топмокда, дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига чикяпмиз, деб яхшилик, эзгулик, хайрли ва савоб ишлар ҳақида сұхбат қурамыз.

## **АЁЛ БАХТИ – ЖАМИЯТ БАХТИ**



Аёлларимизнинг турмуш шароитини енгил қилиш борасида биз учун майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлмайди ҳам. Аёлнинг кайфияти яхши бўлса, аёл ҳаётдан рози бўлса, оила ҳаётдан рози бўлади. Агар оила рози бўлса, маҳалла, бутун эл-юрт рози бўлади.

\* \* \*

Ҳар йили 8 март байрами яқинлашиши билан юртимиз аёлларини, муҳтарама онахонларимиз, опа-сингилларимизни дунёдаги қандай энг гўзал сўзлар билан таърифласам, уларга қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни қандай ифода этсам экан, деб ўйлайман, тўғриси, улар учун муносиб сўзларни то-полмасдан қийналаман.

Мен нима учун аёллар ҳақида гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман? Негаки, улар тўғрисида сўзлаганда, мўътабар, нурли сиймоси доимо менинг қалбимда, юрагимда яшаб келаётган мунис онамни эслайман, кўнглимга яқин бошқа опа-сингилларимизни хотирлайман, Қашқадарёда ўз фарзанди, турмуш ўртоғи учун қанчалар азоб чеккан аёллар, ноҳак камалганларнинг қизлари кўз ўнгимга келади.

Мен Қашқадарёда раҳбар бўлиб ишлаганимда вилоятда қанча одам камалган бўлса, барчасининг онаси, хотини, опа-сингиллари, қизлари бор эди. Ўша оғир дамларда ўзбек аёлининг ўз оиласи, севимли ёрига садоқати нақадар буюк эканини кўп-кўп мисол-

ларда ўз кўзим билан кўрганман ва аёл зотининг иродаси, меҳру муҳаббатининг кучига, унинг маънавий жасоратига тан берганман. Ва шундай гузал ва олижаноб, мукаддас аёлларимизни эъзозлаш, ардоқлаш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшashi учун барча-барча ишларни қилиш бизнинг асосий вазифамиз бўлиши керак, деб хисоблайман. Чунки, буюк Алишер Навоий айтганларидек, жаннат оналарнинг оёғи остидадир.

\* \* \*

Ортда қолган оғир йилларда мен ўзбек аёлларининг ўз ёри, ўз оиласига бўлган бекиёс вафо ва садоқатини айнан қашқадарёлик опа-сингилларимиз тимсолида ўзим учун қайтадан кашф килдим. Турмуш уртоклари, фарзандлари ёки ака-укалари ноҳақ қамалиб ётганида, бу муштипар аёллар ёрдам сўраб обком биносига бош уриб келарди. Уларнинг улкан сабр-бардоши ва чидамини, бошига қандай оғир мусибат тушган бўлмасин, Худо бор, ҳақиқат бор, деган умид билан яшагани, адолатга ишончи, оиласига меҳри, садоқати накадар кучли бўлганини ўз кўзим билан кўрганман ва уларнинг инсоний фазилатларига тан берганман...

Балки улар умид билан бир ёстикка бош кўйган умр йўлдошига ҳеч қачон «Мен сизни севаман, яхши курман», деб айтмагандир, лекин бутун қалби, вужуди билан ўз ёрига фидойи бўлган ана шу аёллар тимсолида мен ҳақиқий севги ва садоқат намунасини кўрганман, десам, ишонинглар, бу – айни ҳақиқат.

Юзлари офтобда корайиб кетган, кўллари меҳнатда қадоқ бўлган бу аёлларнинг қалби, юраги шунчалар гузал, шунчалар беғубор эканини кўриб, дунёда

хакикатан ҳам ўзбек аёлига тенг келадиган аёл йўқ, деган фикрга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилганман. Шу маънода, эркакларга қарата айтмоқчиман: шуни билиб қўйинг, бундай аёлларни бошка ҳеч жойда то-полмайсиз.

\* \* \*

Мен қачон ва қаерда бўлмасин, ҳурматли опа-сингилларимизнинг шаънига энг самимий сўзларни айтиш, уларнинг ҳурмат-эътиборини жойига қўйишга, уларнинг оғирини енгил қилишга даъват этишдан, шу максадда қўлимдан келган барча ишларни амалга оширишдан ҳеч қачон чарчамайман.

Карши шахрининг 2700 йиллик байрами муносабати билан бунёд этилган «Эл-юрт таянчи» ҳайкали тимсолида ҳам аввало ана шундай эзгу фикрларни муҗассам этганимиз, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Бундай жонкуяр, меҳнаткаш ва фидойи опа-сингилларимиз бугунги кунда ҳам турли соҳаларда самарали меҳнат килиб, оила, маҳалла, эл-юрт ўртасида тинчлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-окибат мухитини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

\* \* \*

Агар бизнинг аёлларимиз бошка давлатларда бўладиган гўзаллик танловларида қатнашгудек бўлса, билиб қўйинглар, биринчи-иккинчи ўринлар, албатта, бизнинг аёлларимизники бўлади. Бу мана шундай

мехнат, мана шундай тинимсиз ҳаракат ҳисобидан. Авваламбор, бизнинг наслимиз, палагимиз тоза.

Аёлларнинг нияти холис, юраги, қалби тоза. Чиндан ҳам энг кўп меҳнат киладиган, оилани энг севадиган, оилани ҳақиқий оила, эркакларни эркак киладиган ҳам аёлларимиздир.

\* \* \*

Нафақат уйда, даладаги ишларнинг ҳам катта кисми аёлларимиз елкасига тушаётганини қўлимизни кўксимиизга қўйиб айтишимиз керак. Таълим-тарбия, соғликни саклаш соҳасида ҳам, биринчи навбатда, ким хизмат киляпти – аёллар.

\* \* \*

Одатда, биз гўзал деган сўзни кўп ишлатамиз. Ҳар ким бу сўзнинг мазмун-моҳиятини ўзича тушунади. Лекин гўзал деганда мен, авваламбор, аёлларни тушунаман. Агарки шоир бўлсан, сизларга атаб, албатта, энг гўзал шеърни ёзган бўлардим.

\* \* \*

Аёлларнинг оғир меҳнати нафақат ишхонада, аввало, уйда, рўзгорда бўлади. Агарки кимдир аёл кишининг бир кунда уйида неча километр йўл босишини ҳисобласа, стадионларда югурадиган спортчилар ҳам уларнинг олдида ҳеч нарса бўлмай қолади.

Ҳақиқатан ҳам, аёлларимиз далада ёки корхонада ишласа, ундан кейин уйида ундан ҳам кўпроқ ҳаракат килишига тўғри келса, уларнинг оғирини енгил килиш барчамизнинг, аввало, эркакларнинг вазифаси эмасми?

\* \* \*

Бир пайтлар биз қишлоқларимизда гүзаллик салон-ларини куриш ташаббусини бошлаган эдик. Бу ташаб-бус барча вилоятларда кенг құллаб-куватланаётгани эътиборга лойик. Жойларда бу ишларни, албатта, давом эттиришимиз керак. Нега деганда, аёл гүзал бұлса – олам гүзал, аёл баҳтли бұлса – оила, бутун жамият баҳтли бұлади.

\* \* \*

Агар аёллар учун, уларга алоҳида эътибор каратишимиз учун байрам бұлмаганида, уни, албатта, үйлаб топишимиз керак бұлар зди.

\* \* \*

Биз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур – аёlinи эъзозлаган эркак баҳтли бұлади, аёlinи ҳурмат қилған миллат кам бұлмайди.

\* \* \*

Аёлни ҳурмат қилсак, миллатни ҳурмат қилған бұламиз. Фақат байрам куни эмас, бир йилда 365 кун бұлса, шунинг жуда бұлмаса 50 фоизини аёлига бағищлаган эркакнинг үзи ҳам, аёли ҳам баҳтли бұлади.

\* \* \*

Қиз болани коллежни битирмасидан, хунар эгал-ламасидан кимки турмушга бермоқчи бұлса, билиб қүйинглар, мен бунга мутлақо қаршиман. Қиз бола,

аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўз ўрнини топади, йўлини йўкотмайди.

Юртимиздаги ҳар бир киз бола – бу менинг қизим, менинг набирам ва уларни хафа қилишларига мен ҳеч қачон йўл кўймайман.

\* \* \*

Қиз бола – бу бўлғуси она, фарзандларимизнинг тарбиячиси. Эртанги авлод – бу Ўзбекистоннинг келажаги дегани. Қишлоқларимизда агар қиз бола ўзига муносиб иш топа олмаса, дардини ҳеч кимга айтолмаса, ўз орзу-ниятларини амалга ошира олмаса, бу ҳоким бўладими, прокурор бўладими, бошқа мутасаддилар бўладими, шуни билиб кўйиши керак, бу худдики қонунга менсимай карагандек қабул қилиниши зарур. Ана шу ёш қизларимизнинг ниятларини, албатта, рӯёбга чиқариш керак, улар, албатта, баҳтли бўлиши керак.

**ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КУРА  
КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО  
ВА АЛБАТТА БАХТЛИ  
БУЛИШЛАРИ ШАРТ**

1920-1921  
1921-1922  
1922-1923

1923-1924  
1924-1925  
1925-1926

1926-1927  
1927-1928  
1928-1929

1929-1930  
1930-1931  
1931-1932

1932-1933  
1933-1934  
1934-1935

1935-1936  
1936-1937  
1937-1938

1938-1939  
1939-1940  
1940-1941

1941-1942  
1942-1943  
1943-1944

1944-1945  
1945-1946  
1946-1947

---

Мустакил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва қасб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халкига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга кўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал килувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга гуур ва ифтихор бағишлайди.

Яна бир бор таъкидлайман, доимо ўрганиш, излашиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Бугунги кунда қайси давлат юксак тараққиётга эришган бўлса – бу Жанубий Корея ёки Япония бўладими, Европа давлатлари бўладими – буларнинг барчасидан ўрганиш керак. Бу борада биз учун ҳеч қандай мафкуравий чеклашлар йўқ. Биг учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнаки, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир.

\* \* \*

Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса кўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш барчамизning нафакат вазифамиз, балки бурчимизга айланishi керак.

\* \* \*

Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир.

Юртимизда таълим соҳасида ўқув муассасалари-ни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2014 йилда ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиги таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жихозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро мухандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари барпо этилди.

2014 йилда бир қатор янги институт ва факультетлар, ўқув-илмий марказлар очилди. Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети ва худудлардаги тиббиёт олий ўқув юртлари негизида Андижон, Бухоро, Самарканд ва Нукус шахарларида филиалларига эга бўлган Тошкент давлат стоматология институти ташкил этилди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида хитойшунослик факультети очилди, шунингдек, ушбу

институт қошида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ күләзмалари маркази ташкил килинди.

Жанубий кореялик шериклар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этилди. Мазкур олий ўкув юртида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошкариш бўйича халқаро стандартлар даражасида юкори мала-кали мутахассислар тайёрланади.

Ўтган йили олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди, яъни тест синовларига информатика бўйича саволлар киритилди, мутахассисликка оид фанлар бўйича баҳолаш баллари оширилди. Бу эса олий ўкув юртларига танлаган касбини хисобга олган ҳолда, энг яхши тайёргарлик қўрган абитуриентларни саралаб олиш имконини беради.

\* \* \*

Таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма обьектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш биз учун устувор йўналиш хисобланади.

Ушбу мақсадлар учун 2015 йилда давлат бюджети жами ҳаражатларининг қарийб 60 фоизи

йўналтирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, соғлиқни саклаш тизимида 14,2 фоиз маблаг сарфланади.

\* \* \*

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш аҳолимиз, аввало, ёш авлодимизнинг соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

2014 йил мобайнида фақат Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт обьекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилгани, 24 та обьектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда Узбекистонда 2 миллионга яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ киз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабалар тобора кўпайиб бормоқда. 2014 йилда спортчиларимиз 849 та медални кўлга киритди, уларнинг 266 таси олтин медаллардир.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг кузиди Жанубий Кореяда бўлиб ўтган, 45 давлатдан 13 минг спорт-

чи катнашган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 61 та, жумладан, 12 та олтин медални кўлга киритиб, Ўзбекистон терма жамоаси энг кучли ўнта мамлакат қаторидан жой олганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Спортчиларимиз ана шундай ютуклари билан Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этишга муносиб ҳисса қўшдилар ва уларнинг кўлга киритган мэрралари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

\* \* \*

Одамлар адолат учун жон беради, адолат учун курашади, адолат учун ўзини ҳам аямайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ана шундай мардлар ўсиб, вояга етмоқда. Мен бугунги ёшларимизни кўрсам, хаёлимга шундай фикрлар келадики, эй, сизлар бошқача тарбия оляпсизлар! Мутлако бошқача! Бизнинг ёшлигимизда бундай имконият ва шароитлар йўқ эди. Чунки биз бошқача даврда яшаганмиз, бошқача мафкуранинг маҳсули бўлганмиз.

\* \* \*

Фараз қилинг, мана шу 24 йилда туғилиб вояга етганлар эски замонни билмайди. Уларнинг ҳаммаси, айтайлик, ҳозирги кунда компьютерда ишлаш бўладими, инглиз тилини ўрганиш бўладими, чет мамлакатлардаги ўз тенгдошлари билан беллашиш бўладими, спорт, илм-фан, маданият соҳаларида ўзини шундай кўрсатяптики, буларнинг барчасини кўрганда, одам беихтиёр ғурурланиб кетади. Шахсан менга шундай пайтда бамисоли қаддим анча ўсгандек

туюлади. Керак булса, девор ёнига бориб, қанчалик ўсганимни ўлчаб куришга ҳам тайёрман. Балки ким-гадир кулгули күринади, лекин биласизми, ҳакиқатан ҳам одам шуни хис килади. Бундай ишларда менинг ҳам меҳнатим, хиссам бор, деган хиссиёт одамнинг кўнглини ҳам, каддини ҳам кўтаради.

Бугун Ўзбекистонда 31 миллион халқ яшайди. Ёшларнинг, мисол учун 30 ёшга кирганларнинг улуши таҳминан 60 фоизни ташкил этади. Бу авлодни, ўзингиз тасаввур қилинг, мана шундай хислатларга, мана шундай фазилатларга, хусусиятларга эга бўлган ва катта-катта мэрраларга интилаётган болаларни тұхтатиб бўладими?

\* \* \*

Бировга яхшилик қилган одамга, албатта, яхшилик қайтади, ўзига қайтмаса боласига, набираларига қайтади. Бу фикр, бу ғояни айникса энди катта ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз унутмасдан, умр бўйи бунга амал қилиб яшаса, ҳеч қачон кам бўлмайди.

\* \* \*

Мен ёшларимизга, менинг болаларимга карата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмокчи-ман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Аввалимбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди.

\* \* \*

Бу дунёда одам фақат корин түйдириш учун яшамайди. Одам аввало одам эканини амалда намойиш килиши керак. Шундай экан, биз ўз тарихимиз билан, буюк аждодларимиз билан ғурурланишимиз лозим. Шунга таяниб, янги-янги уфкларга отланиш зарур. Белни маҳкам боғлаб – «мана, мен борман», деб майдонга чиқишига тайёр бўлиб туриш керак. Мана шундай хиссиёт билан яшайдиган болаларни мен ўзимнинг фарзандларим деб гапиришдан хеч қачон чарчамайман.

\* \* \*

Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, қасб-хунар коллажлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иктисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Маълумки, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини оширишга қаратилган дастур асосида ҳар йили мамлакатимиз бўйича салкам 1 миллионта иш жойи ташкил этилмоқда.

Андижон вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, ўтган йили 80 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани, жумладан, кариб 41 мингга яқин коллеж битирувчи-си ишга жойлаштирилганини кайд этиш ўринлидир.

\* \* \*

Андижон ўзининг дунё микёсида ном қозонган спортчилари ва уларнинг минглаб издошларига, айникса, машҳур бокс мактабига эга вилоят ҳисоб-

ланади. Бундай натижаларга эришишда бу ерда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига берилаётган катта эътибор мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шундай ишларимизни кучайтириш мақсадида вилоятда келгуси 5 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 65 та объектда курилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Шу борада мен яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида айтилган муҳим бир фикрни сизларга етказмоқчиман. Биз ана шу мажлисда мамлакатимизнинг барча 14 та субъектида, жумладан, Андижон вилоятида ҳам халқаро миқёсдаги спорт усталарини тайёрлаш бўйича маҳсус спорт мажмуаларини барпо этиш ҳақида келишиб олдик.

\* \* \*

Ҳаммамиз яхши биламизки, оддий гимнастика зали ёки мактаб спорт залида Олимпиада ғолиби, жаҳон чемпиони ёки қитъада етакчи бўладиган спортчиларни тарбиялашни ўйлаш хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Нега деганда, бугун замон, ҳаёт шундай тез ўзгаряптики, чемпионлар етишириш учун кўпроқ эътибор ва шарт-шароит талаб қилинмоқда. Мана, Хитойни олинг, бу мамлакатда 5–7 ёшдан бошлаб иқтидорли болалар саралаб олинади ва тарбияланади. Мақсад – уларнинг орасидан Олимпия чемпионларини тайёрлаш. Агар йигит-қизлар болалигидан бошлаб ўз севган спорт тури билан шуғулланса, малакали мурраббийнинг кўлига тушса, бу йўлда унинг учун ҳамма

имкониятлар яратилса, албатта, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Биз ҳам спортчи ёшларни тайёрлашда шу йўлдан боришимиз керак, бизга ҳам жаҳон миқёсида энг юксак шоҳсупаларга кутариладиган, ҳаммани қойил қиласидиган чемпионлар керак. Андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев 2000 йили Сидней Олимпиадаси чемпиони бўлганида, мен худдики ўзимнинг болам чемпион бўлганидек хурсанд бўлганим ҳали-бери хаёлимда туради.

Ана шу фикрларнинг барчасини ҳисобга олиб, айтмоқчиманки, Андижонда ҳам замонавий спорт мажмуалари куришимиз керак ва энг малакали, фидойи спорт усталарини болаларимиз билан ишлашга жалб қилсак, керак бўлса, чет элдан моҳир тренерларни олиб келсак, чемпионларимиз, албатта, янада кўпаяди.

\* \* \*

Сизларга маълумки, мустакиллик йилларида юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширган улкан, том маънода тарихий ишларимиз бугунги кунда мамлакатимизни жадал тараккий топтириш, бошқалар ҳавас килаётган юксак марраларга эришишда ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Бухоро вилоятида келгуси беш йилда 95 миллиард сўм маблағ ҳисобидан ўнлаб янги мактаблар, лицей ва коллежларда, маданият ва санъат, спорт масканларида янги қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш белгилангани ана шу эзгу

ишларимиз давом этаётганининг далилидир. Шулар қаторида Бухоро давлат университетининг ўкув биносини капитал реконструкция килиш ишлари 2016 йилда якунланади.

Биз таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларимизни, албатта, охирига етказишимиз, бундай таълим даргоҳларини нафакат куриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, балки фарзандларимизни замон талаблари асосида камол топтириш учун энг юксак макали ӯқитувчи ва домлаларни жалб этиш, уларнинг билим ва тажрибасини мунтазам ошириб боришга энг муҳим, ғоят масъулиятли вазифа деб карашимиз зарур.

\* \* \*

Ҳаммамизга яхши маълумки, халқаро мусобакаларда, бу Олимпия ўйинлари бўладими, жаҳон чемпионатлари бўладими, бундай муросасиз беллашувларда шоҳсупага чиқиш, медалларни қўлга киритиш осон эмас.

Мамлакатимизда Олимпия чемпионларини кўпайтирмокчи бўлсак, умуман, нуфузли мусобакаларда Узбекистоннинг байроғини баланд кўтаришни истасак, ёш спортчиларни тайёрлаш тизимини мутлако ўзгартишимиз керак. Биз ташкил қиласиган халқаро микёсдаги спорт усталарини тайёрлаш бўйича маҳсус мажмуалар ана шу максадга хизмат килиши керак. Ана шундан кейин мана шу Жиззах вилоятидан битта-иккита эмас, балки ўнлаб Олимпия чемпионлари етишиб чиқиши мумкин. Мана, шахмат бўйича чикяпти! Бундай спортчиларни қанча кўп етиштир-

сак, миллатимизнинг салоҳиятини шунча юксалтирган бўламиз.

\* \* \*

Бугун хорижий ҳамкорларимиз бизнинг ёшларимизни куриб, уларга ҳар томонлама қойил колмокда. Улар бизнинг ёшларимиз билан сухбатлашиб, қани энди, ўз қасбини пухта эгаллаган, хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган бундай ёшларни бошка мамлакатларда ҳам кўрсак ва улар билан ишласак, деб орзу килади. Бир сўз билан айтганда, улар Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини юксак баҳолайди.

Бугунги кунда хорижий ҳамкорларимизнинг, «Сизларнинг ёшларингиз, болаларингизнинг кўзи ёниб туради» деган сўзларини ҳар қадамда эшитиш қийин эмас.

Мана яқинда АҚШнинг «Женерал моторс» компанияси раҳбарлари билан учрашувда – сизлар яхши биласиз, бутун дунёга машҳур бу компания билан ҳамкорликда Асакада автомобиль ишлаб чиқаряпмиз, Тошкент вилоятида мотор заводини барпо этиб, ишга туширдик – улар айни шу гапларни менга айтди.

Ҳакиқатан ҳам, бу бирон-бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмаган, янгича фикрлайдиган янги авлоднинг майдонга чиқаётганидан далолат беради. Бундай минг-минглаб, соф ният билан олдинга интилишга, ўзининг Оллоҳ берган имконият ва салоҳиятини Ўзбекистонимиз равнаки учун сафарбар килишга, шунинг ҳисобидан, авваламбор, унинг ўзи рози бўлиб, хаётда ўрнини топиб яшашга бел боғлаган йигит-

кизларимизга нисбатан ана шу иборани ишлатиш ҳар томонлама ўринли бўлади. Яъни, бундай ёшларнинг кўзи ҳам ёниб туради, харакати, интилиши ҳам шундай катъий ва дадилки, менга имконият беринглар, мен ўзимни кўрсатаман, деб гуур билин яшайдиган бундай болаларни, қани, айтинглар, севмаслик, яхши кўрмаслик, улар учун барча-барча шарт-шароитларни яратиб бермаслик мумкинми, деб мен ўзимга ўзим савол бераман.

\* \* \*

Мен доим бир нарсага эътибор бераман: болаларимиз, кизларимизнинг кийинишига қаранглар, улар қандай кийинади? Қаранглар, ким бизнинг болаларимиздек чиройли кийинади? Бу бир қарашда майда нарса булиб туюлиши мумкин. Аслида бу майда гап эмас. Мана, коллежларга, лицейларга қатнайдиган болаларнинг кийинишига қаранглар, галстукни шундай боплаб боғлайдики, мен goх-goх ойнанинг олдига келиб, улар қандай боғлар экан, деб машқ қиласман. Коллежда ўкиётган, эндиғина 16 ёшга кирган бола мана шундай бежирим кийинади.

Қизлар-чи? Бизнинг чиройли қизларимизни бошқалар билан солиштиришнинг ҳожати йўқ. Улар барибир биринчи ўринда туради, дунёда бизнинг кизларимизга teng келадигани йўқ.

Мен охирги чиқишлиаримдан бирида, «Айтинглар, бундай олижаноб, бундай бағрикенг, бундай меҳроқибатли халқ яна қаерда бор?» деган саволга жавоб бериб, аминман, бундай халқни қидириб-қидириб хеч

жойдан тополмайсиз, деганим эсимда. Шу фикрни гурур билан такрорлашга доимо тайёрман. Бизнинг 24 йиллик мустақил ҳаётимиз шуни күрсатдики, биз тұғри йүлни танлашда шошилмадик.

Мен шу ҳақда күп ўйлайман, кечалари уйку билмасдан, каерда биз нимани ҳисобға олмадик, қайси масалага етарли эътибор бермадик, деган саволлар доимо одамни қийнайды. Шуларни умумлаштириб, тақрор айтмоқчиман, биз тұғри йүлни танлашда шошилмадик. Баъзилар, эй, мана, биз унга етиб бордик, биз бунга етиб бордик, деган бакир-чакирларни күп гапиради. Биз ҳеч қачон шошилмадик. Энди бизга ҳавас қиласынан пайт келди. Ҳатто дунёдаги энг ривожланған, манаман деган давлатларнинг вакиллари ҳам келиб биздан нимани сұрайди? Бу болаларни каердан топдинглар, деб сұрайди.

Мен шу ҳақда алохидә айтмоқчиман, юртимиздағи бутун борлиги билан ишга берилиб, эртанги кунга ишониб, астайдыл меңнат қиласынан одамларни, айникса ёшларни куриб, хорижлик ҳамкорларимиз бизга катта ишонч билан қарамақда.

Ҳакиқатан ҳам, биз ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турған күзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бүлмайман, деган харакатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида күрамиз.

\* \* \*

Албатта, ёшларимизнинг нималарга кодир экани, қандай имкониятларға зға экани, ҳаётга қандай

тайёр бўлаётгани, керак бўлса, қандай босқичлардан ўтаётганини мен яхши биламан. Мана энди турли давлатларнинг мутахассислари билан, тенгдошлари билан баҳслашишга, беллашувга тайёр бўлган ёшларимиз дунёни кўряпти. Энди улар бошқалардан ўрнак олиб, кучига куч кўшиляпти. Энди уларни тўхтатадиган бирон тўсиқ деган нарсани топиш қийин. Факатгина тўғри йўлни кўрсатсан, болаларимиз босади. Ўзбекча айтганда, маҳаллий шевада айтганда, босади. «Босади» деганим – янги-янги мэрраларни эгаллайди, деганим.

Авваламбор, билимга интилиш, иккинчидан, ҳеч тортинмасдан бошқалардан ўрганиш керак. Мен болаларимга айтмоқчиман: азиз фарзандларим, ҳеч қачон ўқиш-ўрганишдан, изланишдан уялманглар. Одамзод бор экан, умрининг охиригача ўрганади. Мен ҳамма нарсани биламан, деб бошқаларни писанд қилмасдан юрадиган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди.

Мен болаларимизни шунинг учун ҳам яхши кўраманки, уларда ғўдайиш, осмонда парвоз қилиш деган нарсалар йўқ. Ва Худодан сўрайман, бундай ҳолатлар уларда бўлмасин ҳам. Биз доим ўрганишга, тинчликни кадрлаб, тарихдан сабоқ чиқариб яшашга тайёр бўлган халқмиз. Бугун биз айни шундай ёшларни, ҳаммани ҳайратда қолдирадиган ёш авлодни тарбиялаяпмиз.

\* \* \*

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлод бизнинг энг катта бойлигимиз. Якин кўшниларимиз бўлган айрим давлатларда ёшларнинг 50–60 фоизи са-водсиз. Эртага улардан нима кутиш мумкин? Улар эр-

танги кунини ниманинг хисобидан куради? Шу маънода, Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги нима деса, ҳеч иккиланмасдан айтишга ҳаклимиз – энг катта бойлигимиз бизнинг ёшларимиз, болаларимиз. Бугунги авлод биз бундан 18 йил олдин қабул килган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг меваси бўлиб, ўша пайтлар биз мақсад қилган «портлаш эффиқти» рўй бермоқда.

Бугун юртимизда барпо этилган энг замонавий корхоналарда ўзимизнинг фарзандларимиз ишляпти, улар энг мураккаб технологияларни бошқармокда. Асакадаги автомобиль заводимизда ҳозир бирорта чет эллик мутахассис борми? Йўқ, ҳаммаси ўзимизнинг коракўз болаларимиз. Бундан фахрланмай, ғуурланмай бўладими ахир?

\* \* \*

Ўз ҳаёти, ўз тақдирини она Ўзбекистонимиз билан чамбарчас боғлаб, келажак сари катта ишонч билан интилаётган болалар – бу менинг болаларим.

Бундай азму шижоатли, кўзлари ёниб турадиган, замонавий билим ва касб-хунарга эга, дунё майдонида ўз тенгдошлари билан беллашувга кодир бўлган ёшларни ҳимоя қилишга, уларга мадад беришга, уларга ҳар кандай амалий шароит ва имконият түғдириб беришга мен доимо тайёрман.

Азиз фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида келгуси 5 йилда Навоий вилоятида ўнлаб мактаблар, мактабгача таълим масканлари, лицей ва колледжлар, болалар спорти объектлари, мусика

ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмиrlаш ва жиҳозлаш кўзда тутилмокда. Шулар қаторида, Навоий шаҳри марказида Навоий давлат кончилик институти учун муҳташам ўқув биноси бар-по этилади.

\* \* \*

Мамлакатимизда 2009–2014 йилларда 136 та янги мусиқа ва санъат мактаби қурилди. Айни вактда 142 та ана шундай мактаб капитал реконструкция қилиниб, қайта жиҳозланди. Микёси ва кўламига кўра ғоят ул-кан бўлган ушбу ишларни амалга ошириш учун 634 миллиард 4 миллион сўм ҳажмида маблағ сарфлангани бу соҳага қандай катта эътибор қаратаётганимизни кўрсатади.

Наманган вилоятида кейинги етти йилда 27 миллиард 2 миллион сўм маблағ эвазига 15 та замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилгани ҳам шу йўлда катта қадам бўлди.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Мусиқа мактабининг вазифаси – дейлик, факат бир асбоб чалишни ёки нота саводини ўргатиш дегани эмас. Бу мактабларнинг бош вазифаси – авваламбор, болаларимиз, ёш авлодимизнинг мусиқа ва санъатга бўлган меҳр-муҳаббатини уйғотиш ва ривожлантиришдан иборат.

Мақсадимиз – болаларимиз жаҳон санъат оламига чукуррок кириб борсин, унинг сир-асрорини, буюк мусиқа ижодкорларининг ўлмас меросини – бу Бетховен бўладими, Шопен бўладими, Моцарт бўладими,

хар томонлама англаб етсин, юксак маданиятли инсонлар бўлиб камол топсин.

\* \* \*

Бугунги кунда Ер юзининг айрим нуқталарида кандай сиёсий можаролар, уруш ва қонли тўқнашувлар содир бўлаётганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Мисол учун, Ирок, Сурия ва бошқа мамлакатларда халифалик тузишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Чет давлатларда сиёсий вазият шундай қалтис бўлиб турган бир пайтда, болаларимизни йўлдан уриб, хорижий мамлакатларга олиб чиқиш учун ҳаракатлар бўлиши – биз учун жуда катта хавф. Бундай маккор ишларнинг ҳам ташкилотчилари бор. Уларнинг турли алдовлар, ёлғон ваъдалар билан болаларимизни чалғитишларига ҳеч қачон йўл кўймаслигимиз керак.

\* \* \*

Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётига энг катта зиён етказадиган нарса бу – сохта ва ёлғон информация. Бу – одамларни йўлдан уришнинг энг хавфли усули. Айниқса, ёшларни чалғитиш, керак бўлса, оёғини ердан узиб, турли чўпчак ва афсона гапларни уларнинг онгига қўйишида бу усул кенг қўлланмоқда.

\* \* \*

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишининг энг муҳим шарти бўлган таълим-тарбия масаласи ҳақида сўз борганда, биз кўпинча соҳанинг

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўкув юртлари барпо этиш, уларни замонавий жиҳозлаш ҳақида кўпроқ гапирамиз. Ҳолбуки, айни шу ишларимиз билан бирга, таълимнинг мазмуни, сифати ҳам тубдан ўзгармоқда.

\* \* \*

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида яшаётган 780 мингга якин аҳолининг қарийб 300 мингини ёки 38 фоиздан ортигини 18 ёшгacha бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Бу эса, табиийки, ана шу фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишини таъминлаш учун олдимиизга кўп-кўп долзарб вазифаларни кўяди. Шу кўз билан қараганда, вилоятда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган катта ишлар, айниқса, эътиборлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги етти йилда 8 та янги мактаб курилиб, 140 та мактабда капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилганини айтиш ўринлидир. Келгусида ҳам яна кўплаб замонавий мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, маданият ва санъат, спорт масканларини куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари давом эттирилади.

\* \* \*

Биз фарзандларимизга чет, тилларни ўргатишни такомиллаштириш бўйича қамрови ва мазмун-мохияти бўйича катта ишларни бошладик. Жумладан, 2012 йилда шу борада маҳсус қарор қабул

қилдик. Шу киска даврда бу ишларимиз ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бошлаган ишларимизни изчил давом эттирсак, насиб этса, бу борада ҳам «портлаш эффекти»га эришамиз. Шунда дунёда бизнинг фарзандларимизнинг олдига тушадиганнинг ўзи бўлмайди. Ишонинглар, бу шунчаки ҳавойи, баландпарвоз гап эмас, биз бошлаган иш чукур ва мустаҳкам асосга эга бўлиб, у, албатта, эртага юксак натижасини кўрсатади.

Биз бугун эришаётган муваффақиятларимизни давом эттирсак, амалга ошираётган ишларимиз эртага қандай самара беришини ҳисобга олиб, шу йўлдан катъият билан борадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг келажаги, албатта, буюк бўлади.

\* \* \*

Энг муҳими, замонавий билим ва тафаккурга, соғлом дунёқарашга эга, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга тайёр бўлган, кўзи ёниб турадиган навқирон авлодимиз катта ишонч билан ҳаётга дадил кириб келаётгани барчамизни кувонтиради.

Бу дунёда ҳар кайси ота-она, авваламбор, болалирини ўстириш, вояга етказиш, уйли-жойли қилишдек эзгу ниятлар билан яшайди. Айникса, ўзбек ҳалқининг болажонлиги, ўз боласини жонидан ҳам яхши кўриши, бу борадаги фидойилиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Бугунги кунда юртимизда эртанги кунимизни ўз кўлимиз билан қурамиз, деган ёшларни кўрганимда, менда худди канот пайдо бўлгандек бўлади. Биз бунёд

этадётган бу гузал ҳаётни эртага кимнинг қўлига топширамиз? Албатта, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз, фарзандларимизнинг қўлига! Ўзбекистонда янги авлод пайдо бўлаётганини дунё тан оляпти. Бундай авлод билан эртага, албатта, мақсадларимизга етамиз.

\* \* \*

Бугун Сурхон эли спортда ўзини кўрсатмоқда. Сурхоннинг нафақат полвон йигитлари, ҳатто қизлари ҳам спортда биринчилар қаторида, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Сурхондарёлик йигит-қизларнинг кийиниши ҳам кишини ўзига тортади. Бу бизнинг қадимдан ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий кийимларимизга эга бўлганимиздан далолат беради. Бу шунчаки гап эмас. Инсон ўзини ҳурмат қиласиган бўлса, шундан кейин бошқалар ҳам уни ҳурмат қиласи...

Бизнинг эртанги авлодимиз биздан кўра кучли, билимли, аклли, доно ва албатта баҳтли бўлиши шарт, деган шиорни мен 90-йилларда айтган эдим. Мана, энди натижасини кўряпмиз. Бизнинг болаларимизнинг кўриниши илгари қандай эди-ю, ҳозир қандай?

Армиядан муддатидан олдин кетишга мажбур бўлган йигитларни 80-йилларнинг охирида мен ўзим Тошкентда, Марказқўм биносида кутиб олардим. Қаддини курсангиз, бир ярим метрдан баланд эмас. Қандай килиб уларни жазодан олиб қолиш, қандай килиб вақтинча армиядан озод килишни ўйлардим. Энди ҳозирги болаларимизни кўринг. Кеча

Қашқадарёда бўлган эдик. Шундай келишган йигитлар, кизлар утирибдики, уларнинг қадди-қоматини кўриб, ҳавасингиз келади.

Бизнинг фарзандларимиз ҳар томонлама соғсаломат бўлса – бу, аввало, халқимизнинг баҳти эмасми?

Шунинг учун, мана, Тошкентда қанча-қанча янги клиникалар куряпмиз. Яқинда яна келишиб олдик, турли туғма касалликлари бор ёки шундай касалга дучор бўлган bemорларни даволаш учун ҳозир биз шундай замонавий шифохоналарни куряпмиз ва энг нозик операцияларни ҳам ўзимизда ўтказяпмиз. Бугунги кунда даромадимиз ҳам, ҳаёт даражамиз ҳам ўсиб бормоқда, одамларимиз яхши яшаяпти. Яхши яшаш ўз йўли билан, лекин ҳар қайси оилада соғлом ҳаёт тарзи хукмрон бўлса, бола ҳам соғлом бўлиб туғилади. Бундан катта баҳт борми ўзи?

\* \* \*

Барчамиз бугун чукур англаб олдик – фақатгина замонавий асосда таълим-тарбия олган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидағи тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлигар ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга кодир бўлади.

Шу сабабли юртимизда янги-янги мактаблар, лицей ва коллежларни, маданият, санъат ва спорт обьектларини куриш, реконструкция килиш, замонавий талаблар асосида жихозлаш ишларига бундан буён ҳам устувор эътибор қаратилади.

Тошкент вилоятида 2015 йилда 23 миллиард 500 миллион сүм маблағ ҳисобидан ўнлаб болалар спорти объектларини янгитдан қуриш, реконструкция килиш ва замонавий жиҳозлаш бўйича катта ишлар олиб борилаётгани ана шу максадга хизмат килади.

Келгуси беш йилда янги мактаблар, спорт заллари, бассейнлар, маданият ва санъат масканларини барпо этиш ҳам шу борадаги режаларимиздан ўрин олган.

\* \* \*

Ёшлар ҳакида мен бошқа вилоятларда ҳам кўп гапираман. Бугун Тошкент вилоятининг ёшларига карата, болаларим, сиз шундай бир замонда яшаяпсизки, ўзингизни кўрсатишингиз, бор имконият ва салоҳиятингизни ишга солишингиз мумкин, деб айтмоқчиман. Ўзингиз каранг, сизларнинг бугун ҳар кадамда ташаббус курсатишингиз учун қандай имкониятлар яратилган. Яъни, сизнинг қалбингизда ўз юртини севиш, шу юрт учун ёниб яшаш туйғуси бошқача бўлиб, бу – сизларнинг баҳтингиз, десак, тўғри бўлади.

Юртимиздаги кенг қўламли янгиланишлар, бунёдкорлик ва ободончилик ишларида сиз, азиз фарзандларимиз узокдан кузатувчи эмас, балки бу жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлмоқдасиз.

\* \* \*

Мен вилоятларда бўлганимда жисмонан бакувват, келишган, чиниккан болаларимизни куриб, жуда фахрланаман. Улар, менга фотоҳа беринг, Бразилияда чемпион бўлмоқчиман, деган кутаринки фикрларни билдириди. Узбекистон заминида чемпионликка таш-

на бундай йигит-қизларимиз кам эмас. Уларга халқаро мөъёрлар асосида шарт-шароит яратиб берсак, уларни юқори малакали чет эллик тренерлар, мутахассислар билан таъминласак, юртимиздан яна кўплаб чемпионлар, халқаро мусобақалар ғолиблари чиқади. Биз шунга ҳаракат қилишимиз керак.

Эътибор берсангиз, ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини спорт залларига, мусиқа мактабларига етаклаб келмоқда. Фарзандининг ана шу масканларда таълим олиши ва камол топиши учун вактини ҳам, маблағини ҳам аямаяпти. Бу Ўзбекистонда илгари кузатилмаган ҳолат. Сизларга айтсам, бу – юртимизда янгича фикрлайдиган авлод пайдо бўлаётганинг ифодаси эмасми? Мен ишонаман, бундай авлодни ҳеч қандай куч ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бизнинг, албатта, буюк давлат қуришимизнинг асосий шарти ва гарови аслида шу эмасми?

\* \* \*

Халқимиз кечаги тарихимизди қандай оғир кунларни кўрганини ёшларимизга ким тушунтириб бераdi? Агар бу ҳақиқатни болаларимизга биз етказмасак, ким етказади?

Авваламбор, ён-атрофга очик кўз билан қараб хулоса чиқариш, ўзининг мустақил фикрига эга булиш, керак бўлса, ҳақиқатдан доим руҳланиб яаш зарур. Ҳақиқатни кидириш ва ҳақиқатдан куч олиб яаш керак.

\* \* \*

Факат ўз куч ва салоҳиятига таяниб, ўзлигини англаб, бошини баланд кўтариб яшайдиган халқни дунё ахли хурмат қиласди.

Менинг истагим битта – ёшларимизга, фарзанд-ларимизга шуни етказсак бўлди. Менинг армоним қолмайди. Нега деганда, ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқ ўзидан билимлироқ, кучли, қудратли ва баҳти авлодни тарбиялашга ҳаракат қиласди. Бугунги кунда болаларимиз шундай рухда, шундай даражада тарбияланяпти, шундай даражага кутариляпти.

Фарзандларимиз илм-фан сирларини ўрганиш бўладими, замонавий билим ва қасб-ҳунарларни эгаллаш бўладими, ахборот-коммуникация технологиялари, интернетдан фойдаланиш бўладими, барча-барча соҳаларда юксак чўққиларни эгалламоқда. Бугун беш ёшли бола интернетнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чикадики, шахсан мен уларнинг ҳаётини ўзимнинг шу ёшдаги ҳаётим билан солиштириб, ҳайратда қоламан. Бир сўз билан айтганда, бугунги авлод жуда тез ўсяпти. Буни тан олишимиз ва айни шундай натижаларга эришганимиздан факат хурсанд бўлишимиз керак. Бугун талабаларимиз кўпгина соҳаларда профессор ва ўқитувчиларимиздан анча илгор эканини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ҳозир домлаларимизда ўз устида тинимсиз ишлаши учун яна битта туртки – мен болалардан, талабалардан орқада қолаётган бўлсам, уларга дарс беришга хаққим йўқ, ўз устимда янада кўпроқ ишлашим керак, деган фикр пайдо бўляпти.

Шу ҳақда сўз кетган экан, ҳаётда кўп нарсани кўрган инсон сифатида айтмоқчиманки, профессор факат синов дафтарчасига баҳо қўйиш, имзо чекиш билан ўзига ҳақиқий обру топа олмайди. Профессор ва

ўқитувчининг обруси – бу унинг билими ва салоҳияти, талабалар юрагида, қалбида колдирган учмас изи, яхши мутахассис ва шогирдларни тарбиялаши билан улчанади.

Шу нұктаи назардан Караганда, бугун болаларимиз ана шундай даражага күтарилаётган экан, бу бизнинг катта ютуғимиз булиб, ҳақли равишда барчамизга ғурур бағишлийди.

\* \* \*

Мен тушунаман – ёш йигит-қизларга ёқадиган, уларнинг күнглига мос тушадиган замонавий иш топиб бериш осон эмас, лекин айни шу масала учун мутасадди бўлган раҳбарлар масъулиятни чукур хис килиб, астойдил ишлайдиган бўлса, кўп нарсага эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда биз касб-хунар колледжларини битириб чиқаётган баъзи йигит-қизларни, уларнинг истагига қарамасдан, бўш турган жойларга ишга қўйишга мажбур бўляпмиз. Мен бундай болаларга улар қандай касбни эгаллагани ва интилишига қараб иш топиб беришни ўзимнинг давлатнинг энг асосий вазифаси деб биламан. Ҳақикатан ҳам, фарзандларимиз қайси соҳа бўйича ўқиган бўлса, шу йўналишда ўз ишини давом эттириши учун уларга зарур шароит тугдириб бериш лозим.

Хоразм вилоятининг имкониятидан келиб чиқадиган бўлсак, нафакат қишлоқ хўжалиги, балки саноатни, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобидан бу масалани ечишимиз керак. Мисол учун,

туризми тараккий эттириш борасида Хоразм ви-  
лоятида катта ютукларга эришилмоқда. Хоразмлик  
ёшларнинг бир эмас, икки эмас, уч-тўртта тилда  
бемалол гаплашиши чет эллик меҳмонларни Хива-  
нинг тарихий обидаларидан кам ҳайратда қолди-  
раётгани йўқ. Уларнинг ширин тили ва муомала-  
си хорижлик меҳмонларга манзур бўлаётганини  
Самарқандда сайёҳликка бағишлиган халқаро ан-  
жуманда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти раҳбарининг  
ўзи шахсан эътироф этганини эшитиб, биласизми,  
кувончим, ғурурим ичимга сиғмай кетган эди.

\* \* \*

Эртанги кунимизнинг энг катта кучи, керак бўлса,  
замини нимага асосланади, деган саволга мен ёш-  
ларимиз, ёшларимиз ва яна бир бор ёшларимиз-  
га, деб жавоб бераман. Ана шу фикрни, бу борада  
биз жойларда амалга ошираётган ишларни қўллаб-  
куватлашингизни сўрайман.

Хозирги кунда юртимизнинг қайси шаҳар ёки  
кишлогига борманг, энг муҳташам, энг кўркам би-  
нолар бу мактаблар, лицей ва коллежлар, маданият,  
санъат ва спорт масканлари эмасми?

Илгари бундай иморатлар қаерда эди? Биз, ай-  
тайлик, кимнидир ҳайратда қолдирмоқчи бўлсак,  
меҳмонларни каерга олиб борар эдик? Қорамоллар  
боқиладиган фермага. Шунча сиғиришимиз бор ва улар-  
дан йилига бунча сут олинади, деб мақтанаар эдик. Бу-  
гун биз нима билан мақтанияпмиз, мақтаниш обьекти<sup>1</sup>  
ва субъекти ким бўлди? Бизнинг таълим-тарбия мас-  
канларимиз ва уларда ўкиётган болаларимиз эмасми?

Айни шу йүлни танлаганимиз энг түғри, тарихий қадам бўлди. Чунки, бизнинг эртанги кунимизни ким қуради – болаларимиз қуради, индинги кунимизни ким қуради – невараларимиз қуради.

Шу нуктаи назардан қараганда, энг түғри йўл – таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, янада мустаҳкамлаш йўлидир. Биз бу йулдан ҳеч качон қайтмаймиз. Янги-янги мактаблар қуриш, замонавий ўкув лабораторияларини ташкил этиш, коллежларни битириб чиқаётган болаларимизни тўлик иш билан таъминлаш масалалари доимо эътиборимиз марказида туради.

\* \* \*

Айни вактда ҳаммамизга аёнки, аҳоли сони ўсяпти, минг-минглаб фарзандларимиз ҳаётга кириб келяпти, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, айниқса, замонавий иш билан таъминлаш – нафақат бизда, айтиш мумкинки, бутун дунёда энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи муаммога айланмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, ишсиз, даромадсиз одам турили номаъкул кўчаларга кириб кетиши мумкин. Шу нуктаи назардан қараганда, Қашқадарё вилоятида ўтган йили 89 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани, жумладан, қарийб 45 минг нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилганини таъкидлаш лозим.

Мен айни шу масалага алоҳида эътиборингизни каратмоқчиман. Эндиғина катта ҳаётга қадам кўяётган болаларимизни, ўзимизнинг фарзандларимизни ишга жойлаштириш дегани нимани англатади? Бу – факт куруқ ракам эмас.

Бу рақамлар ортида қанча-қанча одамлар, ёшларимизнинг тақдири, уларнинг эртанги куни, бахту саодати, кувонч ва орзулари мужассам. Бу болалар ишга жойлашган бўлса, бир ойдан кейин ота-онасига, мана, сизларга биринчи маошимни олиб келдим, деб айтса, оилада бундан ортиқ хурсандчилик бўлиши мумкинми ўзи?

Мен буни тасаввур қиласар эканман, худдики ўзимнинг ҳаётимда шундай воеа юз бергандек кувониб кетаман. Бизнинг ҳар биримиз бу ҳаётда турили синовларни бошимиздан кечирганмиз. Лекин давлат нуктаи назаридан, жамият нуктаи назаридан, ота-оналиқ нуктаи назаридан болаларимизга айни шундай шароитлар яратиб бериш бу – бизнинг, давлатимиз, ота-оналарнинг бурчидир ва биз бу бурчни, албатта, адо этамиз.

\* \* \*

Мен қачон ва қаерда, қандай масалада чикиш қилмайин, авваламбор, ёшларимизнинг чакнаб турган кўзларини, очик чехрасини кўриб, доим бир фикрни таъкидлайман: минг шукроналар бўлсинки, Яратганимиз сизларга шундай эркин ва озод замонда яшаш имконини бердики, сизлар эски мустабид, совет тузумини кўрмагансиз.

Шу нуктаи назардан қараганда, сизлар жуда бахтили авлодсиз. Мана, орадан қанча вақт ўтди, кечаги тарихимииздаги фожиаларни «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган фитна ва ўйинларни эсламаслик, бугун ёшларимизнинг бундай ноҳақликларни кўрмасдан ўсаётгани – бир томондан жуда яхши.

Фарзандларимизнинг биз мустақиллик даврида, тинч-осойишта шароитда ўсиб катта бўлганмиз, ота-бо- боларимиз кўрган кийинчиликларни кўрмадик, бунинг учун Худога ҳар қанча шукроналар айтсак, арзийди, деган фикр билан яшши – бу, табиийки, қувончли ҳол.

\* \* \*

Яна бир бор айтаман, болаларимиз, фарзандларимиз асл тарихни, ҳақиқатни билиши керак. Улар ана шу асосда тарбия топиши лозим ва ана шунда халқимиз, ёш авлодимиз ҳеч качон кам бўлмайди.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз мана шу юртда туғилгани, мана шу юртда яшаб, уни ёвдан озод қилгани, буюк давлат барпо этгани билан барчамиз ҳакли равишда фаҳрланамиз. Бу улуғ зотни бизга Худонинг ўзи берган. Амир Темур бизга қолдирган мерос – бу барча авлодларимизга хизмат қиласиган абадий меросдир.

Демоқчиманки, мана, бугун ёшлиаримиз ўсяпти, уларни ҳақиқат ва яна бир бор ҳақиқат билан қуроллантиришимиз керак.

\* \* \*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган энг катта иш ҳақида сўраса, мен ҳеч иккиланмасдан Кадрлар тайёрлаш дастурини қабул қилганимиз ва амалга оширганимиз, деб жавоб берган бўлардим. Мазкур дастур устида мен жуда кўп ишладим. Мана, бугунги кунда у ўз ҳосилини беряпти, десак, тўғри бўлади. Мен ҳозирги вактда за-

монавий мактабларимиз, лицей ва колледжларимиз, олий ўкув юртларимизда таълим-тарбия олиб, илм-фан, касб-хунар чўққиларини эгаллаб, ҳаётга ҳал килувчи куч бўлиб кираётган болаларимиз тимсолида бунинг амалий тасдигини кўраман ва бундай фарзандларимга ишонаман. Улар бугун замоннинг ўзи олдимизга қўяётган талабларни бажариш учун бутун борлиғини бахш этишга тайёр бўлиб майдонга чиқмоқда, десам, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз, деб ўйлайман.

Бир пайтлар ҳалқимиз, Ватанимизга нисбатан бўлган зулм ва зўравонлик, камситишлар ҳакида гапи-рар эканмиз, мен бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман: биз аламзада эмасмиз, кечаги ҳаётдан норози бўлиб, кимгадир қандайдир талаб қўйишдан ҳам йироқмиз. Кимлардир бир вактлар юртимиздан улкан бойликларни олиб кетган бўлса, майли, бойлик топилади. Аммо шуни билиб қўйинглар, бизнинг энг катта бойлигимиз – бу ҳалқимиз, ёшларимиздир.

\* \* \*

Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳакли ра-вишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларимиз қандай катта натижалар берадигани ҳакида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб гапирсак арзиди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 18 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида кабул қилинган Мак-

таб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар куриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, бекиёс мақсадларни кўзда тутишини камдан-кам одам ўзига тасаввур киларди.

\* \* \*

Мен жойларда бўлиб, одамлар билан, фермер ва дехқонлар билан учрашганимда, қишлоқ ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, пахта, ғалла ҳақида гаплашамиз, булар албагта керак. Лекин, эътибор берган бўлсангиз, бундай мулоқотларда ёшу кари ўз қишлоғи ёки туманида қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида тұхталиб, гапни авваламбор шундан бошлайди.

Мен юртдошларимизнинг бундай тұлқинланиб, қувониб гапиришини табиий, деб ўйлайман. Чунки халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажагини, баҳту саодатини ўйлаб яшайди.

Шу нұктай назардан караганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аникрок айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустахкам пойдерорига айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вактида, узокни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар түғри

бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар якъол намоён этмоқда.

\* \* \*

Биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар кайси инсон ниманики ўз олдимиизга мақсад килиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни шунда эмасми?

\* \* \*

Агар биз ўз вактида узокни кўзлаб, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-хунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиласиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иктисодий инкиroz даврида юртимизда тинчликни саклаб, иктисодиётимизнинг баркарор ўсиш суръатларини таъминлашга, айни шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олармидик?

Йук, албатта.

Ҳаммамизга чукур бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чукур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рӯёбга чикарадиган кудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараккиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, хеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бу ута муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида кўришимиз даркор.

\* \* \*

Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айникса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган фаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўргасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил заарли таъсирлардан, «оммавий маданият» никоби остидаги

тахдид ва хатарлардан асрash масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор.

\* \* \*

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вактида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мукаррар. Буни чукур англаб олган давлат, бундай хulosани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.

\* \* \*

Бугунги учрашувимизда мен ёшларимизга караб айтмокчиман: агарки қачон биз хоҳлаган замон келса, ана ушанда муродимизга етамиз, деган фикр билан bemalol юрадиган бўлсак, билиб қўйинглар, бундай замон ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди. Ўзимиз истаган замон учун курашиш, керак бўлса, ўзимизни, бутун борлигимизни беришимиз лозим. Шундай интилиш билан яшасак, нафакат ўз ҳаётимиз, балки келажак авлодларимиз ҳаётини, уларнинг эртанги ёруғ кунини ўзимиз, ўз қўлимиз билан барпо этган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тұхтаб турмайды ва ҳаммамиз буни хаёлимиздан чиқармаслигимиз керак. Биз әртанғи күн учун бутун күч-ғайратимиз билан ҳаракат килсак, үзимиз орзу килған ҳаёт шунчалик тез келади. Бугунғи кунда ҳаётимизнинг мана шундай тез суръатлар билан үзгариб бораётгани, турмушимиз тобора фаровон, одамларимизнинг бадавлат бұлаётгани бу фикрнинг амалий тасдиғи эмасми?

\* \* \*

Болаларимизнинг тарбиясини маңкам ушлашимиз лозим. Йүқ, болам, бундай эмас, мана бундай, сен кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодисан, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисисан, деган гапларни уларнинг қулоғига қўйиш керак. Бугун яхши яшаяпмиз, деб талтайиб кетмаслигимиз, оёғимиз ердан узилмаслиги зарур. Аслида бу ҳам жиддий бир хавф.

Шу боис мен ҳамиша таълим-тарбия соҳасида ишлайдиган юртдошларимизни үзимга яқин тутаман, уларнинг машакқатли меҳнатини қадрлашни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

Давлатимизнинг мукофотларини беришда, авваламбор, ўқитувчи ва мураббийларга эътибор қаратаман. Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини олганлар орасида айнан ўқитувчилар кўпчиликни ташкил қилиши бунинг тасдиғи эмасми?

\* \* \*

Ота-онаси, фарзанди учун, эл-юрт, она Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр бўлган инсонни ҳақиқий

ўғлон дейдилар. Ўғлон деган сўз билан ўғил деган сўзниң фарқи бор. Ўғлон деган сўзниң маъноси жуда катта. Яъни, ўғилларнинг энг сарасини, мард йигитларни халқимиз ўғлон дейди. Шу маънода, бугун униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ҳам ўз юртини мана шундай севса, унга фидойи бўлиб яшаса, биз бугун ҳам, келажакда ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, ўз мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз.

**ХАЛҚИМИЗГА ТИНЧЛИК  
ВА ОМОНЛИК КЕРАК**



Бугун биз ғоят мураккаб, таҳликали ва қалтис бир замонда яшаётганимизни барчангиз яхши биласиз.

Ҳозирги вактда дунёнинг узок-яқин турли худудларида юз берәётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг миңтақамизда, ён-атрофимиизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, конли түқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-каршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка қандай катта таҳдид туғдираётгани ҳакида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда, биз ҳушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайриҳоҳ, кимлар фаразли куз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чукур англаб, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшшимиз талаб қилинмоқда.

\* \* \*

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-каршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта.

Кўпчилик давлатлар қаторида Узбекистонимизда ҳам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олди-

ни олиш, останамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм суроётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш максадида ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганимиз.

Шулар қаторида 2012 йили қабул килинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги конституциявий қонунда белгилаб берилган, бизнинг хавфсизлигимиз билан боғлик бўлган принциплар ва позицияларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилигига яхши аёндир.

Авваламбор, узок ва яқин қўшилмаслик из билан тил топишиб, улар билан ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва, энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслик, муқаддас юртимиз тупроғида чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришга ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиз ташкарисига ўтишига йул қўймаслигимиз шулар жумласидандир.

Бугун юзага келаётган ҳалқаро вазиятда айни шу йўл, шу сиёсат биз учун макбулдир.

\* \* \*

Бизга узок ва яқин жойларда пайдо булаётган зиддият ва муаммоларни қандай ечиш керак, деган масалада ҳозирги вактда кўп гапирилмоқда.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва карашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, ҳалқаро қонун ва нормаларда белгилаб, муҳрлаб кўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зуравонликка, куч ишлатишга йул қўймасликдир.

Юзага келадиган қарама-каршиликни, низоларни факатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегараларнинг дахлсизлигини бузишга йўл қўймасликдир.

Хар қандай тўкнашув, хар қандай қарама-каршилик, ҳар қандай зиддият, авваламбор тинчлик йули билан, сиёсий музокаралар йули билан ҳал этилиши керак. Мустакил давлатларнинг мустакиллигига зиён етказмаслик керак. Зўравонлик йули билан, куч ишлатиб, бу масалаларни ҳал килиб бўлмайди. Агар уруш-жанжал бошланадиган бўлса, унинг охири куринмасдан қолади.

Халқимиз хотиржам бўлсин – Узбекистон бундай баҳслар, қарама-каршилик ва зиддиятлар, қон тўкишга қаратилган уринишларга асло қўшилмайди ва бундай харакатлар оstonамизга этишига биз асло йўл қўймаймиз. Бунинг учун кучимиз ҳам етади, курдатимиз ҳам етади, керак бўлса, аклимиз ҳам етади, десам, ўйлайманки, одамларимиз менинг гапларимни тўғри тушунади ва тўғри англайди.

\* \* \*

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фукаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро хурмат муҳитини саклаш, ҳукукий саводхонликини, юртдошларимиз, айникса, ёшларимизнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини оширишни таъминлашда фукаролик жамияти институтларининг ролини янада кучайтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

\* \* \*

Биз учун тинчлик ва омонлик керак. Ҳакикатан ҳам, юртимиздаги кайси хонадонга кирманг, қарияларимиз

дуога күл очиб, Яратгандан, аввало, эл-юртимизга тинчлик ва омонликни сўрайди. Тинчлик бўлсин, хотиржамлик бўлсин дейди. Турли бало-қазолар бизга якин келмасин, остоナмизга йўламасин дейди. Фарзандларига, набираларига узок умр ва баҳт тилайди. Чунки халқимиз тинчлик бўлса, фаровонлик ва тараққиёт бўлишини яхши билади, тинчликнинг кадр-қимматини яхши англайди.

\* \* \*

Мен ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиб ўтказиладиган маросимда халқимиз ўргасида машҳур бўлиб кетган «Ўзбекистонга тинчлик ва омонлик керак» деган иборани такрорлайман. Биз бугунги кунда айни шу мақсадга жавоб берадиган сиёсатни олиб бормоқдамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Агар давлат кимнингдир ишорасига ё буйругига қараб ёки унинг сиёсатини ўзига маъкул топиб, ўзиникини эмас, айнан унинг манфаатларини кўзлаб сиёсат олиб борадиган бўлса, хато қилади. Бундай бирёқлама сиёсатни совет даврида, керак бўлса, ундан кейинги давларда ҳам кўпгина қўшни давлатлар мисолида кўрдик.

\* \* \*

Дунёда яшаётган кўпчилик халклар қатори бизнинг халқимиз ҳам уруш қайтарилемаслигини истайди. Уруш ҳеч қачон қайтмасин, деб барча-барча момоларимиз, боболаримиз ҳам, опаларимиз, акаларимиз, болаларимиз ҳам – ҳамма битта нарсани истайди: эй одамзод, бу

машъум уруш бошқа қайтмасин, останамизга бу бало якин йўламасин, деб ҳар сафар дуойи фотихани шундан бошлайди. Шунинг учун бизнинг килаётган барча-барча ҳаракатларимиз, давлатимиз, хукуматимиз, раҳбарият амалга ошираётган ишлар, албатта, нимага қаратилган, деб сурасак, мана шу тинчликни сақлаш учун, деб жавоб бериш ҳар томонлама тўғри бўлади.

\* \* \*

Агар тинчлик-осойишталик бўлмаса, меҳр-окибат бўлмаса, биз орзу қилган ва интилаётган эркин ва фаровон ҳаётни қуриб бўлмайди.

\* \* \*

Ҳаммамизнинг ниятимиз янада ёргуғ кунларни қўриш, болаларимизнинг, невараларимизнинг баҳти ни қўриш. Бизга аввало ана шу оддий-оддий нарсалар керак.

\* \* \*

Мен бугунги имкониятдан фойдаланиб, бутун ҳалкимизга қаратса айтмоқчиман: мана шундай ўта таҳликали замонда биз ташки сиёсатимизни ўтказишида огоҳ ва сезгир бўлиб, шу йўлда бир мушт бўлиб ҳаракат килишимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Чунки ён-атрофимизда бўлаётган воеалар биздан шуни талаб қилмоқда. Мана, Афғонистонда ҳали-бери тинчлик ўрнатилгани йўқ. Бу мамлакатда ўтган йили сайлов ўтди-ю, унинг ижобий натижалари амалда кўринмаяпти. Ирок ва Сурияда Ирок ва Шом ислом давлатини ўрнатамиз, деган гоя билан ёвуз, ваҳший бир куч пайдо бўлди. Уларнинг жирканч қиёфасини

оммавий ахборот воситаларида берилаётган лавҳалар оркали кўриб турибмиз. Улар муқаддас ислом динининг бутун дунёда обрусини тўкмоқда. Аслида бу ёвуз кучларнинг мусулмончиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ваҳшийлик, одам ўлдириш, одамларни қўрқитиш, гаровга олиш ислом динига тамоман ёт нарсалар.

Бундай кучларнинг ёшларимизни алдаб, ўз кармоғига илинтиришига ҳеч қандай имконият бермаслигимиз керак. Мана, кўшни мамлакатлардан кўплаб ёшлар билиб-бilmай уларга кўшилиб, мана шундай «ўйин»ларда катнашяпти. «Ўйин» деб мана шу ваҳшийликларни айтаяпман. Биз бундан доимо огоҳ бўлиб, масаланинг моҳиятини, биринчи навбатда, оналарга етказишимиз муҳим. Оналаримиз ўз болаларига тўғри йўл кўрсатиши, мен сенга ок сут бериб катта қилганман, мени рози қилишни истасанг, бундай йўлларга юрмайсан, деган гапларни айтиб, ёшларнинг кўзини очиб бериши керак. Ана шунда бизнинг ёшларимиз ҳеч қачон бундай йўлларга кирмайди.

Лекин вақтни йўқотиб, лоқайдлик ва бепарволик кайфиятига бериладиган бўлсак, биз кўп нарсани бой берамиз.

Мана, қаранг, қандай эркин ва обод Ватанда қандай гўзал ва ширин ҳаёт кечиряпмиз. Олдимизда яна кўплаб янги имкониятлар очиласяпти. Эл-юртимиз тинчлигини, мусаффо осмонимизни химоя қилишда, юртимизни янада тараққий эттириш ва ислоҳотларимизни изчил амалга оширишда мен, авваламбор, кимга суюнаман? Она ҳалқимга суюнаман, кўпни курган муҳтарам карияларимизга, биринчи навбатда, ёшларимиз, менинг фарзандларимга таянаман.

\* \* \*

Биз нимани истаймиз – она Ватанимизда тинчлик ва омонлик бўлишини истаймиз. Бошқаларга ҳам шуни тилаймиз.

\* \* \*

Халқимизнинг «Емаган сомсага пул тўлашнинг нима кераги бор?» иборасини эслаш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлайман. Баъзан қўполдек бўлиб туюлса-да, бу ибора замирида чукур ҳаётий маъно, катта асос бор.

Эй, барака топкур, бизнинг мамлакатимизда тинчликни ҳимоя қилиш керак бўлганда, ким бизга ёрдамга келди, ким бизга мадад берди?

Энг муҳими, кимдадир ана шундай хоҳиш бўлган, Узбекистонга келиб ёрдам бераман, деган тақдирда ҳам, Узбекистон, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимнинг ёрдами, кўмагига муҳтож эмас.

\* \* \*

Айрим сиёсий кучлар ва катта давлатларнинг баъзи бир раҳбарлари шундай ният билан юрадики, қандай қилиб бўлса-да, ўзига обрў топиш, керак бўлса, қандай қилиб, кимларнинг ҳисобидан ўзига манфаат топиш ва янада кўпроқ куч-кудратга эга бўлиш. Бундай «мусобака» кимга керак, билмадим, лекин шундай ҳаракатлар ҳали-бери давом этмоқда.

\* \* \*

Мен Узбекистон учун, унинг сиёсати учун жавобгарман. Кимдир бизни ўз тудасига олиб, етакчилик

қилмоқчи бўлса, адашади. Биз у ёқка борамиз, бу ёқка борамиз, деган гапларни совет даврида кўп эшигандариз. Лекин бу гапларнинг нималарга олиб келганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Шундан хулоса қилиб, биз фақат ўз ақлимиз билан яшаймиз, бизга манфаат берадиган ишларни киламиз. Биз атрофимиздаги давлатлар билан фақат дўстона алоқаларни боғлашга тайёрмиз.

\* \* \*

Бизнинг қарияларимиз, юздан ошган мўътабар отахон ва онахонларимиз – юртимиз тинч ва осойишта, ҳаётимиз фаровон бўлсин деб, бугунги кунимизга шукроналар айтади. Чунки ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.

\* \* \*

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамидан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асраримизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилиш, орзу қилиш эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта баҳоли кудрат курашишимиз даркор.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА  
КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ  
МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН  
ОЛИЙ МАЖЛИС  
ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚУШМА  
МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ**

the first time in the history of the world, the  
whole population of the globe has been  
gathered together in one place, and  
that is the reason why the whole  
population of the world is now  
gathered together in one place.

It is a very remarkable fact that  
the whole population of the world  
is now gathered together in one place,  
and that is the reason why the whole  
population of the world is now  
gathered together in one place.  
It is a very remarkable fact that  
the whole population of the world  
is now gathered together in one place,  
and that is the reason why the whole  
population of the world is now  
gathered together in one place.

**Азиз ватандошлар, муҳтарам Олий Мажлис депутатлари!**

**Қадрли меҳмонлар!**

Аввало, сиз, ҳурматли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланишимга ўз ишончини билдирган юртдошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изхор этишдан баҳтиёрман.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларимга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, ҳаммангизга соғлик-омонлик, баҳт-саодат тилайман, қалбимдаги энг эзгу орзу-тилакларимни қабул килишингизни сўрайман.

Менга билдирилган ишончни ўзим учун, аввало, улкан масъулият ва катта шараф деб биламан ва яна бир бор айтмоқчиман – бундай юксак, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган халқ ишончини оқлашга, бажо келтиришга бутун борлиғимни сафарбар киласман.

**Қадрли дўстлар!**

Биз эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз кўлимиизга олиб, биз учун янги демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод хаёт қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб кўйиб, амалга ошираётган катъий

ўзгариш ва ислоҳотлар натижасида бугун эришаётган юксак марра ва ютукларимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Буларнинг асосий омили ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда «узбек модели» деб ном олган, машхур беш тамойил – принципга асосланган, тадрижий – эволюцион, босқичмабосқич ривожланишининг Узбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун тасдиқлаб бермоқда.

Бу модельнинг афзаллиги ва бугун ўзини бутунлай оқлаганини Узбекистонга хос бўлган турли табиий, тарихий, миллий, демографик ва экологик хусусиятларни тўла ҳисобга олганида кўрамиз.

Мисол учун қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу соҳада аренда – ижара мулкига асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берганимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-куватлаганимиз эвазига бу ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, яқин тарихимизда ўчмас из бўлиб қолади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Фермер хўжаликларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат 90–92 фоизини ишлаб чиқармокда, балки қишлоқ ҳаётининг таракқиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Ёки бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, хозирги вактда иш билан банд ахолимизнинг 75–77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган ана шундай кўрсаткич ва ракамлар биз олиб бораётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш, эртанги кунимиз, тараққиётимиз йўлида мустаҳкам пойdevор бўлиши муқаррар.

Шуни тўлик асос билан айтишимиз мумкин – айни шу каби ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобидан биз Ўзбекистон иқтисодиётининг баркарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Яъни, охирги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётгани ва 2015 йилда ҳам – шунга ишончимиз бор – бундан кам бўлмаслигини инобатга олсак, барча нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Албатта, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ана шундай юксак суръатлар билан ўсиши ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу мустакиллигимизнинг ilk кунларидан бошланган чукур тайёргарлик ишларимиз, аввало – шуни яна бир бор айтишга туғри келади – тараққиётнинг «узбек модели»нинг самарасидир. Биз ён-атрофимиздаги баъзи мамлакатлар каби, мана, ўз йўлимизни танлаб олдик, фалон йилга бориб, энг ривожланган давлатлар рўйхатининг бошига чиқамиз, деб катта-катта минбарлардан мақтанганимиз йўқ ва ҳеч қачон бундай қilmаймиз.

Бундай ютуқларнинг сабабларини биз, аввало, мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёкараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида курамиз. Ва энг мухими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-хунарларни пух-

та эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир бўлган навқирон ёшли-  
римизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз  
ва суюнчимиз деб билганимиздадир.

Ўзингиз айтинг, азизларим, кадрдонларим, агар биз ўз вактида, бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёр-  
лаш миллий дастурини қабул қилиб, уни ҳаётга жорий  
этишга киришмаганимизда, ёшларимизнинг тақдири,  
буғунги ва эртанги кунимиз нима бўлар эди? Мил-  
лий тараққиётимиз йўлида ҳал қилувчи аҳамиятга эга  
бўлган бу буюк ишимиз умуммиллий ҳаракатга ай-  
ланиб, шу аснода ўз келажагимизни кўрганимиз энг  
катта ютуғимиз бўлди. Агар биз ёшларимизни ана  
шундай юксак даражада катта ҳаётга тайёрлаб бор-  
масак, ҳозирги вактда хорижий мамлакатлардан юр-  
тимизга келган меҳмонлар, йирик фирма ва компа-  
нияларнинг вакиллари «узбек ёшларининг кузи ёниб,  
чакнаб туради, улар ҳар қандай мураккаб вазифани  
бажаришга қодир», деб, болаларимизга тан берарми-  
ди? Ҳар бир ота-она, бутун ҳалқимизга юксак ғуур  
бағишлайдиган бундай гаплар қулоғимиз остида  
доимо жаранглаб турса ва Ватанимиз келажаги ёш-  
ларимиз қўлида, деган шиоримиз қанча кўп амалга  
ошса, ҳақиқатан ҳам, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

Аммо шулар ҳакида сўз юритар эканмиз, бир аччик  
ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимизни истар эдим.  
Агарки биз эришган ютуқ ва ғарраларимиз билан че-  
гараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик  
кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барча-

миз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат ва Интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараккиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бунинг устига, жаҳон микёсида иқтисодий-мoliaвий инқироз давом этаётгани, ракобат, қарамакаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани барчамидан, аввало, бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишини талаб қилади.

Шу борада амалга ошираётган ишларимиз каторида ҳаётимизни кескин узгартираётган демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамизга айланмоқда, десам, янглишмаган бўламан.

Хорижлик ҳамкорларимиз, дунёдаги энг тараккий топган давлатларнинг вакиллари, бугунги мажлисимида иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистон барча соҳаларда улкан муваффакиятларга эришганини, айни пайтда олдимизда бундан ҳам катта вазифалар турганини ўзаро мулокот ва сұхбатларда доим эътироф этишади.

Мана, якинда АҚШ Президенти жаноб Барак Обаманинг менинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган кутлов телеграммаси билан бутун халқимиз оммавий

ахборот воситалари оркали танишди. Ана шу телеграммада айни шу мавзу ҳакида ҳам сүз юритилган.

Чиндан ҳам, агар биз дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш йўлида янада юксак мэрраларни эгалламоқчи, ҳаётимизни янги босқичга кутармокчи, аввалимбор, эркин, озод ва фаровон яшамоқчи бўлсак, демократияни ҳаётимизга татбиқ этишда ҳеч кимдан, ҳеч қачон орқада қолмаслигимиз керак.

Мен шуни истайман ва барчангизни шундай максадлар сари даъват этаман.

Шулар ҳакида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тусик бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўзечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал килишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида ахамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, судҳукуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислоҳотларни янги, юксак босқичга кутариш – айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иктисолиётимизнинг ракобатдошлигини таъминламасдан туриб, яъни ишлаб чиқариш соҳа ва тармокларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технодогик ва техник нуктадан назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак. Бу ҳақиқатдан биз ҳеч қачон кўз юма олмаймиз.

Бугунги кунда дунёда шафқатсиз кураш кетяпти. Шундай экан, ҳаётнинг узи талаб қилаётган, ҳар томонлама асосланган янги стратегик йўлни ҳаётимизга жорий қилмасдан, барча жабҳаларда янги ғалабаларни кўлга киритмасдан туриб, бу курашда ютиб чиқа олмаймиз. Агар бизга бўлаверади, деган кайфият билан яшайдиган бўлсак, жуда катта хатога йўл қўямиз ва келажак авлодларимиз бизни ҳеч қачон кечирмайди.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни, келажак истиқболимизни ўйлайдиган бўлсак, бугун иқтисодиётилизда амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларни, авваламбор, таркибий ўзгаришларни янада чукурлаштириш, янги, замон талаб қиласидиган даражага кўтариш масаласини ҳал қилмасдан туриб, очиқ айтишимиз керак, биз ўз мақсадларимизга – таракқий топган демократик давлатлар қаторига кўтарилишимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.

Биринчи навбатда, Конституциямизда муҳрлаб кўйилган кўптармоқли иқтисодиётилизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча гов ва тўсикларни йўқ килиш – биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.

Айтиш керак – ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулқдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-хуқукий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш

ахборот воситалари орқали танишди. Ана шу телеграммада айни шу мавзу ҳакида ҳам сўз юритилган.

Чиндан ҳам, агар биз дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш йўлида янада юксак мэрраларни эгалламоқчи, ҳаётимизни янги босқичга кутармокчи, авваламбор, эркин, озод ва фаровон яшамоқчи бўлсак, демократияни ҳаётимизга татбиқ этишда ҳеч кимдан, ҳеч қачон орқада қолмаслигимиз керак.

Мен шуни истайман ва барчангизни шундай мақсадлар сари даъват этаман.

Шулар ҳакида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тўсиқ бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўзечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, судхукуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислоҳотларни янги, юксак босқичга кўтариш – айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иктисолиётимизнинг ракобатдошлигини таъминламасдан туриб, яъни ишлаб чиқариш соҳа ва тармокларини модернизация ва диверсификация килмасдан, технодогик ва техник нуктаи назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул килмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён булиши керак. Бу ҳақиқатдан биз ҳеч қачон күз юма олмаймиз.

Бугунги кунда дунёда шафқатсиз кураш кетяпти. Шундай экан, ҳаётнинг үзи талаб қилаётган, ҳар томонлама асосланган янги стратегик йўлни ҳаётимизга жорий қилмасдан, барча жабҳаларда янги ғалабаларни қўлга киритмасдан туриб, бу курашда ютиб чиқа олмаймиз. Агар бизга бўлаверади, деган кайфият билан яшайдиган бўлсак, жуда катта хатога йўл қўямиз ва келажак авлодларимиз бизни ҳеч қачон кечирмайди.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни, келажак истиқболимизни ўйлайдиган бўлсак, бугун иқтисодиётилизда амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларни, авваламбор, таркибий ўзгаришларни янада чукурлаштириш, янги, замон талаб қиласидиган дараҷага қутариш масаласини ҳал қилмасдан туриб, очик айтишимиз керак, биз ўз мақсадларимизга – тараққий топган демократик давлатлар қаторига қутарилишимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.

Биринчи навбатда, Конституциямизда муҳрлаб кўйилган қўптармокли иқтисодиётилизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча ғов ва тўсикларни йўқ қилиш – биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.

Айтиш керак – ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулқдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-хукукий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш

бүйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Лекин минг афсуски, хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан устуворлиги барчамиз учун аён бўлишига қарамасдан, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиз, аввало, мулкдорларга эркинлик бериш ма-салалари тўла ечиlmаяпти, ўзининг кутилган са-марасини бермаяпти.

Эркинлик деганда, биз нафақат инсоннинг озод яши, эркин нафас олишини, балки, аввало, мулкдорлар ва тадбиркорларга ҳақиқий эркинлик беришни, фаолият эркинлигини тушунамиз. Мулк эгаси ва тадбиркорларнинг кўл-оёғига турли баҳоналар билан ки-шан кийдирадиган зўравонлар – бу назорат қиладиган вазирлик ва идоралар бўладими, рухсат берувчи, банк, молия ҳамда бошқа хизматлар кўрсатадиган тузилма-лар бўладими, ер ажратиш, зарур ресурсларни олиш йўлидаги ҳали-бери ўз ечимини топмаган муаммолар бўладими – бундай ғов ва тўсиқлар бу соҳага фақат за-рар келтиради, унинг ривожини бўғиб, эркин харакат килишига кўймайди. Бундай адолатсизликка энди чи-даш мумкинми? Йўқ, ҳеч қачон.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ва-киллари, мулкдорлар синфи нафақат ўзини, оиласини боқаётган, айни пайтда ҳалқимиз фаровонлигини таъ-минлашга, миллий армиямизни қуллаб-қувватлашга, бир сўз билан айтганда, миллий таракқиётимизга ҳисса кўшаётган экан, улар, авваламбор, эркин ва яна бир бор эркин бўлиши шарт. Бундан кейин мутасадди вазирлик ва идоралар, жойлардаги бошқарув идорала-ри фаолиятига айни шу талаб ва мезон асосида баҳо берамиз. Агар каерда кимдир ўз ишини ҳалол ва виж-

донан бажараётган тадбиркорларга ишонч билдириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ўрнига, уларга ола кўз билан қарайдиган бўлса, билиб қўйинглар, биз бунга бошқа тоқат қилмаймиз. Баъзи бир одамларнинг онгида шундай бир бемаъни тушунча ва тасаввур қотиб, ўрнашиб қолганки, ундан ҳанузгача кутула олмаяпмиз. Яъни, текширувчи, албатта, хато ва камчилик топиши ва кимнидир, албатта, жазолаши керак. Барака топкур, бу – эски мустабид тузумдан қолган сохта қарап эмасми?

Аслида, текширишдан асосий максад шундай бўлиши керакки, у, авваламбор, камчиликни топиш ва уни бартараф этиш, келгусида бунга йўл қўймаслик учун хизмат қилиши керак.

Мутасадди идоралар айни шу фикрни ўзига шиор килиб олишини истардим. Агар кимда-ким текширишларни ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб ташкил қилаётган ва амалга ошираётган бўлса, бундай одамлар билан биз – раҳбарлар, яъни давлат курашиши керак.

Шу нуктаи назардан караганда, иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз даркор.

Яна бир бор айтаман, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини сезиларли даражада қисқартиришимиз керак. Нега деганда, иқтисодиётда давлатнинг улуши кўп бўлса, бу факат зиён келтиради. Мен ўзим давлат раҳбари, давлатнинг вакили бўлиб, шу гапни айтаётган эканман, бунинг учун барча асосларим,

илмий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамланган хулосаларим бор.

Бугун ким фойдали иш қиляпти-ю, кимдир эса номига ишлаб, бунинг учун ойлик оляпти – биз ҳаммасини яхши биламиз. Мансабдор одамлар орасида ўз манфаатини давлат манфаатидан, ҳалқимиз манфаатидан устун қўяётган одамлар бор экан, уларни масъул лавозимга, вазифага қўйиб, биз хато қилганмиз. Ҳали ҳам кеч эмас, биз бу борадаги ишларни, албатта, тартибга олиб, жойига қўямиз. Ким янгича ишлашни хоҳламаётган, кун ўтса бўлди-да, деб юрган бўлса, шуни билсинки, уларнинг ўрнига интилувчан, ишга, меҳнатга чанқоқ ёшларимиз келади.

Фарзандларимиз – бизнинг эртанги кунимиз, деб кўп гапирамиз. Ҳакиқатан ҳам, қаерда, қайси соҳада, мана, мен борман, бу ишни, бу масъулиятни ўз зиммамга оламан, деб майдонга отилиб чиқадиган ёшлар бўлса, улар – эртанги кунимиз, улар – менинг болаларим. Агар шундай ғайрат-шижоат билан ўзингизни намоён этмасангиз, ўйлайманки, вактингиз бекор кетаяпти, азиз болаларим. Сизларга, мана, мен Президент сифатида айтяпман: сиз – менинг суюнчим ва таянчим, ҳеч қачон кўркманг, маррани баланд олиб, олдинга босинг.

Албатта, бугун бизнинг янада жадал олдинга боришимизга халакит берәётган, йўлимизда тусик булаётган ғовлар кўп. Айниқса, коррупция деган балонинг олдини олиш ва унга қарши қатъий курашиш лозим. Дунёда коррупцияни енгиб бўлмайди, деган гап кенг тарқалган. Мен бунга қўшилмайман. Тўғри, коррупцияни охиригача енгиб бўлмайди, деган гапда

жон бор. Лекин ҳаммамиз, бутун ҳалқимиз бир ёқадан бош чиқариб, бир тану бир жон бўлиб курашсак, уни енгиш мумкин.

Давлат идораларида лавозимда ўтирганлар, аввалимбор, ўзининг манфаатини эмас, балки давлат манфаатини уйлаши керак. Аммо совет давридаги хусусий мулкни бутунлай рад этган мафкуравий қараш ҳам қайтмаслиги керак. Ўша мустабид тузум даврида давлат манфаати учун минг-минглаб одамларнинг нафақат мол-мулки, балки ҳаёти ҳам барбод қилинган. Бугун бу ҳақда мисол келтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман.

Узбекистон Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-киммати ва бошқа дахлсиз ҳукуклари олий қадрият экани мустаҳкамлаб кўйилган. Давлат манфаати ёки давлат мулкининг ҳукмронлиги белгилаб кўйилмаган. Давлат, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуки ва эркинликларини таъминлаш учун хизмат қилиши лозим. Бошқача айтганда, биринчи навбатда, одамлар рози бўлса, бой бўлса, шундан кейин давлат манфаати ҳам таъминланади, давлат ҳам бой бўлади.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – маъмурий буйруқбозлиқ тизимининг ҳамон сакланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидан воз кечиб, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифа ва ваколатларни аниқ белгилаб кўйишимиз, савдо операцияларини, чакана савдодан ташқари, асосан, биржа орқали амалга ошириш тизимиға ўтишимиз керак.

Биз бу борада кўп-кўп ютуқларни қўлга киритганимиз барчамизга канот беради, албатта. Шу йўлда бошлаган ишларимизни янги босқичга кутариб, биржа савдосини ривожлантирадиган бўлсак, бюрократия, керак бўлса, коррупциянинг пайи анча киркилади.

Аксинча бўлса, дейлик, харидор ва ўз маҳсулотини таклиф этаётган томоннинг вакили учрашиб, шахсий манфаати йўлида ўзаро келишиши мумкин. Биржада эса бундай ўзбошимчалик бўлмайди, факат қонун асосида иш юритилади. Шундай экан, биз бу борадаги ишни яна ривожлантиришимиз керак, албатта.

Айниқса, кичик бизнес соҳасида бу ўзини тўлиқ оқламоқда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг камида 50 фоизи биржа савдоларида қатнашиб, зарур ресурсларга эга бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараб, биз бу масалада кичик бизнесга бу борада яна-да кенг йўл очиб беришимиз керак.

Шулар қаторида корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятига ҳам кўпгина хорижий фирма ва компаниялар тажрибаси асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатадики, Узбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчиликнинг энг маъқул, самарали, ўзини оклаётган йўлидир. Бунинг афзаллиги, аввалимбор, шундаки, хорижлик акциядорлар – муассислар кўшма корхоналарга, аввало, илфор, юкори технологияларни олиб келиш билан бирга, ишлаб чиқариш-

ни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий этади.

Шу аснода биз хорижий давлатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун очиқлигимизни билдириб, бу борада янги йўл ва имкониятлар очиб беришга тайёрмиз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Айни шу йўлни биз ўзимизга маъқул, деб биламиз ва бу борада амалий ишларни бошлаганмиз. Мамлакатимизда бу соҳадаги ҳозирги ҳолат, афсуски, коникарли эмас. Кўпчилик компания ва бирлашмалар номигагина акциядорлик жамиятларига айлантирилган. Ўйлайманки, ўз вақтида бу масалага юзаки каралгани ва чукур текширмасдан туриб рухсат берилгани бунга сабаб бўлган.

Шундай экан, мутасадди вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолиятини яна бир бор танкидий баҳолаб, айбдорларни, керак бўлса, жавобгарликка тортиш керак. Чунки Узбекистонда бундай ўйинлар кетмайди. Афсуски, биз бу масалада пала-партиш ишларга йўл қўйдик. Акциялар ҳам номига чикарилган, улар деярли иш бермаяпти.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни курсатмоқдаки, маҳаллий акциядорлар билан бирга чет эллик инвесторлар ҳам акцияларга эга бўлган компаниялар ўзини оқлаяпти.

Шунинг учун биз барча компанияларни ана шундай шаклга ўтказишни энг тұғри йўл деб биламиз. Чет мамлакатларнинг вакиллари ўз сармояси билан келиб, компанияларимизнинг акцияларини сотиб олса,

акциядор бұлса, бунинг нимаси ёмон? Шундай йүл тутсак, авваламбор, юртимизга замонавий технология келади, иккинчидан, маҳсулоттаримизни жаҳон бозорига чиқариш осонрок бұлади.

Бугунги кунда дунё бозорида ракобат шу даражада шафқатсиз тус олмоқдаки, унда мустаҳкам үрин эгаллаш осон әмас. Майли, әнд қаралып, технологияни юртимизга олиб келиб, юқори сифатли маҳсулоттар ишлаб чиқардик ҳам дейлик. Лекин уларни эртага каерда сотамиз? Жаҳон бозорида бизни ҳеч ким, келинг, марҳамат, деб кутиб олмайди. Бу бозор тұлық бўлиб олинган, унда бўш жойнинг ўзи йўқ. Аммо биз бу бозорда ўзимизга хос ва ўзимизга мос үрин эгаллаб, шунинг ҳисобидан маҳсулот сотиб, валюта ишлашимиз зарур. Биз бунга қандай эришишимиз мумкин? Қачонки маҳсулотимизга талаб катта ва у юқори сифати билан бошқалардан устун бўлсагина жаҳон бозорида ўз үрнимизни топишимиз мумкин. Сифатли маҳсулот чиқариш учун эса әнд замонавий технологиялар керак. Шу маънода, ана шундай технологияларга эга бўлган хорижлик инвесторларни корхоналаримизга шерик сифатида жалб қилсак, улар акция эгаси бўлса, биз кўп нарса ютамиз.

Шулар категорида Интернетнинг имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Бугунги кунда дунё бозорида нима янгилик бўляпти, қайси маҳсулотга қанча талаб бор, нарх-наво қандай, эртага нима бўлиши кутилмоқда, деган саволларга жавоб беришга ҳар биримиз – катта компаниялар раҳбарларидан тортиб, менежерлар, фермерлар, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва

хизмат кўрсатувчи тайёр бўлиши лозим. Бу – ҳаёт таби.

Айни вақтда шуни ҳам яхши билиб олиш кераки, жаҳонда юксак технологияларга эга бўлган давлатлар кўп эмас. АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой каби бу соҳада катта салоҳиятга эга бўлган давлатлар билан яқин бўлиб, улар билан ҳамкорликда кўшма корхоналарни кўпайтирсак, фақат фойда кўрамиз. Бу борада ҳар қандай мафкуравий қарашларни четга суриб қўйишимиз керак.

Рухсатингиз билан яна бир муҳим масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Ҳозирги кунда жаҳонда иқтисодий кураш билан бирга, мафкуравий қарама-қаршилик ҳам кучайиб бормоқда. Мафкуравий кураш – бу, аввало, сиёсий кураш дегани. Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий нуқтаи назардан манфаати бўлиши табиий ҳол. Буларнинг орасида маънавият соҳасидаги манфат ва кураш энг муҳим жабҳа ҳисобланади. «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобимда бу масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Маънавият аслида нима эканини ҳаммамиз чукуранглаб олсак, уни болаларимизга ҳам ўргатсак, биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисларимиз, деган саволларни олдимизга кўйиб, уларга жавоб бериб яшайдиган бўлсак, ҳеч нарсадан қўрқмасак бўлади. Чунки бундай ишонч ва эътиқод билан яшайдиган халқни ҳеч ким енга олмайди.

Халқимизнинг эзгу ҳаёт талабларига жавоб берадиган, унинг туб манфаатлари, орзу-интилишларини ҳар

томонлама акс эттирадиган миллий ғоя, миллати, тили ва динидан қатын назар, ҳар бир юртдошимизнинг ўз ғоясига айланса, уларнинг қалби ва юрагидан чуқур жой олса, – мен ишонаман – ана шунда биз кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта етамиз.

Бугунги кунда биз, эртага нима бўлишини олдиндан айтиб бўлмайдиган, кўп жиҳатдан ноаник, бекарор бир замонда яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда, аввало халқимизнинг ўз кучига бўлган ишончи, иймон-иродасини янада мустаҳкам қилиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Бир ҳақиқатни барчамиз, биринчи навбатда ёшли-римиз аник-равshan тушуниб олишини истардим: мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш мақсадида бошлаган ишларимизни мантикий якунига албатта етказиш – бу биз учун тарихимизнинг ўзи исботлаб бераётган энг тўғри йўл ва биз шу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаслигимиз шарт. Шуни унумаслигимиз керакки, мустақиллик, бугунги эркин ҳаёт, бугунги бекиёс имконият ҳар қайси миллат, ҳар қайси авлод тарихида фақат бир марта бериладиган улуғ ва ноёб неъматдир.

Агарки биз учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласи бўлган ана шу имкониятни бой берсак, зиммамизга юклатилган буюк тарихий масъулият ҳиссини йўқотсак, ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга етиш учун юртимизда яшаётган ҳар қайси онгли инсон бор куч-ғайрати, акл-заковатини бағишилашига эриша олмасак, очик айтиш керак, биз эл-юртимиз олдида, ёш авлодимиз, жондан азиз фарзандларимиз олдида хиё-

нат қилган бұламиз. Үз-үзидан равшанки, бунга йүл күйишга бизнинг ҳеч қандай ҳақкимиз йўқ.

Бу фикрни барча ватандошларимиз, ёшларимиз он-гига чуқур сингдириш аввало биз – раҳбарлар, етакчи-лар учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда амалга ошираётган ва 2015 йил ҳамда келгуси йиллар учун белгилаб олган исло-хотларимизни айни шу талаблар асосида янада чу-курлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини давом эттиришимиз, ҳеч шубҳасиз, давлат бошқаруви таркибини ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янги боскичга кутаришга, жаҳон миқёсида Ўзбекистонимизнинг муносиб ўрин эгалла-шига хизмат қилади.

### Қадрли дұстларим, юртдошларим!

Рухсатингиз билан яна бир ўта мұхим ва барчамиз-ни ўйлантирадиган масалага тұхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Яъни, бугунги кунда барчамиз қандай ўта таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган, турли хавф-хатарларни олиб келиши мумкин бўлган замон-да яшамоқдамиз.

Айни шундай вазиятни ҳисобга олиб, бугун юр-тимизда ҳукм сурاءтган тинчлик-осойишталиктини, ҳалқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш мақсадида биз узок ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар билан дўстона муно-сабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз, деб билишимиз керак.

Яна ва яна бир бор айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан – Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз худудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.

Бугун яқин атрофимизда вужудга келаётган ута мурраккаб вазиятда айни шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъкул, деб биламиз. Илгари ҳам айтганимдек, бизга, ҳалқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайриҳоҳ бўлиб келаётган хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларга, уларнинг мана шу залда ўтирган вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўз номидан, ҳалқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Мен чет давлатлардан келган ҳамкорларимиз, аввалимбор, дипломатик корпус, бизнес вакиллари билан кўп учрашаман. Улар орасида уруш ҳакида, қарама-қаршилик тўғрисида гапирган биронта одамни учратмадим.

Айниқса, дипломатларга қойил қоламан. Улар ўзини шундай тутадики, ҳеч қачон бирортаси билан ёмон кайфиятда хайрлашганимни эслай олмайман. Элчиларнинг ваколат муддати тугагач, улар билан хайрлашаётганимда ўзимни бামисоли яқин дўстимни кузатаётгандек ҳис қиласман.

Чунки хорижий давлатларнинг элчилари юртимизда ишлаган вактлари мобайнида биз билан шундай

яқинлашиб, дүстлашиб кетадики, хайрлашишнинг ўзи оғир бўлади. Биронта элчини кўрмадимки, мана, мен ниҳоят кетяпман, бундан мамнумман, деган бўлса. Шу боис бугун юртимиизда фаолият курсатаётган чет мамлакатларнинг элчиларига бутун халқимизнинг ҳурмат ва эҳтиромини етказмокчиман.

Менга қолса, маҳсус бир мукофот таъсис этиб, Ватанимизда ўз фаолиятини якунлаётган дипломатларни у билан тақдирласак, айни муддао бўларди.

Ўйлайманки, бу залда ўтирган катта-кичик барча раҳбарлар, парламентимиз палаталари аъзолари муҳтарам элчилар билан учрашса, мулокотлар олиб борса ёки улар билан ҳамкорлик тўғрисида келишувларга эришиш пайтида уларнинг ўртасида айни шундай кайфият ҳукмронлик қиласа, мақсадга мувофик бўлар эди.

Дипломатнинг энг катта ютуғи нима, деб сўрасангиз, мен улар кўп ишлатадиган ибора билан, урушни бошламасидан туриб уни ютишида, деб жавоб берган бўлардим. Мана шундай хусусият ва аломатларга эга бўлган одамлар, албатта, тасодифан Ўзбекистонга келмайди.

Шуларни хисобга олиб, марказда бўладими, вилоятларда бўладими, барчамиз чет давлатларнинг муҳтарам вакилларига шундай ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлсан, бу бизнинг қоидамизга, айланса, ҳаммамиз, авваламбор, Ўзбекистонимиз учун маъқул иш бўларди.

Менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча давлат раҳбарларига,

сиёсат ва жамоат арбобларига чукур миннатдорлик билдираман.

**Менга юксак ишонч билдирган она халқимга бош эгиб, яна ва яна бир бор таъзим киламан.**

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат килиш – мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

**Доимо соғ-омон бўлинглар, кадрдонларим!**

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида .....	3
Бизнинг мақсадимиз – эркин ва фаровон, демократик хаёт куриш ( <i>Тадбиркорлар ва ишибилармонлар</i> ҳаракати – Узбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездидаги маъруза).....	37
Мустакиллик – тоғдек таянчимиз, кудратли заминимиздир .....	67
Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, кандай янги мэрраларни эгаллашимиз керак? .....	77
Сайлов – демократиянинг олий шаклидир .....	97
Тарих – бамисоли кўзгу .....	107
«Ўзбек модели» – амалда ўзини оқлаган, ёруғ истикболимизни белгилаб берган тараккиёт йули .....	123
Кишлок тараккий топса, юртимиз обод, хаётимиз янада фаровон бўлади.....	171
Ободлик кўнгилдан бошланади .....	189
Замонавий раҳбар доимо олдинга интилиб яшши керак....	205
Кексалар – хонадонларимизнинг файзу фариштаси.....	215
Аёл бахти – жамият бахти .....	225
Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.....	233
Халқимизга тинчлик ва омонлик керак .....	271
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишенган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ .....	281

**Каримов И.А.**

**K25      Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир / И.А. Каримов; – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. 304 б.**

**ISBN 978-9943-28-344-2**

**УЎК: 323(575.1)  
КБК 66.3(5Ў)**

---

**Расмий нашр**

***Ислам Абдуганиевич Каримов***

**ОНА ЮРТИМИЗ  
БАХТУ ИКБОЛИ ВА БУЮК  
КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА  
ХИЗМАТ ҚИЛИШ –  
ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР**

**Нашр учун маъсул *Х. Султонов***

**Нашрга тайёрловчилар: *С. Ашуроев, М. Кашибоев, И. Бурибоев, О. Тұракұлов***

**Нашриёт мухаррирлари: *И. Ахмедов, Б. Акбаров***

**Рассом *Ш. Ходжаев***

**Бадиий мухаррир *Х. Кутлуков***

**Техник мухаррир *Л. Хижсова***

**Кичик мухаррир *Д. Халматова***

**Мусаххихлар: *М. Ишонхонова, С. Салакутдинова***

**Компьютерда тайёрловчи *К. Голдобина***

**Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.2009.**

**Босишига 2015 йил 7 августда руҳсат этилди. Бичими 60×90<sup>1/16</sup>.**

**Офсет көғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.**

**Шартли босма табоги 19,0+0,13 фронтис. Нашр табоги 15,18.**

**Адади 25000 нусха (1- завод). Буюртма № 15-502.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кучаси, 30.**

**ISBN 978-9943-28-344-2**



9 789943 283442